

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ 10-11-сон
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ (354-355)
ТЎПЛАМИ 2009 йил
16 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

105. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПФ-4087-сон Фармони
106. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлар аро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ-3937-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 5 мартдаги ПФ-4089-сон Фармони
107. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 февралдаги ПҚ-1062-сон қарори
108. «Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузуридаги Доимий мухтор вакили тўғрисида»

да» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 10 мартдаги ПҚ–1069-сон қарори

109. «2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартдаги ПҚ–1072-сон қарори

Учинчи бўлим

110. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 6 мартдаги 57-сон қарори
111. «Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 7 мартдаги 58-сон қарори
112. «Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарори
113. «Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарори
115. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон қарори)» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарори

Бешинчи бўлим

116. «Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий

муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 5/1-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913*)

117. «Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 16 февралдаги 5-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 473-1*)
118. «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида» ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-10-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1041-1*)
119. «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 26 февралдаги 2009-15, 26, 8-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1*)
120. «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 5 февралдаги 23-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1329-2*)
121. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 6 февралдаги 18, 2/8, 2008-47-сонли қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1914*)
122. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли

- қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915*)
123. «Гўшт-сут ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 7/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1916*)
124. «Паррандачилик соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 6/Б-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1917*)
125. «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎЗР АҚ-145ТХК)ни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғининг 2009 йил 2 февралдаги 8-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1918*)
126. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919*)
127. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 3 мартдаги 2009-

17-сонли буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1258-2*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2009 йил 28 февралдан 13 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ****105 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш
тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга оид қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига иловага мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Солиқ кодексининг амалга оширилишини ҳар томонлама мониторинг ва таҳлил қилиш махсус идоралараро гуруҳи (Р.С. Азимов) икки ой муддатда ҳукумат қарорлари билан аввал берилган солиқ имтиёзларини тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳаларини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 февраль,
ПФ-4087-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 27 февралдаги
ПФ-4087-сон Фармониغا
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
фармонларига киритиладиган ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сон Фармонида:

а) 4-бандда:

биринчи хатбошидаги «бошқа тўловларнинг» сўзлари «бошқа мажбурий тўловларнинг (кейинги ўринларда — бюджетга тўловлар)» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «Солиқ ва тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссиясига» сўзлари «Муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссиясига» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 5-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«5. Муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктирмай бюджетга тааллуқли барча тўловлар тўла тушишига доир ишларнинг ахволини, ҳудудлар бўйича боқиманданинг камайтирилишини кўриб чиқиб, солиқ, молия ва банк органлари раҳбарлари ҳамда мансабдор шахсларини рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги таклифларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда республика бюджети ва маҳаллий бюджетларга тўловлар тушишини рағбатлантириш чоралари тўғрисида» 1998 йил 4 февралдаги ПФ-1923-сон Фармони билан тасдиқланган Бюджетга тўловларнинг тушиши ҳамда бюджетга тўловлар бўйича қарзларнинг камайтирилишига доир белгиланган кўрсаткичларнинг бажарилиши учун раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг жавобгарлигини ошириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 3-банднинг тўртинчи хатбошидаги «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин»;

б) 6-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«6. Мазкур Низомнинг ижросини Муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси назорат қилиб боради, у ҳар чоракда ўз мажлисларида республика минтақалари бўйича бюджетга тўловларнинг тушишига доир ахволни кўриб чиқади ҳамда раҳбарлар ва мансабдор шахсларни рағбатлантириш ва уларнинг моддий жавобгарлиги тўғрисидаги тегишли таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритади»;

в) 7-банднинг иккинчи хатбошидаги «Ҳисоб-китоб механизмини такомиллаштириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини мустаҳкамлаш бўйича Ҳукумат комиссияси» сўзлари «Муддати ўтиб кетган дебиторлик ва кредиторлик қарзларини камайтириш ҳамда бюджетга тўловлар интизомини

мустаҳкамлаш бўйича республика комиссияси» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида» 1998 йил 19 ноябрдаги ПФ–2114-сон Фармони 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «солиқларни ва» сўзларидан кейин «бошқа» сўзи қўшиб қўйилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бюджетига солиқлар ва тўловлар бўйича имтиёзлар беришни тартибга солиш тўғрисида» 1999 йил 26 июлдаги ПФ–2343-сон Фармони 1-бандининг биринчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар ҳамда божхона» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги «Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–1987-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 августдаги ПФ–3305-сон Фармони 2-бандининг учинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«микрофирмалар ва кичик корхоналар ходимларининг ўртача йиллик сонини аниқлашда ўриндошлик, пудрат шартномаси ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишга қабул қилинган ходимлар сони, шунингдек унитар (шўъба) корхоналар, ваколатхоналар ҳамда филиалларда ишлаётганлар сони ҳам ҳисобга олинади».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004 — 2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида» 2004 йил 21 майдаги ПФ–3431-сон Фармони 5-бандининг биринчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қурилиш материаллари саноатида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва тармоқни жадал ривожлантириш тўғрисида» 2005 йил 24 мартдаги ПФ–3586-сон Фармони 8-иловасининг изоҳи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«*) Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига назарда тутилган талабларга жавоб берадиган қишлоқ хўжалик товар ишлаб чиқарувчилари ягона ер солиғини тўлайдилар».

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги ПФ–3594-сон Фармонида:

а) 1-бандининг биринчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин;

б) 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «олинадиган даромадларга солиқ миқдори» сўзлари «олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғи» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгар-

лигини эркинлаштириш тўғрисида» 2005 йил 24 июндаги ПФ–3622-сон Фармонининг 2-бандидаги «солиқлар, йиғимлар» сўзлари «солиқлар» сўзи билан алмаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 9 январдаги ПФ–3709-сон Фармони 5-бандининг «б» кичик бандидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Улгуржи ва чакана савдо-ни либераллаштириш ҳамда уни ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 23 февралдаги ПФ–3722-сон Фармони 6-бандининг тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида» 2006 йил 5 майдаги ПФ–3750-сон Фармони 8-бандининг иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида» 2007 йил 19 сентябрдаги ПФ–3923-сон Фармонининг 7-банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«7. 2007 йилнинг 1 октябридан аҳолига пуллик тиббий хизматлар кўрсатувчи (стоматология ва косметология хизматлари бундан мустасно) тиббиёт муассасалари 5 йил муддатга барча турдаги солиқлар ва Республика йўл жамғармаси ҳамда Мактаб таълими жамғармасига ўтказиладиган мажбурий ажратмалар тўлашдан озод этилсин, бўшайдиган маблағлар тиббиёт муассасаларини замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга мақсадли равишда йўналтирилсин».

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 29 октябрдаги ПФ–3932-сон Фармони 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар, божлар ва мақсадли давлат жамғармаларига мажбурий ажратмалар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**106** Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сон Фармонига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» 2008 йил 28 ноябрдаги ПФ–4058-сон Фармонига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички тармоқ ва тармоқлараро саноат кооперациясини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 ноябрдаги ПФ–3937-сон Фармонида:

2 ва 3-бандларидаги, шунингдек илова номидаги «Республика» сўзи «Халқаро» сўзи билан алмаштирилсин;

2-банднинг иккинчи хатбоши қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ички тармоқ ва тармоқлараро кооперацияни ривожлантириш, республикада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот тўғрисида кенг хабардор қилиш, шерикларни излаб топиш ҳамда ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни етказиб бериш тўғрисида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ўртасида хўжалик шартномалари тузишда, шунингдек экспортга маҳсулотни етказиб бериш учун шартномалар тузишда ёрдам кўрсатиш саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасининг асосий вазифаси этиб белгилансин».

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати (Ш.Х. Файзиев) зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 март,
ПФ–4089-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**107 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигини такомиллаштириш бўйича бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ўзгартишлар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 27 февраль,
ПҚ-1062-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2009 йил 27 февралдаги
ПҚ-1062-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритиладиган ўзгартишлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати томонидан бериладиган маблағлардан фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2005 йил 23 майдаги ПҚ-82-сон қарори 7-банди иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эрон экспортини ривожлантириш банки иштирокида «Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ичимлик сув таъминоти тизимини такомиллаштириш» лойиҳасини амалга ошириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 4 июлдаги ПҚ-113-сон қарори 8-бандининг учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 11 январдаги ПҚ-255-сон қарори 11-бандининг «б» кичик бандида «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республика-

си умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш» лойиҳасини амалга ошириш учун Корея Республикаси Ҳукумати томонидан бериладиган имтиёзли кредитдан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 мартдаги ПҚ–312-сон қарори 11-бандининг учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бельгия Қироллиги Ҳукуматининг фоизсиз кредитидан фойдаланган ҳолда «Кичик бизнес учун кадрлар тайёрлашда касб-ҳунар таълимини ривожлантиришга кўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 4 апрелдаги ПҚ–318-сон қарори 7-бандининг учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги ПҚ–357-сон қарори билан тасдиқланган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги низомда:

а) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«инспекцияларда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи ундирилади, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Тушган маблағларнинг 60 фоизи инспекцияларни молиялаштириш манбаи сифатида уларнинг тасарруфида қолади ва фақат моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади, қолган маблағлар маҳаллий бюджетга ўтказилади»;

саккизинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида олинади» сўзлари «давлат божи белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида ундирилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 10-бандининг учинчи хатбошидаги, 33-бандининг бешинчи хатбошидаги ва 35-бандидаги «ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 12-банди тўртинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 36-банди биринчи хатбошидаги «ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Туман ва шаҳар марказий касалхоналарининг шошилиш тиббий ёрдам бўлимларини Қувайт араб иқтисодий тараққиёт жамғармаси иштирокида тиббий ускуналар билан жиҳозлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 19 июлдаги ПҚ–421-сон

қарори 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Пластик карточкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 3 августдаги ПҚ-433-сон қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголи маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сон қарори 1-бандининг тўртинчи хатбоши қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«махаллий ишлаб чиқарувчиларга алкоғолли маҳсулотни маркировка қилиш учун акциз маркалар бериш фақат улар томонидан акциз маркалар номинал қийматининг 50 фоизи тўлангач, импортёрларга эса акциз солиғининг тўлиқ суммаси тўлангандан кейин амалга оширилади.»

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 6 декабрдаги ПҚ-525-сон қарори 4-бандидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзкимёсаноат» ДАК корхоналарида Киото Протоколининг Мусаффо ривожланиш механизми доирасидаги лойиҳа ўз вақтида амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 25 декабрдаги ПҚ-540-сон қарори 8-бандидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида» 2007 йил 23 январдаги ПҚ-572-сон қарори 6-бандининг иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғулаш қурилмалари ва ЗД сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-617-сон қарори 8-бандидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 12 июлдаги ПҚ-670-сон қарорининг 3 ва 6-бандларидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 20 июлдаги ПҚ-672-сон қарори 4-бандининг иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)», ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаш-

тириш» сўзлари «фойда, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш» сўзлари билан алмаштирилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Дехқонобод калий ўғитлари заводи қурилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 17 декабрдаги ПҚ-748-сон қарори 8-бандининг тўртинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Марказий Фарғонанинг ҳайдаладиган ерлари мелиоратив тармоқларини яхшилаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 14 февралдаги ПҚ-794-сон қарори 7-бандининг иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Германия Федератив Республикаси Ҳукуматининг имтиёзли кредитидан фойдаланган ҳолда «қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида касб-хунар таълимини ривожлантиришга қўмаклашиш» лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 30 апрелдаги ПҚ-852-сон қарори 7-бандининг тўртинчи хатбошидаги «даромад» сўзи «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

108 Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузурида ги Доимий мухтор вакили тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузуридаги Доимий мухтор вакили фаолиятини тартибга солиш мақсадида:

1. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузуридаги Доимий мухтор вакили тўғрисидаги низом 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузуридаги Доимий мухтор вакили маоши фонди ҳамда уни таъминлаш учун сарф-харажатлар сметаси 2 ва 3-иловаларга* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки, Ўзбекистон Республикасининг Мустақил Давлатлар

* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

** 2-3-иловалар берилмайди.

Хамдўстлиги уставли ва бошқа органлари ҳузуридаги Доимий мухтор вакили (кейинги ўринларда — Доимий вакил) Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимига киради ва мақом жиҳатидан Ўзбекистон Республикаси Элчисига тенглаштирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги (В.И. Норов) Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2009 йилдан бошлаб Доимий вакил таъминотининг харажатлар сметаси ҳар йили тасдиқланишини таъминласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (Р.С. Азимов) навбатдаги молия йили учун белгиланган тартибда тасдиқланадиган Ташқи ишлар вазирлигининг хорижий муассасаларини молиялаштиришга ажратилган бюджет маблағлари ҳажми доирасида Доимий вакил таъминоти ва фаолиятини амалга ошириш учун зарур маблағларни харажатлар сметасига мувофиқ ажратсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Евросиё иқтисодий ҳамкорлик органлари ҳузуридаги Доимий вакили тўғрисида» 2006 йил 12 октябрдаги ПҚ-488-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири В.И. Норов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 10 март,
ПҚ-1069-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

109 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чоратадбирлари Дастури тўғрисида

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш, шу асосда хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича замо-

навий технологияларни татбиқ этиш ва рақобатбардош, ички ҳамда ташқи бозорларда харидоргир бўлган юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, иқтисодиёт тизимини янада диверсификация қилиш, унинг барқарор ва жадал ривожланишини таъминлаш, экспорт салоҳиятини кенгайтириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги томонидан Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда ишлаб чиқилган 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури маъқуллансин. У қуйидагиларни ўз ичига олади:

молиялаш манбалари белгиланган ва келишилган, амалга ошириладиган ва амалга оширишга тайёрланган инвестиция лойиҳалари рўйхати, шунингдек стратегик муҳим объектлар қурилиши ҳамда ишга туширилишини жадаллаштириш бўйича тармоқли жадвал 1 ва 1а-иловаларга* мувофиқ;

ишлаб чиқиш босқичидаги (хорижий ҳамкорни танлаш, молиялаш шартлари ва манбалари) янги инвестиция лойиҳалари рўйхати 2-иловага* мувофиқ;

дастлабки тарзда ишлаб чиқиладиган истиқболли инвестиция лойиҳалари рўйхати 3-иловага* мувофиқ.

2. 1 ва 1а-иловаларда кўрсатилган стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда иштирок этувчи вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва корхоналар раҳбарлари зиммасига, объектлар ўз вақтида ишга туширилишининг барбод этилишида айбдор бўлган шахсларга нисбатан қатъий жавобгарлик чоралари қўлланишини назарда тутган ҳолда, тасдиқланган дастурий тадбирлар амалга оширилиши ва объектлар белгиланган муддатларда ишга туширилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик юклансин.

3. 2009 — 2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури ижросини таъминлаш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш ва масалаларни тезкор ҳал этиш бўйича доимий фаолият кўрсатувчи ишчи гуруҳ таркиби 4-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар билан биргаликда 2 ва 3-иловаларга киритилган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун хорижий инвесторлар ва ҳамкорларни доимий асосда жалб этишни таъминласин.

5. Хўжалик бирлашмалари ва йирик корхоналар раҳбарлари:

Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси ва лойиҳа ташкилотлари билан биргаликда тасдиқланган тадбирлар Дастурига кири-

* 1 — 4-иловалар берилмайди.

тилган инвестиция лойиҳаларининг зарур лойиҳа ҳужжатлари белгиланган тартибда ишлаб чиқилиши, келишиб олиниши ва тасдиқланишини ўз вақтида таъминласин;

бир ой муддатда ижро этувчи аппаратларнинг тузилмасида, белгиланган ходимлар сони доирасида, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш учун жавоб берувчи ихтисослаштирилган бўлинмаларни ташкил этсин.

6. Тадбирлар Дастурига киритилган инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишини жадаллаштириш учун, ташаббускор вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектларга лойиҳаларнинг тасдиқланган ДТИАси асосида ва хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ва стратегик муҳим инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш билан келишилган ҳолда қўйидагиларни амалга оширишга рухсат этилсин:

лойиҳа бўйича ТИАни ва иш ҳужжатларини ишлаб чиқиш билан бир вақтда, саноат объектларига туташ муҳандислик ва ишлаб чиқариш инфра-тузилмаси объектлари бўйича қурилиш-монтаж ишларини олиб бориш;

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг эксперт хулосалари асосида — белгиланган тартибда тузилган ва рўйхатга қўйилган контрактлар бўйича узоқ муддат тайёрланадиган ускуналар сотиб олишга аванс бериш.

7. Белгилансинки, тендер тартиб-қоидалари ёки тўғридан-тўғри музокара-лар натижасида инжиниринг, «тайёр ҳолда топшириш» шартлари асосида етказиб бериш ва қуриш тўғрисида тузилган контрактга эга бўлган инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатлари ТИА тасдиқлангани ҳолда бир босқичли тартибда ишлаб чиқилиши мумкин.

8. Ишчи гуруҳ (Р.С. Азимов) 1 ва 1а-иловаларига киритилган лойиҳалар ҳамда дастурий тадбирлар амалга оширилишининг бориши юзасидан доимий мониторинг ўрнатсин ва ҳар ойда Вазирлар Маҳкамасига ахборот бериб борсин.

9. Вазирлар Маҳкамаси мазкур қарор билан тасдиқланган ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури амалга оширилишини мунтазам равишда ўз йиғилишларида кўриб борсин ва амалий назоратни таъминласин.

10. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 12 март,
ПҚ-1072-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

110 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари бўйича махсус комиссия ташкил этиш тўғрисида

Юк ва йўловчилар ташишни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш ва уни мақбуллаштириш, транспорт ва транспорт коммуникациялари комплексини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, транспортда юк ташиш ва трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида 1-иловага* мувофиқ таркибда Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда Махсус деб аталади) ташкил этилсин.

2. Қўйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Республика ягона уйғун транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс концепцияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

транспорт тармоқлари ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал қуриш, уларнинг қатнаш имкониятларини ошириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, ҳаракатдаги таркибни янгилаш учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

хорижий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро транспорт йўлакларини самарали ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари бўйича махсус комиссия тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

* 1-илова берилмайди.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 6 март,
57-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 6 мартдаги 57-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари
бўйича махсус комиссия тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспорти фаолиятини мувофиқлаштириш, юк ва йўловчилар ташишни оптималлаштириш, самарадорлигини ошириш ва уни мақбуллаштириш, транспорт ва транспорт коммуникациялари комплексини жадал ривожлантириш ва барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш, транспортда юк ташиш ва трансмиллий транспорт йўлакларини ривожлантириш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ташкил этилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Транспорт ва транспорт коммуникациялари масалалари бўйича махсус комиссия (кейинги ўринларда Махсус деб аталади) фаолиятини тартибга солиди.

2. Махсус комиссия ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, ушбу низомга ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

3. Махсус комиссиянинг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, мансабдор шахслар томонидан бажарилиши мажбурий ҳисобланади.

4. Махсус комиссияга юкланган функцияларни ва унинг жорий фаолиятини амалга ошириш учун тегишли транспорт тармоқлари ва бошқа манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг юқори малакали мутахас-

сисларидан иборат ишчи гуруҳ ташкил этилади. Ишчи гуруҳ таркиби Махсус комиссия томонидан тасдиқланади.

5. Махсус комиссия ўз фаолиятини ҳар йили тасдиқланадиган иш режасига мувофиқ тизимли асосда йиғилишлар ўтказиш йўли билан амалга оширади. Махсус комиссия фаолиятини ташкилий-техник жиҳатдан таъминлаш ишчи гуруҳ, шунингдек манфаатдор давлат ва хўжалик бошқаруви органлари томонидан амалга оширилади.

II. Махсус комиссиянинг вазифалари функциялари

6. Қуйидагилар Махсус комиссиянинг асосий вазифалари ҳисобланади:

Республика ягона уйғун транспорт тизимини истиқболда ривожлантириш комплекс концепцияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш йўли билан темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортини ривожлантиришни мувофиқлаштириш;

транспорт тармоқлари ва логистика тизимини ривожлантириш, янги транспорт коммуникацияларини жадал қуриш, уларнинг қатнаш имкониятларини ошириш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифларни кўриб чиқиш;

транспорт коммуникацияларини қуриш, реконструкция ва модернизация қилиш, ҳаракатдаги таркибни янгилаш учун инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилишда кўмаклашиш, шунингдек инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини олиб бориш;

хорижий давлатлар билан икки томонлама ва кўп томонлама асосда халқаро транспорт йўлакларини самарали ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш.

7. Белгиланган вазифаларни бажариш учун Махсус комиссия қуйидаги функцияларни бажаради:

темир йўл, ҳаво, автомобиль ва дарё транспортининг фаолиятини ўзаро мувофиқлаштиради;

транспорт ва логистика тизимини, транзит транспорт йўлакларини мувозанатли ривожлантириш бўйича комплекс дастурлар ишлаб чиқилишини ва амалга оширилишини ташкил этади;

инвестицияларни, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш масалалари бўйича транспорт тармоқлари фаолиятини мувофиқлаштиради, инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилиши мониторингини олиб боради;

транспорт ва транспорт коммуникациялари соҳасида икки томонлама ва кўп томонлама халқаро шартномаларни, шунингдек транспорт тармоқларида келишилган тариф сиёсатини ўтказиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишда иштирок этади.

III. Махсус комиссиянинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

8. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Махсус комиссия қўйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлардан Махсус комиссияга юкланган вазифаларни бажариш учун зарур бўлган ахборотларни олиш;

Махсус комиссия ишига давлат ва хўжалик бошқаруви органлари мутахассисларини жалб этиш;

транспорт тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш ва мақбуллаштириш, республика ҳудудида ҳамда унинг ташқарисида юк ва йўловчилар ташиш самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар киритиш.

9. Махсус комиссия ўз қарорларининг ўз вақтида бажарилиши устидан назорат ва мониторинг олиб бориши шарт.

IV. Махсус комиссия фаолиятини ташкил этиш

10. Махсус комиссияга раис бошчилик қилади, раис унинг ишига раҳбарлик қилади, Махсус комиссиянинг иш режасини ва бошқа ҳужжатларини тасдиқлайди.

11. Махсус комиссия йиғилишлари иш режасига мувофиқ ёхуд заруриятга кўра ўтказилади. Махсус комиссия йиғилишларини раис олиб боради, у жойида бўлмаган тақдирда Махсус комиссия раисининг ўринбосари олиб боради.

12. Махсус комиссия йиғилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойи тўғрисидаги хабар, шунингдек йиғилиш материаллари Махсус комиссия аъзоларига йиғилишдан камида икки кун олдин юборилади.

13. Махсус комиссиянинг узрли сабабларга кўра йиғилишда қатнашмаган аъзолари ўрнига уларнинг ваколатли вакиллари овоз бериш ҳуқуқисиз қатнашишлари мумкин.

14. Махсус комиссия котиби ишчи гуруҳ билан биргаликда йиғилиш материалларини протокол лойиҳаси билан бирга Махсус комиссия аъзоларига, зарурият бўлганда йиғилишга таклиф этилган бошқа шахсларга ҳам етказилишини таъминлайди.

15. Махсус комиссиянинг қарорлари Махсус комиссия аъзоларининг оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади, бунда унинг аъзоларининг камида тўртдан уч қисми қатнашиши шарт. Махсус комиссия аъзоларининг овози тенг бўлиб қолганда Махсус комиссия раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

16. Махсус комиссиянинг қарорлари Махсус комиссия йиғилишининг протоколлари билан расмийлаштирилади. Йиғилиш протоколи Махсус комиссиянинг барча аъзолари томонидан визаланади, котиб томонидан имзоланади ва раис томонидан тасдиқланади ҳамда бир ҳафта муддат Махсус комиссия аъзоларига ва манфаатдор ташкилотларга юборилади. Протоколни

визалашда Махсус комиссия аъзолари протоколга ўзларининг алоҳида фикрларини илова қилишлари мумкин.

17. Алоҳида ҳолларда Махсус комиссиянинг айрим масалалар бўйича қарори сўров йўли билан қабул қилиниши мумкин.

18. Махсус комиссия мунтазам равишда ўз йиғилишларида қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини кўриб чиқади.

19. Махсус комиссия протоколнинг асл нусхаси ва унга оид материаллар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Коммунал соҳа, транспорт, капитал қурилиш ва қурилиш индустрияси масалалари ахборот-таҳлил департаментида сақланади.

V. Махсус комиссиянинг ишчи гуруҳи ва котиби

20. Махсус комиссиянинг ишчи гуруҳи:

навбатдаги давр учун Махсус комиссия иш режасининг лойиҳасини тайёрлайди;

Махсус комиссиянинг навбатдаги йиғилишига барча зарур материаллар ўз вақтида тайёрланишини таъминлайди ва унга давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик юритувчи субъектлардан ҳамда Махсус комиссия аъзоларидан зарур материаллар ва эксперт хулосалари олиш ҳуқуқи берилади;

кун тартибидаги масалалар бўйича Махсус комиссия йиғилишлари ўтказилишини таъминлайди;

Махсус комиссия кўриб чиқиши учун ахборот ва таҳлилий материалларни тақдим этади;

Махсус комиссия қарорларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга оширади.

21. Махсус комиссия котиби:

материалларни тайёрлаш ва Махсус комиссия йиғилишларини ўтказиш бўйича ишчи гуруҳ ишларини ташкил этади;

Махсус комиссия қарорларининг бажарилиши устидан назорат ва мониторинг олиб боради ва унинг натижаларини кўриб чиқиш учун Махсус комиссия йиғилишларига киритади;

Махсус комиссия протоколларини расмийлаштиради ва тасдиқланган протоколларни Махсус комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирликлар ва идораларга, маҳаллий давлат ҳокимияти органларига юборади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

111 Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига қўшимчалар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 26 январдаги ПҚ–1047-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 ноябрдаги 380-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 66-модда) билан тасдиқланган Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фақат юридик шахс шаклида ташкил этилган тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга ошириладиган фаолиятнинг айрим турлари рўйхатига 2009 йил 1 июлдан бошлаб қуйидаги мазмундаги 17 ва 18-бандлар қўшилсин:

«17. Гўшти яримфабрикатларни саноат йўли билан қайта ишлаш ва ишлаб чиқариш, шунингдек колбаса маҳсулотлари, гўшт ва балиқ консерваларини саноат йўли билан ишлаб чиқариш.

18. Хом сутни саноат йўли билан қайта ишлаш ва сут маҳсулотлари (пастеризация қилинган сут, сливка, қаймоқ, творог, қатиқ маҳсулотлари), шу жумладан пишлок, бринза, мол ёғи, болалар қуруқ сут маҳсулотлари, сутли болалар таомлари, қуруқ сут, музқаймоқ ва қуйилтирилган сут ишлаб чиқариш».

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 7 март,
58-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**112** **Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси аҳоли пунктларини ободонлаштиришни яхшилаш юзасидан қўшимча чоратадбирлар тўғрисида» 2009 йил 22 январдаги ПҚ–1045-сон қарорига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари бир ой муддатда ўз норматив ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.М. Ханов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 март,
59-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 мартдаги 59-сон қарорига
ИЛОВА

Замонавий архитектура-шаҳарсозлик талабларини ҳисобга олган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини ташкил этиш ҚОИДАЛАРИ**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Қоидалар аҳоли пунктлари ҳудудларини ва турар жойлар оралиғидаги ҳудудларни ободонлаштириш (кейинги ўринларда ободонлаштириш деб аталади) ишларини ташкил этиш, олиб бориш, молиялаштириш, шунингдек уларнинг амалга оширилишини назорат қилиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Қоидаларда қуйидаги асосий атамалар ва тушунчалардан фойдаланилган:

ободонлаштириш — аҳоли ҳаёти учун қулай ва маданий шарт-шароитларини яратиш мақсадида ҳудудларни муҳандислик жиҳатидан тайёрлаш, йўллар қуриш, ҳудудларни тозалаш, захини қочириш, кўкаламзорлаштириш ва ирригациялаш тадбирларини амалга ошириш, микроиклимни яхшилаш, ҳаво ҳавзаси, очиқ сув ҳавзалари ва тупроқни ифлосланишдан ҳимоя қилиш, у ёки бу ҳудудни қурилиш учун яроқли ҳолга келтириш ва белгиланган мақсадда нормал фойдаланиш, амалга ошириладиган шовқинлар даражасини камайтириш ишларининг йиғиндиси;

ободонлаштириш объектлари — кўчалар, айланма кўчалар, йўллар, марказий майдонлар, йўлкалар, кўприклар, туннеллар, йўловчилар ўтадиган ер ости йўллари, фавворалар, ариқлар, каналлар, дарёлар, қўллар ва бошқа сув ҳавзаларининг қирғоқлари, аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган объектлар (маданият ва истироҳат боғлари, ўрмон массивлари, боғлар, бульварлар, хиёбонлар), ташқи ёритиш, реклама паннолари, йўл кўрсаткичлари, порталлар, пешлавҳалар, дренаж (дренажнинг вертикал, ёпиқ ва очиқ горизонтал, ёпиқ коллектори), ирригация новлари тармоқлари, ташқи ёритиш тармоқлари;

аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерлари:

майдонлар, кўчалар, тор кўчалар, йўллар, суғориш тармоқлари, ариқ бўйлари;

аҳолининг маданий-маиший эҳтиёжларини ва ҳордиқ чиқаришини қондириш учун фойдаланиладиган ерлар (дарахтзорлар, парклар, бульварлар, хиёбонлар, шунингдек ариқ тармоқлари ерлари);

коммунал-маиший мақсаддаги ерлар (қабристонлар, чиқиндиларни зарарсизлантириш ва утилизация қилиш жойлари);

аҳоли пунктларидаги сув ҳавзаларининг қирғоқ полосалари;

шаҳарнинг умумий марказлари, режалаштирилаётган ҳудудлар марказлари, турар жой ҳудудларининг марказлари, маҳаллий хизмат кўрсатиш марказлари, шаҳарлар ва туманлар марказларидаги дастлабки турар жой марказлари;

ободонлаштириш ҳудудлари — бино ёки иншоотга туташ ер участкаси, ободонлаштириш объектининг ҳудуди жойлашган ерлар;

турар жойлар оралиғидаги ҳудудлар — икки ва ундан кўп аҳоли пунктлари оралиғидаги аҳоли пунктлари чегаралари ташқарисидаги ҳудудлар;

шаҳарсозлик — ижтимоий-иқтисодий, қурилиш, техник, архитектура-бадий ва санитария-гигиена ечимлари комплексини таъминлайдиган аҳоли пунктларини, турар жойлар оралиғидаги ҳудудларни режалаштириш ҳамда қуриш назарияси ва амалиёти;

шаҳарсозлик фаолияти — давлат органларининг, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳудудларни, аҳоли пунктларини ривожлантиришни шаҳарсозлик жиҳатидан режалаштириш, ер участкаларидан фойдаланиш турларини белгилаш, қурилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқариш, фу-

қаролар, жамоатчилик ва давлат манфаатларини, шунингдек кўрсатиб ўтилган худудлар ва аҳоли пунктларининг миллий, тарихий-маданий, экологик, табиий хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилишни лойиҳалаштириш соҳасидаги фаолияти;

қизил чизиқ — шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланган чегара, у мавзеларни, микрорайон ва режалаштирилаётган тузилманинг бошқа элементларини кўчалардан, ўтиш жойларидан ва аҳоли пунктлари майдонларидан ажратади;

қурилишни тартибга солиш чизиқлари — қизил чизиқлардан ёки ер участкаси чегараларидан ажратган ҳолда бинолар ва иншоотларни жойлаштиришда шаҳарсозлик ҳужжатларида белгиланадиган қурилиш чегаралари;

бино — функционал вазифаларига кўра одамларнинг яшаши ёки бўлиши учун ҳамда ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар хил турини бажариш учун мўлжалланган, тугалланган ҳажмни ҳосил қиладиган асосий, тўсувчи ёки қўшма конструкциялардан иборат бўлган қурилиш тизими;

иншоот — ишлаб чиқариш жараёнларининг ҳар хил турини бажариш, материаллар, буюмлар, асбоб-ускуналарни сақлаш, одамларнинг вақтинчалик бўлишлари, одамлар, юклар ва шу кабиларнинг ўтиши учун мўлжалланган асосий, тўсувчи ёки қўшма конструкциялардан иборат бўлган ҳажмли, текис ёки қатор қурилиш тизими;

дренаж — очик ўзанлар ва ёпик, тешикли қувурлар (горизонтал), аҳоли пункти ҳудуди захини қочириш мақсадида зарур бўлган даражагача пасайтириш учун сизот сувларни тўплаш ва оқизиб юбориш учун сув сатҳини пасайтирадиган қудуқлар (вертикал) тизими;

ирригация — ободонлаштириш объектларидаги кўкаламзорлаштириш ҳудудини суғориш, шу жумладан сунъий суғориш;

ташқи ёритиш — сунъий ёритиш манбалари ёрдамида бинолар ва иншоотлар ташқарисида зарур ёритилганликни ва ёруғликни яратиш.

II. Ободонлаштириш объектларини қуриш ва барпо этишда архитектура ва қурилиш нормалари ва қоидалари

3. Ободонлаштириш тасдиқланган бош режага мувофиқ ишлаб чиқилган шаҳарсозлик ҳужжатларини жорий этиш (амалга ошириш)нинг узвий босқичи ҳисобланади.

Ободонлаштириш ишлари қизил чизиқларга ва қурилишни тартибга солиш чизиқларига риоя этган ҳолда аҳоли пунктларини ободонлаштириш бўйича тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатлари ва лойиҳалаш ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

4. Аҳоли пунктларининг шаҳарсозлик ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига белгиланган тартибда ишлаб чиқилади ва тасдиқланади.

5. Ободонлаштириш бўйича лойиҳалаш ҳужжатлари шаҳарлар ва туман-

ларнинг архитектура ва қурилиш бошқармалари (бўлимлари) томонидан (кейинги ўринларда архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органлар деб аталади) ёки лойиҳалаш учун лицензияга эга бўлган ташкилотлар томонидан, шаҳар ва туманларнинг ободонлаштириш бошқармалари буюртманомалари асосида ишлаб чиқилади.

Ободонлаштириш бўйича лойиҳалаш ҳужжатлари Қорақалпоғистон Республикаси «Давархитектқурилиш» кўмитасининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг шаҳарсозлик кенгашлари томонидан тасдиқланади.

6. Ободонлаштириш бўйича лойиҳалаш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси стандартлари ҳамда давлатлараро стандартлар талабларини қондириши ва белгиланган тартибда экспертизадан ўтказилиши керак.

7. Ободонлаштириш ишларининг амалга оширилишини назорат қилиш архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органларга юкланади.

III. Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ободонлаштириш ишларини амалга оширишдаги вазифалари

8. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ободонлаштириш ишларини амалга ошириш бўйича ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда ушбу Қоидаларга амал қиладилар.

9. Аҳоли пунктлари ҳудудларини ободонлаштириш масалаларини ҳал этиш маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бевосита вазифаси ҳисобланади.

10. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўз ишида қуйидагиларни таъминлаши шарт:

аҳоли пунктларининг бутун ҳудудида, шу жумладан умумий фойдаланиладиган ҳудудларда, шунингдек аҳоли пунктлари оралиғидаги ҳудудларда ободонлаштириш ишларини ташкил этиш;

ободонлаштириш ишларини архитектура ва қурилиш нормалари ва қоидаларига қатъий мувофиқ равишда, шунингдек шаҳарлар ва аҳоли пунктларининг ташқи қиёфасига нисбатан замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда амалга ошириш;

ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ишларини санитария нормалари ва қоидаларига мувофиқ ташкил этиш;

аҳоли бандлигини, ободонлаштириш соҳасидаги ишларнинг самарадорлигини ошириш учун кўшимча иш ўринлари ва шарт-шароитлар яратиш;

ободонлаштириш бошқармаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

IV. Архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органларнинг ободонлаштириш ишларини амалга оширишдаги вазифалари

11. Архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органлар ҳудудларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг Шаҳарсозлик кодексига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга, «Давархитектқурилиш» қўмитаси ҳайъати қарорларига, вилоятлар, шаҳарлар, туманлар ҳокимларининг қарорларига белгиланган тартибда тасдиқланган архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органлар тўғрисидаги низомларга ҳамда ушбу Қоидаларга амал қиладилар.

12. Шаҳарлар ва туманларнинг, Қорақалпоғистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг бош архитекторлари Ўзбекистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг ваколатли вакиллари ҳисобланадилар, улар:

ўз ваколатлари доирасида, ободонлаштириш бошқармалари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан ҳамкорликда ободонлаштириш масалалари бўйича ишларни олиб борадилар;

тасдиқланган шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ маҳаллий давлат ҳокимияти органларига тегишли ташкилотлар билан биргаликда тайёрланган, кўчаларни ва умумий фойдаланиладиган автомобиль йўлларини реконструкция қилиш, таъмирлашга, зарурат бўлганда янгиларини қуришга, ободонлаштирилиши ва кўкаламзорлаштирилиши керак бўлган ҳудудларнинг шарт-шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил дарахтлар ва ўсимликлар турларини ўтқозишга тааллуқли бўлган таклифлар ва лойиҳа ечимлари киритилишини таъминлайдилар;

шаҳарсозлик ҳужжатлари ва ободонлаштириш лойиҳалари асосида ҳокимликлар томонидан тасдиқланган иш режалари амалга оширилишини назорат қиладилар ҳамда уларнинг бажарилиши юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига маълумотлар тайёрлайдилар;

Қорақалпоғистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармалари ҳузуридаги архитектура ва шаҳарсозлик кенгашига ҳудудларни ободонлаштириш лойиҳаларини кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш учун киритадилар;

ҳудудларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, кўчалар бўйлаб қурилган биноларни реконструкция қилиш, дам олиш ҳудудлари ва боғларини ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилишини назорат қиладилар, шунингдек бажарилган ишлар мониторингини олиб борадилар;

ўзбошимчалик билан қурилган иморатларни, савдо тармоқлари ва бошқа объектларни жойлаштиришда, шу жумладан муҳандислик коммуникациялари бўйича содир этилган қонун бузилишларини аниқлайдилар, қонун

бузилишлари тўғрисидаги далолатномаларни расмийлаштирадилар, уларни тегишли чоралар кўриш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳузурида ташкил этиладиган шаҳарсозлик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш комиссиясига киритадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси «Давархитектқурилиш» қўмитасининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архитектура ва қурилиш бош бошқармаларининг белгиланган тартибда тасдиқланган аҳоли пунктларининг бош режаларини, мукаммал режалаштириш лойиҳаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини амалга ошириш юзасидан ўз ваколатлари доирасида чора-тадбирлар кўрадилар.

V. Ободонлаштириш объектларидан фойдаланиш ва уларни сақлаш ишларини ташкил этиш тартиби

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари балансида бўлган ободонлаштириш объектларини сақлаш ва улардан фойдаланиш маҳаллий бюджетлар маблағлари ҳисобига шаҳарлар ва туманларнинг ободонлаштириш бошқармалари томонидан амалга оширилади.

14. Умумий фойдаланиладиган аҳоли пунктлари ерларидаги объектларни ободонлаштириш ишларини ташкил этиш уларни сақлаш, мукаммал, ўртача ва жорий таъмирлашни назарда тутати.

15. Мукаммал таъмирлаш ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари томонидан, белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳа-смета ҳужжатларига ва аниқ манзилли рўйхатларга мувофиқ олиб борилади ҳамда ободонлаштириш алоҳида объектларининг асосий техник-фойдаланиш сифатларини тўлиқ тиклашни назарда тутати.

16. Жорий таъмирлашда ободонлаштириш объектларининг муддатидан олдин эскириши ва бузилишининг олдини олиш ҳамда уларни иш ҳолатида сақлаш бўйича даврий тадбирлар амалга оширилади.

17. Ободонлаштириш объектларини ёки уларнинг элементларини таъмирлаш муддатлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари билан биргаликда амалга ошириладиган уларнинг мавжуд ҳолатини ҳар йили техник жиҳатдан баҳолаш асосида белгиланади.

VI. Ҳудудларни ободонлаштириш ишлари

§ 1. Кўкаламзорлаштириш

18. Шаҳарлар ва туманларни кўкаламзорлаштириш элементларига кўчалар, хиёбонлар, бульварлар, микрорайонлар, ёдгорлик комплекслари ва умумий фойдаланиладиган бошқа яшил зоналарга дарахт кўчатлари ўтказиш киради.

19. Аҳоли пунктларидаги яшил дарахтлар функционал белгиларига кўра қуйидаги гуруҳлардан иборат бўлади:

умумий фойдаланиладиган дарахтлар — бу парклар, хиёбонлар, стадионлар, кўча ва майдонлар, бульварлар, шаҳардаги умумий савдо ва маъмурий марказлар ҳамда жамоатчилик бинолари ёнидаги участкалардаги дарахтлардир;

чекланган тарзда фойдаланиладиган дарахтлар — селитеп ва саноат иморатларининг кўкаламзорлаштирилган ҳудудлари — уй-жой ҳудудлари, болалар боғча-яслилари, мактаблар, ўқув юртлари участкаларидаги дарахтлар, шунингдек чекланган аҳоли сони фойдаланиладиган саноат корхоналари дарахтлари;

махсус мақсаддаги дарахтлар — коммунал-омборхона ҳудудлари, санитария-ҳимоя зоналари, шамол, сув ва тупроқни ҳимоя қилувчи, кўчатзорлар, қабристонлардаги дарахтлар.

20. Яшил дарахтли участкаларни мукамал таъмирлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

тўлиқ реконструкция қилиш — ушбу объектдаги барча дарахтларни ҳамда асосий ёки барча ободонлаштириш элементларини ўзгартириш;

қисман реконструкция қилиш — дарахтзорлар ва йўл-сўқмоқ тармоқлари умумий майдонининг 20 фоиздан 50 фоизгачасини тиклаш;

танлаб реконструкция қилиш — дарахтзорлар умумий майдонининг 15 — 20 фоиздан ошмайдиган дарахтзорларнинг айрим участкаларини таъмирлаш;

новларнинг қоплаш ва мустаҳкамлаш материални алмаштирган ҳолда боғ йўлаклари ва сув қувурларини тиклаш, қувурларнинг 60 фоизгачасини алмаштирган ҳолда суғориш тармоқларини демонтаж ва монтаж қилиш, бузилган новларни тиклаш;

қари дарахтлар буталарини яшартириш, дарахтлар табиий қариган тақдирда дарахт ва буталарни янгилаш;

тўсиқларни, дарахт таналари атрофидаги панжара ва каркасларни, тиргаклар ва нарвонларни, ҳайкаллар ва уларнинг пойдеворларини, фаввораларни таъмирлаш, бўяш ва тиклаш;

гулли ўсимликларнинг турларини тўлиқ алмаштирган ҳолда гулзорларни (баҳор-ёзги ва куз-қишки гулли безакларни, гиламсимон гулзорларни), ушбу объектдаги гулларнинг 40 фоизгачасини алмаштирган ҳолда гулларнинг кўп йиллик турларидан иборат бўлган гулзорларни, майсали тупроқни алмаштириб ва ўғитлар солган ҳолда майсазорларни таъмирлаш;

қуриб қолган, қари ҳамда дарахт зараркунандалари ва касалликлари билан кучли зарарланган дарахтларни кесиб ташлаш, моғорлаган ўсимликларни олиб ташлаш, кўчатзорлардаги эски она гулларни алмаштириш. Исикхона ва кўчатзорларни таъмирлаш (ромларни алмаштириш, ойналаш, иситиш тизимларини таъмирлаш, стеллажларни, парниклар ромларини ўзгартириш, электр ёритгичларни, сув ажратгичларни, маҳаллий қозонхоналарни таъмирлаш).

21. Дарахтли участкаларни жорий таъмирлаш кичик майдончаларда ва кичик ҳажмларда ўтказилади ҳамда қуйидаги иш турларидан иборат бўлади: айрим ўсимликлар нобуд бўлганда ва қариганда гулзорларни тиклаш,

майсазорлар четларини ўриш, кичик участкалардаги (пайхон бўлган, машиналар ўтиб шикастлаган, сув ювиб кетган) майсазорларни тиклаш;

ўтлар, гуллар уруғларини сотиб олиб ва экиб майсазорлар, гулзорлар, шакли гулзорларни барпо этиш, кўп йиллик, икки йиллик ва бир йиллик гул ва бута кўчатларини ушбу объектдаги жами майдоннинг 10 фоизигача ҳажмда битталаб ва қатор қилиб ўтқазиш;

боғ-парк анжомлари, иншоотлар, болалар асбоб-анжомлари, ўриндиқлар, каваклар, сўрилар, айвонлар ва бошқа тиргак деворларни, парник ромларини, стеллажларни, иссиқхонанинг иситиш тизимини таъмирлаш, иссиқхона ва парникларнинг алоҳида ойналанган ромларини алмаштириш.

22. Дарахтларни парвариш қилиш ўсимликларнинг ер усти, ер ости қисмларини парваришлаш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш бўйича агротехника тадбирларини ўз вақтида ўтказишдан иборат бўлади ҳамда қуйидаги иш турларини ўз ичига олади:

дарахт ва буталарга шакл бериш, уларни санитария мақсадида каллак-лаш;

дарахтларни сугориш, ўсимликларнинг шох-шаббаларига сув пуркаш;

дарахтларни парвариш қилиш — чимли ерларни ўриш, сугориш, уларга механик ишлов бериш ва тупроқ тўкиш, юмшатиш, чопиш ва тупроқнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, бегона ўтларга қарши курашиш, ўғитлар солиш, ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан кимёвий ва биологик химоя қилиш, уялардаги, гултуваклардаги тупроқни юмшатиш ҳамда бошқа агротехника тадбирлари ва ишларини амалга ошириш.

§ 2. Ташқи ёритиш

23. Ташқи ёритиш тармоқлари элементларига барча турлардаги кўчаларни ёритиш таянчлари ва ёритгичлари, трост тортгичлар, бажарувчи пунктлар ва такрорий ёқиш пунктлари, осма тармоқлар ва кабел воситасида 1000 вольтгача электр энергияси узатиш тармоқлари, диспетчерлик алоқа-си, автоматика ва телемеханика аппаратлари.

24. Ташқи ёритиш бўйича ишларни ташкил этиш уларни сақлаш, мукамал ва жорий таъмирлаш ҳамда фойдаланишга доир бошқа ишларни назарда тутати.

25. Ташқи ёритиш тармоқларини мукамал таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари ва белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларга мувофиқ, ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

26. Ташқи ёритиш тармоқларини жорий таъмирлашда қуйидаги иш турлари амалга оширилади:

электр лампаларини ва очик ёритгичлардаги акс қайтарувчиларни комплекс алмаштириш, ёритгичлар, кронштейнлар, траверс ва таянчларнинг ушбу объектдаги умумий миқдорининг кўпи билан 20 фоизини текшириб кўриш ва таъмирлаш;

электр ускуналари, аппаратлари, тармоқларини режали-олдини олиш

жиҳатидан таъмирлаш ва профилактик синаб кўриш, ҳаво ва кабелли тармоқларни, ерга улаш қурилмаларини, тақсимловчи шчитларни, автоматика ва телемеханика ускуналарини таъмирлаш ва алмаштириш;

ташқи ёритиш тармоқларининг барча элементларини созлаш ва ишлашини текшириб кўриш, бошқариш шкафлари, кронштейнлар, траверслар, оёқчалар, тиргакларни бўяш, ярқосиз ҳолга келган кабеллар, симлар ва ёритгичларнинг ушбу объектдаги умумий микдорининг кўпи билан 20 фоизини алмаштириш.

27. Ташқи ёритиш тармоқларини сақлаш ва улардан фойдаланиш ишлари ёритгичлардаги электр лампаларни, ишдан чиққан ёруғлик тарқатгичларни алмаштиришни, йўлларда, йўлкаларда, ҳудудлардаги ёритилганлик даражасини ўлчашни, электр асбоб-ускуналарини профилактик синаб кўришни, тақсимлаш тармоқларидаги кучланиш ва фазалар бўйича юкламалар даражасини текширишни, ўз вақтида ёндириш ва ўчиришни, электр энергиясини тежашни, ташқи ёритиш электр тармоқларининг, асбоб-ускуналар ва иншоотларнинг соз ҳолатдалигини назорат қилиш ва техник кўрикдан ўтказишни, электр тармоқларидаги ёритиш арматураси ва бошқа ёритишнинг техник анжомларидаги носозликларни тугатиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни назарда тутади.

§ 3. Йўл-кўприк хўжалиги

28. Йўл-кўприк хўжалиги элементларига кўчаларнинг юриш қисмидаги йўл полотноси, йўлкалар, бекат шийпонлари, ер ости ўтиш йўлаклари, кўприклар ва йўл ўтказгичлар, четки тўсиқлар, сув айириш тармоқлари ва бошқа иншоотлар қиради.

29. Йўл-кўприк хўжалигини мукамал ва жорий таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларга мувофиқ, ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

30. Йўл ва йўлакларни сақлаш қуйидаги иш турларини ташкил этишни ўз ичига олади:

йўл ва йўлакларни тоза ва тартибли сақлаш, кичик носозликларнинг олдини олиш ва бартараф этиш;

ювиш машиналари ёрдамида чанг, ифлосликлар, қор, муздан тозалаш, ювиш, қоплама юзасидаги майда тошчаларни супуриб йўқотиш, сув ёрдамида сирпанчиқликни йўқотиш;

тўсиқларни, сигнал столбаларини вақти-вақти билан кўздан кечириш, носоз элементларни алмаштириш ва жузъий таъмирлаш;

мустаҳкамлагичларни қаттиқлаш, тўсиқларни чанг ва ифлосдан тозалаш, ювиш, бўяш, автопавильонларни, бекат майдончаларини тоза сақлаш, бўялган жойларни ювиш ва тиклаш, кичик бузилишларни тузатиш, бузилган деталларни алмаштириш;

ўтказиш йўлларини, ер ости туннелларини тоза сақлаш, баъзи кичик

бузилишларни, тўшамаларни, суянгичларни, брусларни созлаш, болтларни, илгакларни қаттиқлаш, конус мустаҳкамлагичларни созлаш;

асфальт қопламали, шунингдек шағал қопламали йўллар юзасини текислаш;

тупроқли ва тош йўлларни текислаш;

суянчиклар, тўсиқлар, павильонлар, бекат майдончалари, тоннеллар, кўприклар ва йўл белгиларини бўяш.

§ 4. Ирригация хўжалиги

31. Ирригация хўжалиги объектларига тупроқли ва қопламали суғориш тармоқлари, гидротехника иншоотлари, насос станциялари, қудуқлар, суғориш (ёмғирлатиб суғориш) қувурлари тармоқлари киради.

32. Ирригация ишларини ташкил этиш суғориш сувини кўкаламзорлаштириш объектларига етказишни ва бир текис тақсимлашни таъминлайдиган ирригация хўжалиги объектларини сақлашни, мукаммал, жорий таъмирлашни ва бошқа ишларни назарда тутати.

33. Ирригация хўжалигини мукаммал таъмирлаш асбоб-ускуналарни алмаштирган ҳолда ирригация тизими ва иншоотларнинг айрим элементларини тўлиқ тиклаш ишларидан иборат бўлади ва лойиҳа-смета ҳужжатларига ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларга мувофиқ амалга оширилади.

34. Гидротехника иншоотларининг ирригация хўжалигини жорий таъмирлаш қуйидаги иш турларини ўз ичига олади:

айрим участкалардаги каналлар, ўзанларни ва ирригация тармоқларини чўкиндилардан, ўтлар ва дарахт-бута ўсимликларидан тозалаш, лойқалар, айрим ёпиқ коллекторлар ва дренажларни балчиқ ёки темир қолдиқларидан тозалаш, филтрловчилар, сўргичлар, тиндиргичлар ва бошқа иншоотларни тозалаш, иншоотларни, канал ва йўлларнинг алоҳида участкаларини, каналларнинг нишаблари ва тубини мустаҳкамлагичларни таъмирлаш;

сув чиқариш иншоотларини ва йўлларнинг кесиб ўтиш жойларидаги қувурлар оғзини қисман таъмирлаш ва тиклаш, каналлар ўзанлари ва сув ўлчаш постлари, кузатиш қудуқлари, қирғоқ белгиларидаги деформацияларни созлаш, тўғонларнинг айрим элементларини (тамбаларни, сув кўтариш мосламаларини, хизмат кўприкларини, сув чиқаргич ва сув тозалагичларнинг айрим қисмларини) таъмирлаш, тамбалар ва шлюзларнинг металл қисмларини бўяш.

35. Ирригация тизимларидан фойдаланиш қуйидаги иш турларини назарда тутати:

дарахтзорларни суғориш, сув тармоқларини вақти-вақти билан тозалаш, ўсимлик қолдиқларини йўқотиш, ўтларни ўриш ҳамда бошқа балчиқ ва аралашмаларни йўқотиш;

ирригация тизимлари иншоотларини ўсимликларнинг ўсиш даврига тайёрлаш, суғориш, ёмғирлатиб суғориш қувурлари тармоқларини консервация қилиш;

тизимда сувдан тўғри фойдаланишни ва унинг сарфланишини назорат қилиш.

§ 5. Дренаж хўжалиги

36. Дренаж ишларини ташкил этиш дренаж хўжалигини сақлашни, уни мукаммал, жорий таъмирлашни ва ундан фойдаланиш бўйича бошқа ишларни назарда тутати.

37. Дренаж хўжалигини мукаммал таъмирлаш қуйидагиларни ўз ичига олади:

ўзанни чуқурлаштирган ва тўғрилаган ҳолда механизация воситасида тозалаш, тешикли қувурлар қисмларини алмаштириш, қўшимча кузатиш қудуқлари қуриш, ёпиқ коллекторларни илдизлар ва бошқа предметлардан тозалаш ва уларни йўқотиш бўйича ғоввослик ишларини бажариш;

вертикал сув пасайтириш қудуқларини, вертикал ва горизонтал дренаж тармоқларини, коллекторларни таъмирлаш, ишдан чиққан дренаж линияларини ва коллекторларнинг айрим тизимларини тозалаш ёки тўлиқ қайта жойлаштириш;

мукаммал таъмирлаш ихтисослаштирилган пудрат ташкилотлари томонидан, лойиҳа-смета ҳужжатларига ва белгиланган тартибда тасдиқланган аниқ манзилли рўйхатларга мувофиқ амалга оширилади.

38. Дренаж объектларидан фойдаланиш иншоотларнинг ишлашини доимий назорат қилишни, режали-олдини олиш ишларини бажаришни, жорий таъмирлашни, линия иншоотларини тозалаш ва вақти-вақти билан кўздан кечиришни, сизот сувлар сатҳини назорат қилиш ва зарур даражада сақлашни ўз ичига олади.

§ 6. Санитария жиҳатидан тозалаш

39. Ободонлаштириш объектларини санитария жиҳатидан тозалаш тизимига ташқарини тозалаш — ҳовли ҳудудларини, кўчаларни ва умумий фойдаланиладиган жойларни тозалаш киради, булар ёзги тозалашга (супуриб-сидириш, ювиш, чангларни йўқотиш) ва қишки тозалашга (қорни, музлаган жойларни йўқотиш) бўлинади.

40. Уйларнинг атрофини тозалаш канализация биноларини суяқ чиқиндилардан (ифлосликлардан) тозалашни, барча биноларни, шу жумладан уй-жойларни қаттиқ майший чиқиндилардан (ахлатлардан) тозалашни, уларни ахлатхоналарга (полигонларга) ташиб кетишни назарда тутати, бу ишлар шартнома асосида, хўжалик ҳисоби бўйича фаолият юритадиган ихтисослаштирилган транспорт корхоналари томонидан амалга оширилади.

§ 7. Фуқаролик хизматлари кўрсатиш хизмати

41. Қабристонларни ободонлаштириш ва қабрларни санитария жиҳатидан зарур ҳолатда сақлаш учун маҳаллий давлат ҳокимияти органлари то-

монидан шаҳарлар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари ҳузурида фуқаролик хизматлари (бюроси) ташкил этилади.

42. Қабристонлар маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тасарруфида бўлади, уларни санитария жиҳатидан зарур ҳолатда сақлаш, ободонлаштириш, мукамал ва жорий таъмирлаш, хизмат кўрсатувчи ходимлар (қоровул, ҳудудларни супуриб-сидириш ва кўкаламзорлаштириш ишчилари) таъминоти маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

Қабристонлар ҳудудини ободонлаштириш элементларига дафн қилиш жойлари, дарахтлар, ўтиш жойлари, хиёбонлар, йўлчалар, хўжалик ҳовлиси ва ёрдамчи иморатлар киради.

Қабристонлар ҳудуди тўсиқлар билан ўралади ва ўзаро йўллар ва хиёбонлар билан бўлинган, тартиб рақамлари қўйилган секторларга (участкаларга), мавзеларга бўлинади.

VII. Ҳудудларни ободонлаштириш ишларини амалга ошириш юзасидан юридик ва жисмоний шахсларга нисбатан қўйиладиган умумий талаблар

43. Юридик ва жисмоний шахслар — аҳоли пунктидаги бинолар ва иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари, шу жумладан ижарачилари ўзларига бириктирилган ер участкаси ҳудудида ободонлаштириш ишлари амалга оширилиши учун масъул ҳисобланадилар.

44. Бинолар ёки иншоотларнинг мулкдорлари ёки фойдаланувчилари:

бинолар ва иншоотларнинг ташқи қиёфасини қониқарли сақланишини таъминлайдилар ҳамда заруриятга кўра бинолар ва иншоотларнинг ташқи кўринишини (фасадларини таъмирлаш) архитектура ва қурилиш бўйича ҳудудий органлар билан келишган ҳолда ўзгартириши мумкин;

бинолар ва иншоотларга туташган (ажратилган) ер участкаларида ободонлаштириш ишларини амалга оширадилар, кўкаламзорлаштириш ҳудудларида дарахтлар ва гуллар ўтқазишни ва суғоришни, уларни парвариш қилишни таъминлайдилар. Дарахтлар касалланишининг олдини олиш, дарахтларни буташ, уларга шакл бериш, оқлаш ишларини ташкил қиладилар. Кўрса-тиб ўтилган ҳудудларда дарахтларни кесиш табиатни муҳофаза қилиш органларининг рухсати билан амалга оширилади;

ҳудуднинг одамлар ўтадиган қисмлари атрофида қурилиш материаллари бўлаклари, асбоб-ускуналар, қурилиш чиқиндилари ва маиший чиқиндилар тўпланишининг, йўл чеккаларининг, ўтиш жойларининг ва йўлакларнинг ифлосланишининг олдини оладилар;

қурилиш ишларини бажариш жараёнида эстетик кўринишни таъминлаш ва хавфсизлик техникасига риоя этиш мақсадида қурилиш майдончалари атрофининг сифатли ўралишини таъминлайдилар;

ер ости ва ер усти муҳандислик тармоқларининг техник ҳолатини техник шартларда белгиланган тартибда қониқарли сақлайдилар.

45. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерларида иморат-

лар ва иншоотлар барпо этишга фақат ерлардан фойдаланишнинг белгиланган мақсадларига мувофиқ рухсат этилади.

46. Аҳоли пунктларининг умумий фойдаланиладиган ерларидан участкалар, йўллар ва ариқ тармоқларидан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларга енгил типдаги иморатлар ва иншоотлар (савдо палаткалари, дўкончалари, реклама иншоотлари) қуриш учун ижара шартларида вақтинчалик фойдаланишга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари рухсати билан берилиши мумкин.

47. Зарур даражада бўлмаган ва белгиланган стандартларга жавоб бермайдиган реклама воситаларини ўрнатиш, шу жумладан эълонлар ва афишаларни ушбу мақсадлар учун рухсат этилмаган ва мўлжалланмаган жойларда осиб қўйиш тақиқланади.

VIII. Ободонлаштириш қоидалари бузилганлиги учун жавобгарлик

48. Юридик ва жисмоний шахслар ободонлаштириш ишларини амалга оширишдан бош тортганлик ёки ободонлаштириш қоидаларини бузганлик учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

113 Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш ва адвокатлик тузилмаларини ташкил этиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–198-сон Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2008 йил 1 майдаги ПФ–3993-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қўйидагилар:

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Давлат божининг қуйидаги ставкалари белгилансин:

адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдориди;

юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олганлик учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдориди;

адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни, шунингдек юридик маслаҳатхоналар тўғрисидаги низомларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун — мазкур банднинг тегишли равишда иккинчи ва учинчи хатбошида кўрсатилган ставкаларнинг 20 фоизи миқдориди;

адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензия берилганлиги учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 2 баравари миқдориди.

Давлат божи суммалари Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади.

3. Белгилансинки, адвокат мақомига эга бўлишга талабгор шахслар уларнинг лицензия бериш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилганлиги учун тегишли адлия органларига энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдориди йиғим тўлайдилар.

4. Ўзбекистон Республикасининг «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2008 йил 31 декабрдаги ЎРҚ–198-сон Қонунининг 7-моддасига мувофиқ, 2009 йилнинг 1 январигача фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмалари, шунингдек уларда ишлаётган адвокатлар 2009 йилнинг 1 июлигача адвокатлик тузилмаларининг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, лицензияларини ҳамда адвокат мақомларини кўрсатиб ўтилган Қонунга мувофиқлаштириши мажбурийлиги маълумот учун қабул қилинсин.

Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси билан биргаликда:

икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузурида Олий малака комиссияси ва Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузурида малака комиссиялари тузишни;

2009 йилнинг 1 июлигача бўлган муддатда амалдаги адвокатлик тузилмаларини қайта рўйхатдан ўтказишни, уларда ишлаётган адвокатлар томонидан малака имтиҳонлари қайта топширилишини, уларга адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи янги намунадаги лицензиялар ва адвокат гувоҳномалари берилишини;

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси ва Палатанинг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари таркибига киритилган адвокатларга малака имтиҳонлари топширмасдан адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқи учун лицензиялар берилишини таъминласин.

5. Фаолият кўрсатаётган адвокатлик тузилмалари ва уларда ишлаётган адвокатлар мазкур қарорга мувофиқ тегишли равишда адвокатлик тузилма-

ларини қайта рўйхатдан ўтказишда ва адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиялар беришда давлат божлари ва йиғимлари тўлашдан озод қилинсин.

6. Қўйидагилар:

Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик бюролари, хайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисида» 1997 йил 13 мартдаги 139-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 3-сон, 12-модда);

«Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2003 йил 30 апрелдаги 197-сон қарорига илованинг 8-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 34-модда);

Вазирлар Маҳкамасининг «Адвокатлик бюролари, хайъатлари, фирмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқароларига адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияларни бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2003 йил 5 ноябрдаги 485-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 11-сон, 109-модда) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазири Р.А. Мухитдинов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 март,
60-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорига
1-ИЛОВА

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисида НИЗОМ

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тартибини белгилайди.

2. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензия (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг тегишли ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги

малака комиссияларининг (кейинги ўринларда малака комиссиялари деб аталади) қарорлари асосида берилади.

3. Лицензия олиш учун адвокат мақомини олишга талабгор шахс (кейинги ўринларда талабгор деб аталади) юридик мутахассислик бўйича камида икки йил иш стажига эга бўлиши, шу жумладан адвокатлик тузилмасида (адвокатлик бюросида, адвокатлик фирмасида, адвокатлар ҳайъатида, юридик маслаҳатхонада) камида олти ой стажировка ўтаган бўлиши керак ҳамда малака имтиҳонини топшириши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда бериладиган адвокатлик гувоҳномаси адвокатнинг мақомини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

4. Малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор лицензия олиш учун тегишли адлия органига уч ой ичида мурожаат қилиши керак. Бу муддатни ўтказиб юборган талабгор лицензия олиш учун адлия органига малака имтиҳонини топширганидан кейингина мурожаат қилиши мумкин.

5. Лицензияларни бериш талабгорнинг доимий яшаш жойидаги адлия органлари томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

6. Лицензия Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмайди.

II. Лицензия талаблари ва шартлари

7. Адвокатлик фаолиятини амалга оширишда қуйидагилар лицензия талаблари ва шартлари ҳисобланади:

қонун ҳужжатлари талабларига, Адвокатларнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этиш;

адвокатга юридик ёрдам сўраб мурожаат этган жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун қонунда тақиқланмаган воситалар ва усуллардан фойдаланиш;

қонунда назарда тутилган ҳолларда тайинлов асосида жиноий ишларни кўриб чиқишда қатнашиш;

хар уч йилда камида бир марта ўзининг касбий малакасини ошириш.

III. Лицензия олиш учун зарур бўладиган ҳужжатлар

8. Лицензия олиш учун малака имтиҳонини муваффақиятли топширган талабгор адлия органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиши керак:

лицензия бериш тўғрисидаги ариза, унда фамилияси, исми, отасининг исми ва Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг маълумотлари кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспортининг нусхаси;

олий юридик маълумот тўғрисидаги дипломнинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;

талабгор тўғрисидаги маълумотлардан иборат бўлган шахсий varaқа;

малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисидаги малака комиссиясининг қарори;

талабгор томонидан унинг аризасини адлия органи кўриб чиқиши учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

9. Талабгордан ушбу Низомда назарда тутилмаган бошқа ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди.

10. Ҳужжатлар адлия органига бевосита ёхуд почта алоқаси воситалари орқали, улар олингани ҳақидаги билдиришнома олинган ҳолда, етказиб берилади.

11. Лицензия олиш учун адлия органига тақдим этилган ҳужжатлар масъул шахс томонидан рўйхат бўйича қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисида белги қўйилган ҳолда талабгорга юборилади (топширилади) ва адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказилади.

IV. Аризани кўриб чиқиш ва лицензия бериш тўғрисида ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилиш

12. Лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун талабгордан қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда йиғим ундирилади.

Аризани кўриб чиқиш учун ундирилган йиғим суммаси адлия органи ҳисоб рақамига ўтказилади. Талабгор берган аризасидан воз кечган тақдирда тўланган йиғим суммаси қайтариб берилмайди.

13. Талабгорнинг аризаси адлия органи томонидан йигирма кун муддатда кўриб чиқилади.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

Алоҳида ҳолларда, келиб тушган ҳужжатлар қўшимча, шу жумладан, мустақил экспертизадан ўтказилганда адлия органи раҳбари ёки унинг ўринбосари ушбу муддатни узайтириши, бироқ 10 кундан ортиқ бўлмаган муддатга узайтириши мумкин.

14. Талабгорнинг аризасини барча зарур ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиш натижаларига кўра адлия органи лицензия бериш ёки лицензия беришни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва талабгорни қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда хабардор қилади. Лицензия бериш тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

15. Лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилингани ҳақидаги билдиришнома талабгорга ёзма шаклда банк ҳисоб рақами реквизитлари ва давлат божини тўлаш муддати кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади).

Лицензия талабгор давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этгандан кейин икки кун муддатда берилади.

Агар талабгор лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги ҳақидаги билдиришнома юборилган (топширилган) вақтдан бошлаб уч ой

ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаса адлия органи лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

16. Лицензия ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шаклдаги махсус бланкаларда расмийлаштирилади ҳамда адлия органи раҳбари томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Лицензиялар бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш серияси, тартиб рақами ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Лицензиялар бланкалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги буюртмасига биноан босмаҳона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Лицензия бланкаларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

Лицензияни берган адлия органлари томонидан ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича лицензиялар реестрлари юритилади.

Реестр дафтари ип билан тикилади, рақамланади ва унинг орқа тарафида бетлар сони, дафтарни юритиш санаси (йил, кун, ой) кўрсатилади ва адлия органи раҳбарининг муҳри ва имзоси қўйилади.

17. Адлия органи қуйидаги ҳолларда лицензия беришни рад этиши мумкин:

талабгор малака имтиҳонини топширган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин малака имтиҳонини қайта топширмасдан мурожаат қилса; ҳужжатларнинг тўлиқ рўйхатини топширмаса ёки уларни номувофиқ равишда расмийлаштиради;

юримдик мутахассислик бўйича камида икки йиллик иш стажини бўлмаган, шунингдек адвокатлик тузилмасида камида олти ойлик стажировкадан ўтмаган бўлса;

талабгор томонидан тақдим этилган ҳужжатларда ҳақиқат бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар мавжуд бўлса;

талабгор белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилса, шунингдек судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган бўлса;

лицензиясининг амал қилиш муддати тугаган шахс қонунга мувофиқ талабгор бўлиши мумкин бўлмаган уч йиллик муддат ўтмаган бўлса.

Лицензия беришни бошқа сабабларга кўра, жумладан мақсадга мувофиқ эмас деб ҳисоблаш сабабли рад этишга йўл қўйилмайди.

18. Лицензияни беришни рад этиш тўғрисидаги қарор талабгорга ёзма равишда ва рад этиш сабалари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), агар сабаблар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса.

Агар талабгор лицензия беришни рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этса, ҳужжатлар адлия органи томонидан талабгорнинг аризаси барча зарур ҳужжатлар билан бирга олинган кундан бошлаб ўн кун муддатда кўриб чиқилади. Лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрса-

тилган муддат ўтгандан кейин берилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади.

19. Талабгор адлия органининг лицензия беришни рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

V. Лицензияни қайта расмийлаштириш ва лицензия дубликатларини бериш

20. Талабгорнинг (адвокатнинг) фамилияси, исми ва отасининг исми ўзгарганда у бир ҳафта муддатда лицензия берган адлия органига кўрсатилган маълумотларни ва лицензияни қайта расмийлаштириш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжатларни илова қилган ҳолда, лицензияни қайта расмийлаштириш тўғрисида ариза бериши шарт.

Лицензия қайта расмийлаштирилгунгача адвокатлик фаолиятини илгари берилган лицензия асосида амалга оширади.

21. Йўқолган ёки яроқсиз ҳолга келган лицензия ўрнига талабгор (адвокат)нинг аризасига кўра унинг дубликати берилиши мумкин.

Лицензия дубликатини олиш учун талабгор (адвокат) лицензия берган адлия органига фамилияси, исми ва отасининг исмини ҳамда лицензия дубликатини бериш учун йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган ҳолда лицензия дубликатини бериш тўғрисида ариза тақдим этади.

22. Лицензия дубликатини беришда ва лицензияни қайта расмийлаштиришда лицензия бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш учун тўланадиган сумманинг 50 фоизи миқдорида йиғим ундирилади. Йиғим суммаси адлия органининг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Лицензияни қайта расмийлаштириш ва лицензия дубликатини бериш талабгор (адвокат) аризаси олинган кундан бошлаб уч кун муддатда амалга оширилади.

VI. Лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қилиш

23. Адвокатга гувоҳнома берган адлия органлари адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини назорат қиладилар.

Адлия органи адвокат томонидан лицензия талаблари ва шартлари бузилганлигини аниқлаган тақдирда, адлия органи адвокатга нисбатан интизомий иш қўзғайди.

24. Адвокатга нисбатан интизомий ишни кўриб чиқиш натижаларига кўра, малака комиссиясининг қарорига асосан, қонун ҳужжатларида назарда тутилган интизомий чоралар қўлланилиши мумкин.

25. Назорат қилувчи ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўз ваколатлари доирасида, адвокат лицензия талаблари ва шартларини бузганлиги аниқланганда, ушбу адвокатга гувоҳнома берган адлия органига аниқланган ҳуқуқбузарликлар тўғрисида хабар берадилар.

VII. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тугатиш

26. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокатга гувоҳнома берган адлия органи қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат жиноий жавобгарликка тортилганда, у айбланувчи тариқасида жалб этилган пайтдан бошлаб ва суд ҳукми қонуний кучга киргунига қадар ёхуд реабилитация қилувчи асосларга биноан уни жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисида қарор қабул қилингунига қадар;

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди бузилганлиги аниқланганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

Адвокатлар палатаси ҳудудий бошқармасининг ёки адлия органининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилинган, шу жумладан адвокатнинг зиммасига аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш мажбуриятини юклайдиган қарорлари адвокат томонидан бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан).

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш муддати олти ойдан ошиши мумкин эмас, адвокат жиноят ишида иштирок этишга айбланувчи тариқасида жалб қилинган ҳол бундан мустасно. Лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туришга олиб келган ҳолатларни, агар улар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса, кўрсатилган муддатда бартараф этиши шарт.

Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш адвокат мақомининг тўхтатиб турилишига сабаб бўлади.

27. Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокатга гувоҳнома берган адлия органининг қарори билан қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

адвокат лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги ариза билан мурожаат этганда, агар ишонч билдирувчи шахс (ҳимоя остидаги шахс) буни талаб қилса, илгари қабул қилинган топшириқни бажариб бўлганидан сўнг;

агар талабгор лицензия бериш тўғрисида қарор қабул қилинганлиги тўғрисида билдиришнома юборилган (топширилган) пайтдан эътиборан уч ой ичида лицензия берганлик учун давлат божи тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни адлия органига тақдим этмаган бўлса;

«Адвокатура тўғрисидаги» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3¹-моддаси олтинчи қисмида ва 13¹-моддаси бешинчи қисмида назарда тутилган талаблар бажарилмаганда;

лицензия сохта ҳужжатлардан фойдаланилган ҳолда олинганлиги факти аниқланганда;

лицензия бериш тўғрисидаги қарорнинг ғайриқонуний эканлиги аниқланганда;

адвокатнинг муомала лаёқати чекланганда ёки у белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганда;

суднинг адвокатни жиноят содир этишда айбдор деб топиш ҳақидаги айблов ҳукми қонуний кучга кирганда;

касбига доир вазифаларини уч ой ичида узрсиз сабабларга кўра бажармаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат томонидан адвокатура тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари, Адвокатларнинг касб этикаси қоидалари, адвокатлик сири ва адвокат қасамёди мунтазам равишда ёки бир марта кўпол равишда бузилганда, адвокатнинг шаъни ва кадр-қимматига доғ туширадиган ҳамда адвокатуранинг обрўсини туширадиган қилмиш содир этилганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

лицензиясининг амал қилиши тўхтатиб турилган шахс лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилишига олиб келган ҳолатларни лицензиянинг амал қилиши тўхтатиб турилган муддатларда бартараф этмаганда (малака комиссиясининг қарорига асосан);

адвокат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигини йўқотганда;

адвокат вафот этганда ёки суднинг уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирганда.

Лицензиянинг амал қилиши суд қарорига биноан ҳам тугатилиши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган санадан эътиборан амалга оширилади.

28. Адлия органининг лицензиянинг амал қилишини тугатиш тўғрисидаги қарори устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

Лицензиянинг амал қилишини тугатиш адвокат мақомининг тугатилишига сабаб бўлади.

29. Лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги қарор, тегишли равишда адвокат мақомини тўхтатиб туриш ва тугатиш тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

30. Адлия органлари лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги буйруқ чиққан кундан бошлаб уч кун муддатда бу тўғрисида адвокат мақоми тўхтатиб турилган ёки тўхтатилган шахсни ёзма равишда хабардор қилади.

31. Лицензиянинг амал қилишини ва адвокат мақомини тўхтатиб туриш ёки тугатиш тўғрисидаги ахборот, адвокатга гувоҳнома берган адлия органи томонидан лицензиялар реестрига маълумотлар киритиш учун лицензия берган адлия органига юборилади.


Адвокатга гувоҳнома берган адлия органи адвокат мақоми тўхтатиб турилганлиги, тикланганлиги ва тугатилганлиги тўғрисида суд-тергов органларига маълумот учун хабар беради.

VIII. Яқуний қоида

32. Мазкур Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш
СХЕМАСИ**



Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Герби

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЛИЦЕНЗИЯ

_____ га берилди.
(фамилияси, исми, отасининг исми)

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ ушбу лицензия Ўзбекистон Республикаси фуқаросига адвокат макomini олиш ҳуқуқини беради.

Ушбу лицензия Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида амал қилади ва унинг амал қилиш муддати чекланмаган.

Лицензияни берган адлия органи _____

Лицензия берилган сана 20__ йил «____» _____

Лицензиялар реестри бўйича тартиб рақами _____

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Лицензияни берган адлия органи раҳбари Ф.И.О.)

АА № 000000

Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

_____ худудида адвокатлик фаолияти
билан шуғулланиш учун берилган лицензияларнинг
ДАВЛАТ РЕЕСТРИ

Тартиб рақами	Лицензия олган фуқаронинг фамилияси, исми, отасининг исми	Лицензия олган фуқаронинг яшаш жойи (лицензия олиш пайтида)	Лицензиянинг берилган санаси ва тартиб рақами	Қўшимча маълумотлар	Лицензиянинг амал қилиш муддатини тугатиш тўғрисидаги маълумотлар
1	2	3	4	5	6

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 9 мартдаги 60-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш
(ҳисобга олиш) тўғрисида
НИЗОМ**

I. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини давлат рўйхатидан ўтказиш (кейинги ўринларда рўйхатдан ўтказиш деб аталади) ҳамда юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш (кейинги ўринларда ҳисобга олиш деб аталади) тартибини белгилайди.

2. «Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига мувофиқ рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар адлия бошқармалари (кейинги ўринларда адлия органлари деб аталади) томонидан амалга оширилади.

3. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) адвокатлик тузилмаси жойлашган жойдаги адлия органи томонидан амалга оширилади.

4. Адвокатлик бюролари, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларининг муассислари адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш учун лицензияга (кейинги ўринларда лицензия деб аталади) эга бўлган, адвокат сифатида қасамёд қабул қилган шахслар ва адвокатлар бўлиши мумкин, юридик маслаҳатхоналар муассислари эса — Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари (кейинги ўринларда ҳудудий бошқармалар деб аталади) бўлиши мумкин.

**II. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) учун тақдим
этиладиган ҳужжатлар**

5. Рўйхатдан ўтказиш учун адлия органига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

муассис томонидан (бошқа муассислар томонидан бунинг учун ваколат берилган муассислардан бири томонидан) имзоланган рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

адвокатлик фирмаси ёки адвокатлар ҳайъатини ташкил этиш тўғрисидаги, уларнинг муассислари тўғрисидаги, уларнинг уставларини тасдиқлаш тўғрисидаги, раҳбарлик органларини шакллантириш тўғрисидаги (адвокатлик фирмалари ёки адвокатлар ҳайъатлари учун) маълумотларни ўз ичига олган таъсис йиғилишининг протоколи;

таъсис ҳужжатларининг давлат тилидаги, нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси;

муассислар лицензияларининг нусхалари;

малака комиссияларининг адвокатнинг қасамёдини муассислар қабул қилганлигини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори, агар улар адвокат мақомига эга бўлмасалар;

давлат рўйхатидан ўтказиш учун белгиланган миқдордаги давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи, агар мавжуд бўлса — эмблема ва бошқа рамзларнинг ҳам;

давлат статистика органи томонидан берилган адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш номларнинг йўқлиги тўғрисидаги маълумотнома.

6. Устав адвокатлик бюроси ва адвокатлик фирмасининг, устав ва таъсис шартномаси эса — адвокатлар ҳайъатининг таъсис ҳужжатлари ҳисобланади.

Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъатининг устави уларнинг муассислари томонидан тасдиқланади, адвокатлар ҳайъатининг таъсис шартномаси эса унинг муассислари билан тузилади.

«Адвокатура тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4³-моддасига мувофиқ адвокатлар ҳайъатларидаги аъзолар сони ўн нафардан кам бўлиши мумкин эмас.

7. Ҳисобга олиш учун адлия органига қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

тегишли ҳудудий бошқарманинг раҳбари томонидан имзоланган, юридик маслаҳатхона ташкил этиш зарурати асослари акс эттирган ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза;

ҳудудий бошқарма раҳбарининг юридик маслаҳатхона ташкил этиш тўғрисидаги буйруғи;

юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низомнинг нотариал тасдиқланган иккита асл нусхаси;

ҳисобга олиш учун белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи.

8. Юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низом тегишли ҳудудий бошқарма раҳбари томонидан тасдиқланади.

III. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш)

9. Рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза адлия органи томонидан йигирма кун муддатда кўриб чиқилади.

Ҳисобга олиш тўғрисидаги ариза адлия органи томонидан ўн кун муддатда кўриб чиқилади.

Адвокатлик тузилмаларини рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) схемаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

10. Аризани барча зарур ҳужжатлар билан бирга кўриб чиқиш якунларига кўра адлия органи рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисида ёки рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисида қарор қабул

қилади ва ариза берувчини қабул қилинган қарор тўғрисида уч кун муддатда хабардор қилади. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги қарор адлия органи раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилади.

11. Ариза берувчининг билдиришнома олгандан кейин мурожаати бўйича адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар хайъати рўйхатдан ўтказилган тақдирда қуйидагилар берилади:

ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома;

адлия органининг муҳри билан тасдиқланган, «рўйхатдан ўтказилган» белгиси қўйилган таъсис ҳужжатлари;

икки нусхада муҳр ва штамп намуналари эскизи, агар мавжуд бўлса – эмблемаси ва бошқа рамзлари ҳам, «тасдиқланган» белгиси билан.

12. Ариза берувчининг билдиришнома олгандан кейин мурожаати бўйича ҳисобга қўйилганда ҳудудий бошқармага қуйидагилар берилади:

ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ҳисобга олиш тўғрисидаги гувоҳнома;

юридик маслаҳатхона тўғрисидаги низом, «ҳисобга қўйилди» белгиси билан;

муҳр ва штамп намуналарининг эскизлари, «тасдиқланган» белгиси билан.

13. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги гувоҳномаларнинг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган ҳужжат ҳисобланади, ҳисобга олиш сериясига, тартиб рақамига ва ҳимояланганлик даражасига эга бўлади. Гувоҳномаларнинг бланкалари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг буюртманомаси бўйича босмахона усулида «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланади.

Гувоҳномалар бланкаларини сақлаш ва ҳисобга олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан белгиланади.

14. Адлия органи томонидан рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомнинг 11 ва 12-бандларида кўрсатилган ҳужжатларни бериш билан бир вақтда ушбу Низомга 4-иловага мувофиқ шакл бўйича адвокатлик тузилмаларининг тегишли реестрларига киритилади.

Реестр дафтари ип билан тикилади, рақамланади ва унинг орқа томонида бетлар сони, дафтар юритилиб бошланган санаси (йил, кун, ой) кўрсатилади, муҳр, адлия органи раҳбарининг имзоси қўйилади.

15. Адлия органи қуйидаги ҳолларда рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш ҳуқуқига эга:

юридик маслаҳатхонани ташкил этиш зарурати бўлмаса;

рўйхатдаги ҳужжатлар тўлиқ тақдим этилмаса ёки улар лозим тартибда расмийлаштирилмаса;

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза муассислар лицензия олган кундан бошлаб уч ой муддат ўтгандан кейин топширилса, агар улар адвокат мақомига эга бўлмасалар;

таъсис ҳужжатлари қонунчиликка тўғри келмаса;

агар рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) учун тақдим этилган таъсис

ҳужжатларида (низомларда) ҳақиқий бўлмаган ёки нотўғри маълумотлар аниқланган бўлса.

Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини ташкил этишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги сабабли рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

16. Ушбу Низомнинг 15-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган ҳолатда рўйхатдан ўтишни рад этиш билан бир вақтда адлия органи томонидан Адвокатлик фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомга мувофиқ лицензиянинг амал қилишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинади.

17. Рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарор ариза берувчига ёзма равишда ва рад этиш сабаблари кўрсатилган ҳолда ҳамда уларни бартараф этиб, ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш учун тақдим этиши мумкин бўлган муддат кўрсатилган ҳолда юборилади (топширилади), агар сабаблар бартараф этиб бўлмайдиган хусусиятга эга бўлмаса.

Агар ариза берувчи рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этишга асос бўлган сабабларни бартараф этса, рўйхатдан ўтказиш бўйича ҳужжатлар адлия органи томонидан барча зарур ҳужжатлар билан бирга ариза топширилган кундан бошлаб ўн кун муддатда, ҳисобга олиш бўйича ҳужжатлар эса — беш кун муддатда кўриб чиқилади.

Рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган муддат тугагандан кейин топширилган ариза янгидан топширилган ҳисобланади.

18. Ариза берувчи адлия органининг рўйхатдан ўтказишни (ҳисобга олишни) рад этиш тўғрисидаги қарори юзасидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига ёки судга шикоят қилиши мумкин.

19. Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати банкда ҳисоб рақами очганидан кейин бир ҳафта муддатда ўзи жойлашган ҳудуддаги давлат статистика органларида ва давлат солиқ хизмати органларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши керак.

IV. Адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни рўйхатдан ўтказиш

20. Адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларига (низомларига) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда, шунингдек адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари қайта ташкил этилганда рўйхатдан ўтказган (ҳисобга олган) адлия органига етти кун муддатда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза;

адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати ваколатли органларининг таъсис ҳужжатларига (адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатлари учун) ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қарори;

худудий бошқарма раҳбарининг юридик маслаҳатхона тўғрисидаги ни-

зомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги буйруғи (юримдик маслаҳатхоналар учун);

уставга ва (ёки) таъсис шартномасига киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъатининг муҳри қўйилган икки нусхадаги матни (адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати учун);

юримдик маслаҳатхона тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчаларнинг уни ташкил этган ҳудудий бошқарма муҳри қўйилган икки нусхадаги матни (юримдик маслаҳатхоналар учун);

ном ўзгартирилганда — рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тўғрисидаги гувоҳноманинг асл нусхаси ҳамда адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш номлар йўқ эканлиги тўғрисидаги маълумотнома, алмаштирилдиган муҳр ва штамп, шунингдек икки нусхада янги штамп ва муҳр намуналарининг эскизлари;

белгиланган миқдорда давлат божи тўланганлиги тўғрисида банкнинг тўлов ҳужжати;

адвокатлик тузилмасини ажратиб чиқариш ёки қўшиб юбориш шаклида қайта ташкил қилинганда — қайта ташкил қилинаётган адвокатлик тузилмасининг барча кредиторлар ва қарздорлар олдидаги барча мажбуриятлар бўйича, жумладан тарафлар ўртасидаги даъволашаётган мажбуриятлар юзасидан ҳуқуқий ворислик тўғрисидаги низомни ўз ичига олган бўлиш баланси ёки топшириш далолатномаси, шунингдек қўшилаётган адвокатлик тузилмасининг рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳномасининг асл нусхаси, муҳри ва штамп.

21. Адвокатлик тузилмаларининг таъсис ҳужжатларига (низомларига) киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар мазкур адвокатлик тузилмалари рўйхатдан ўтказилган (ҳисобга олинган) тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши керак.

22. Таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги маълумотлар тегишли адлия органлари томонидан адвокатлик тузилмалари реестрига («Қўшимча маълумотлар» устунига) киритилади.

23. Почта манзили ўзгарганда адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари, адвокатлар ҳайъатлари ва юримдик маслаҳатхоналарни ташкил этган ҳудудий бошқармалар ўн кун муддатда рўйхатдан ўтказган (ҳисобга олган) адлия органини бу ҳақда хабардор қилиши шарт. Бунда давлат божи ундирилмайди. Адлия органлари билдиришномани олган вақтдан бошлаб икки кун муддатда бу ўзгаришлар тўғрисида давлат статистика органларига ва давлат солиқ хизмати органларига хабар берадилар.

V. Адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини назорат қилиш

24. Адлия органлари рўйхатдан ўтказувчи органлар сифатида адвокатлик тузилмалари томонидан таъсис ҳужжатларига, уставдаги фаолиятга,

қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартибига риоя этилишини назорат қилдилар.

Қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган тақдирда, адлия органлари адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларига аниқланган қонунбузарликларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритишга ҳақлидир. Юридик маслаҳатхоналар фаолиятида қонунбузарликлар аниқланганда тақдимномалар адлия органлари томонидан ушбу юридик маслаҳатхоналарни ташкил этган ҳудудий бошқармаларга киритилади.

25. Рўйхатдан ўтказиш (ҳисобга олиш) тартиби бузилганда, шунингдек таъсис ҳужжатларининг талабларига риоя этилмаганда адлия органи адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси, адвокатлар ҳайъати ва тегишли ҳудудий бошқармадан хўжалик суди орқали энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баробаригача миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

Жарима Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасига ўтказилади. Бундай даъво аризаси билан хўжалик судига мурожаат қилишда адлия органлари давлат божи тўлашдан озод қилинадилар.

Агар адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва адвокатлар ҳайъати жарима ундирилгандан кейин қонунчиликни ва таъсис ҳужжатлари талабларини бузишда давом этсалар адлия органи хўжалик судига уларни тугатиш тўғрисида даъво аризаси билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

26. Адвокатлик тузилмалари ўз фаолияти натижаларини ҳисобга олиб борадилар ва тегишли ҳудудий бошқармаларга Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган шакл бўйича ва муддатда статистик маълумотлар тақдим этадилар.

VI. Адвокатлик тузилмаларини қайта ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш

27. Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш уларнинг муассислари (шериклари, аъзолари) қарорига биноан амалга оширилади.

28. Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини тугатиш уларнинг муассислари (шериклари, аъзолари) ёки хўжалик суди қарорига биноан амалга оширилади.

Адвокатлик бюросининг муассиси бўлган адвокатнинг лицензияси амал қилишининг тугатилиши адлия органининг даъво аризасига кўра ушбу адвокатлик бюросининг тугатилишига олиб келади.

29. Юридик маслаҳатхоналар фаолиятини тўхтатиш уларни ташкил этган ҳудудий бошқармаларнинг қарорига биноан амалга оширилади.

30. Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

31. Адвокатлик бюрolari, адвокатлик фирмалари ва адвокатлар ҳайъатларини қайта ташкил қилиш ва тугатиш ҳамда юридик маслаҳатхоналар


фаолиятини тўхтатиш тўғрисидаги ёзувлар тегишли адлия органлари томонидан адвокатлик тузилмалари реестрига киритилади.

VII. Яқуний қоида

32. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш)
тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш) СХЕМАСИ



Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш)
тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**Адвокатлик бюроси, адвокатлик фирмаси ва
адвокатлар ҳайъатининг давлат рўйхатидан
ўтказилганлиги тўғрисида
ГУВОҲНОМА**

Мазкур гувоҳнома _____ да
(адлия органининг номи)
рўйхатдан ўтказилган _____ га берилди.
(адвокатлик тузилмасининг номи)

Давлат рўйхатидан ўтказилган санаси 20__ йил «____» _____

Реестр бўйича тартиб рақами _____

М.Ў. _____
(имзо) (Адлия органи раҳбари Ф.И.О.)

АА № 000000

Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш)
тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Юридик маслаҳатхонанинг ҳисобга олинганлиги тўғрисида ГУВОҲНОМА

Ушбу гувоҳнома Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг
_____ худудий бошқармасига
(минтақанинг номи)
_____ НИНГ
(юридик маслаҳатхонанинг номи)
_____ да юридик маслаҳатхона ҳисобга олинганлиги
(адлия органининг номи)
муносабати билан берилди.

Ҳисобга қўйилган санаси 20__ й. «____» _____

Реестр бўйича тартиб рақами _____

М.Ў.

_____ (имзо)

_____ (Адлия органи раҳбари Ф.И.О.)

АА № 000000

Адвокатлик тузилмаларини давлат
рўйхатидан ўтказиш (ҳисобга олиш)
тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

_____ худудида жойлашган
адвокатлик тузилмалари
РЕЕСТРИ

Давлат рўйхатидан ўтказиш ёки ҳисобга олиш тартиб рақами ва санаси	Адвокатлик тузилмасининг номи	Жойлашган жойи (почта манзили)	Қўшимча маълумотлар	Қайта ташкил этиш ва тугатиш (фаолиятини тўхтатиш) тўғрисидаги маълумотлар
1	2	3	4	5

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**115** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2009 йил 27 февралдаги ПҚ–1062-сон қарори)

Солиққа оид қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилиниши муносабати билан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 1-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ баъзи қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 март,
63-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим
қарорларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олишни тартибга солиш тўғрисида» 1993 йил 12 мартдаги 132-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1993 й., 3-сон, 9-модда):

а) 3-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «йиғимлар» ва «валюта йиғимлари» сўзлари «давлат божи» ва «валютадаги давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «йиғимлар» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 5-банддаги «рўйхатга олиш йиғимининг» сўзлари «давлат божининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 6-банддаги «рўйхатга олиш йиғимининг» сўзлари «давлат божининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 7-банддаги «рўйхатга олиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 8-банддаги «йиғим» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 9-банддаги «йиғимлар» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

з) Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатаётган жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олиш тўғрисидаги аризаларни кўриб чиқиш қоидаларида:

2-банднинг бешинчи хатбошидаги «рўйхатга олиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

6-банддаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

8-банднинг биринчи хатбошидаги «йиғим» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

9-банднинг иккинчи хатбошидаги «рўйхатга олиш йиғимининг» сўзлари «давлат божининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

13-банддаги «рўйхатга олиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 22 мартдаги 153-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 3-сон, 18-модда) билан тасдиқланган Хўжалик бирлашмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги низомда:

4-банднинг «д» кичик бандидаги «йиғим» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

5-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «йиғим» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тамаки маҳсулотларига ва спиртли ичимликларга акциз маркаларини жорий этиш тартиби тўғрисида» 1996 йил 14 августдаги 285-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 8-сон, 24-модда):

8-банднинг тўртинчи хатбошидаги «50 фоизи» сўзлари «барча суммаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

14-банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларни импорт қилувчилар акциз маркаларини акциз солиғини тўлиқ миқдорда тўлагандан кейин солиб оладилар».

4. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда) билан тасдиқланган Маҳсу-

лот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ва ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) «Умумий қоидалар» бўлимидаги иккинчи хатбошининг учинчи жумласи, шунингдек тўртинчи ва бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) «А» ва «Б» бўлимидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин;

в) 2.3-бўлимида:

қуйидаги мазмундаги 2.3.22 — 2.3.24-бандлар қўшилсин:

«2.3.22. Янги ишлаб чиқаришларни, цехлар, агрегатларни, шунингдек серияли ва оммавий маҳсулотларнинг янги турларини ишлаб чиқаришни ва технологик жараёнларни ўзлаштириш харажатлари.

2.3.23. Айрим машиналар ва механизмларни яқка тартибда синаб кўриш ҳамда фойдаланилаётган ускуналар ва техник қурилмаларнинг барча турларини уларни монтаж қилиш сифатини текшириб кўриш мақсадида комплекс (маҳсулот чиқармасдан) ишлатиб кўриш.

2.3.24. Янгидан ишга туширилган корхонада ишлаш учун ишчи кучларини жалб қилиш ва кадрлар тайёрлаш билан боғлиқ харажатлар».

2.3.22-банд 2.3.25-банд деб ҳисоблансин;

г) 2.4-бўлим чиқариб ташлансин;

д) «В» бўлимининг 2.6-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2.6. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш. Товар-моддий бойликларни пухта баҳолаш суммаси уларнинг сотилишига қараб фойда сифатида эътироф этилади».

ж) «Г» бўлими учинчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин;

з) «Д» бўлими чиқариб ташлансин;

и) 1 ва 2-иловалар чиқариб ташлансин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Меъёрланадиган айрим харажатлар нормативларини тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 9 апрелдаги 166-сон қарорига иловадаги эслатма ва изоҳдан «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 1999 йил 12 августдаги 387-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 8-сон, 47-модда):

4-банддаги «амалдаги солиқлар ва йиғимлар ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган ставка бўйича» сўзлари «қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-илованинг 4.1-бандидаги «амалдаги солиқлар ва йиғимлар ўрнига» сўзлари «қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда» сўзлари билан алмаштирилсин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштириш тўғрисида» 2000 йил 5 майдаги 180-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 5-сон, 23-модда):

а) 1-иловада:

7-бандда:

иккинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари «солиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

8-бандда:

8.1-кичик банддаги «солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловларни» сўзлари «солиқларни» сўзи билан алмаштирилсин;

8.4-кичик банднинг учинчи хатбошидаги «солиқлар, йиғимлар ва бюджетга бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари «солиқлар» сўзи билан алмаштирилсин;

8.5-кичик банднинг тўртинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«солиққа оид қонун ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида солиқ солиш масалаларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилади»;

9.1-банднинг «м» кичик бандидаги «ва йиғимлар» сўзлари чиқариб ташлансин;

19-банддаги «бюджетга солиқ тўловлари тушуми прогнози, бюджетга бошқа тўловлар» сўзлари «солиқлар тушуми прогнози» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 4-илова 2.1-бандининг учинчи хатбошидаги «йиғимларни» сўзи «бошқа мажбурий тўловларни (кейинги ўринларда солиқлар деб аталади)» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозорини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 29 июндаги 245-сон қарорига 1-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 6-сон, 33-модда):

18-банддаги «даромаддан» сўзи «фойдадан» сўзи билан алмаштирилсин;

20-банднинг иккинчи хатбошидаги «135-моддаси учинчи бандига» сўзлари «114-моддасига» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарда иш ҳақи тўлашни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2000 йил 19 августдаги 326-сон қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 53-модда) «бюджетга тўла ниши керак бўлган солиқлар ва тўловлар, бюджетдан ташқари жамғармаларга мажбурий ажратмалар» сўзлари «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «2001/2002 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида» 2001 йил 12 июндаги 250-сон қарорининг 9-бандидаги «бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар» сўзлари «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, Республика йўл жамғармаси, бюд-

жетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасига ажратмалар» сўзлари билан алмаштирилсин.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2002 йил 26 ноябрдаги 407-сон қарорига илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2002 й., 11-сон, 71-модда) 12-бандининг иккинчи хатбоши ҳамда 21-бандининг иккинчи — тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

12. Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 декабрдаги 454-сон қарори билан тасдиқланган Матбаа корхоналарини рўйхатга олиш ва ҳисобга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандининг еттинчи хатбошидаги «рўйхатга олиш учун белгиланган йиғимнинг» сўзлари «рўйхатга олганлик учун давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«8. Матбаа корхоналаридан давлат рўйхатига олганлик учун ставкалар бўйича давлат божи ундирилади:

Т/р	Матбаа фаолияти тури	Давлат божи ставкаси
1.	Босма нашрларни босиш: а) йиллик иш ҳажми 2 млн. босма табоққача бўлган корхоналар б) йиллик иш ҳажми 2 млн. босма табоқдан ортиқ бўлган корхоналар	энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдориди энг кам ойлик иш ҳақининг 50 баравари миқдориди
2.	Нашрларнинг босма шакллари ясаш мақсадида улар матнни териш (набор). Нашрларнинг босма шакллари ясаш. Босма маҳсулотларнинг оригинал-макетларини тайёрлаш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баравари миқдориди
3.	Мухр ва штамплар тайёрлаш. Босма маҳсулотларини муқовалаш. Маҳсулотларни қадоқлаш қутилари ва ёрлиқларини тайёрлаш.	энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баравари миқдориди
4.	Матбаа корхоналари чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган ёки корхонага Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари муассис (ҳаммуассис) бўлса	1000 АҚШ доллари миқдориди

Матбаа фаолиятининг бир неча турлари билан шуғулланиш учун ариза берилганда, давлат божи амалга оширилиши мўлжалланаётган фаолият турлари учун белгиланган давлат божи миқдорларининг энг юқориси бўйича тўланади.

Рўйхатга олинган матбаа корхоналари, қўшимча матбаа фаолияти тур-

ларини амалга ошириш учун қайта рўйхатга олинаётганда, давлат божи умумий тартибда ундирилади. Матбаа корхонаси бошқа асосларга кўра қайта рўйхатга олинганда, давлат божи белгиланган ставканинг 50 фоизи миқдорда тўланади.

Олинган маблағларнинг 80 фоизи Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида қўшимча маблағ сифатида матбаа фаолиятини ривожлантириш учун қолдирилади, қолган маблағлар эса маҳаллий бюджетга ўтказилади».

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 26-модда) 2-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошидаги ҳамда қарорга 1-илова 2-бандининг олтинчи ва еттинчи хатбошидаги «бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар» сўзлари «бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ер қазри участкаларидан фойдаланиш шартларини ишлаб чиқиш ва махсулот тақсимотида оид битимлар кўриб чиқиш бўйича махсус давлат комиссиясининг таркиби тўғрисида» 2003 йил 30 июндаги 295-сон қарорига 2-илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 6-сон, 53-модда) 5-бандининг «а» кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги «мунтазам (роялти)» сўзлари «ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

15. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 72-модда) билан тасдиқланган Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-бандда:

биринчи хатбошидаги «ёки рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун Инспекцияларда давлат божи ундирилади, унинг ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Олинган маблағларнинг 60 фоизи Инспекцияларда уларни молиялаштириш манбалари сифатида қолади ва фақат уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳамда ходимларни рағбатлантиришга йўналтирилади, қолган маблағлар маҳаллий бюджетга ўтказилади»;

саккизинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

тўққизинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган миқдорнинг 20 фоизи миқдорда ундирилади» сўзлари «давлат божи белгиланган миқдорнинг 20 фоизи миқдорда ундирилади» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўнинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

б) 7-банднинг тўртинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими (давлат божи)» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 11-банднинг учинчи хатбошидаги, 72-банднинг олтинчи хатбошидаги ва 73-банддаги «ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимининг» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 16-банднинг иккинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғимининг» сўзлари «давлат божининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 74-банднинг биринчи хатбошидаги «(рўйхатдан ўтказиш йиғими)» сўзлари чиқариб ташлансин.

16. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган, иктисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 79-модда) 3-бандининг иккинчи ва олтинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

17. Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 12 августдаги 387-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 8-сон, 80-модда) 4-бандидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин.

18. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 2 сентябрдаги 413-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 9-сон, 89-модда) билан тасдиқланган Тижорат фаолияти учун мўлжалланган товарларни олиб келувчи юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва импорт операциялари субъектларининг ҳисобга олиш карталарини бериш тартиби тўғрисидаги низомда:

3-бандда:

биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Якка тартибдаги тадбиркор давлат рўйхатидан ўтказилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида давлат божи ундирилади. Тушган маблағларнинг 60 фоизи якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказиш харажатларини қоплашга фойдаланилади, қолган маблағлар маҳаллий бюджетга ўтказилади»;

иккинчи хатбошидаги «Рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «Давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

4-банднинг тўртинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин.

19. Вазирлар Маҳкамасининг «Вазирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмаларни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 25 октябрдаги 499-сон қарорига 2-иловада (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2004 й., 10-сон, 100-модда):

а) 5-бандда:

«Шакллантириш манбаи» устундаги «бюджетга ҳамда бюджетдан таш-

қари жамғармаларга мажбурий тўловлар» сўзлари «бошқа мажбурий тўловлар» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 10-бандда:

«Шакллантириш манбаи» устунига «Якка тартибдаги тадбиркорларни давлат рўйхатидан ўтказганлик учун ундириладиган давлат божи суммалари» сўзлари қўшилсин;

«Ажратмалар миқдори (фоизларда) устунига «60» рақами қўшилсин.

20. Вазирлар Маҳкамасининг «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасида агросаноат фирмалари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2006 йил 10 мартдаги 42-сон қарорига илова (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 3-сон, 19-модда) 22-бандининг биринчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин.

21. Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 11 октябрдаги 214-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 10-сон, 76-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида оммавий ахборот воситаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 5-банднинг тўртинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғимининг» сўзлари «давлат божининг» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 6-бандда:

биринчи хатбошидаги «миқдорларда рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «ставкалар бўйича давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

иккинчи хатбошидаги «рўйхатдан ўтказиш йиғимининг 70 фоизи миқдорида» сўзлари «давлат божининг 70 фоизи миқдорида давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги «йиғимнинг 50 фоизи» сўзлари «давлат божининг 50 фоизи» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банддаги «рўйхатдан ўтказиш йиғими» сўзлари «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 14-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«14. Оммавий ахборот воситалари қайта рўйхатдан ўтказилганлиги учун давлат рўйхатидан ўтказишда назарда тутилган давлат божи суммасининг эллик фоизи миқдорида давлат божи ундирилади.

Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома дубликати берилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг бир баравари миқдорида давлат божи ундирилади»;

д) 20-банддаги «йиғим» сўзи «давлат божи» сўзлари билан алмаштирилсин;

е) 3-илова номидаги ва «Рўйхатдан ўтказиш йиғими миқдори» устунига «рўйхатдан ўтказиш йиғими миқдорлари» ва «Рўйхатдан ўтказиш йиғими миқдори» сўзлари тегишли равишда «давлат божи ставкалари» ва «Давлат божи миқдори» сўзлари билан алмаштирилсин.

22. Вазирлар Маҳкамасининг «Инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун кредитлар бераётган тижорат банклари томонидан даромад (фойда) солиғи бўйича имтиёزلарни қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни тас-

диқлаш ҳақида» 2007 йил 15 августдаги 174-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 8-сон, 45-модда):

а) қарор номидаги ва 1-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошидаги «даромад (фойда)» сўзлари «фойда» сўзи билан алмаштирилсин;

б) иловада:

3-банднинг биринчи хатбошидаги «даромади (фойдаси)» сўзлари «фойдаси» сўзи билан алмаштирилсин;

5-банд қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«5. Юридик шахсларнинг фойда солиғи ҳисоб-китобларини тузишда солиқ солинадиган база камайтириладиган даромад суммаси юридик шахсларнинг фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ солиқ солинадиган фойдани камайтириш» сатрининг тегишли кичик сатрида акс эттирилади».

Вазирлар Маҳкамасининг
2009 йил 11 мартдаги 63-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг ўз кучини йўқотган қарорлари рўйхати

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ ҳудудида сотишдан олинadиган солиққа доир имтиёзлар тўғрисида» 1991 йил 28 мартдаги 72-сон қарори.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Оборот солиғи тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида» 1991 йил 3 апрелдаги 85-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1991 й., 4-сон, 9-модда).

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон ССЖ ҳудудида маҳсулот сотишдан олинadиган солиққа оид қўшимча имтиёзлар ҳақида» 1991 йил 12 апрелдаги 96-сон қарори.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарини бюджетга фойдадан олинadиган солиқ ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш фондидан 11 фоизли ажратмалар тўлашдан озод қилиш тўғрисида» 1991 йил 29 сентябрдаги 249-сон қарори.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахслардан рўйхатга олганлик учун ундириладиган йиғимлари ставкалари тўғрисида» 1994 йил 16 апрелдаги 213-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1994 й., 4-сон, 22-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонунини рўёбга чиқариш учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида» 1994 йил 11 майдаги 249-сон қарори 1-бандининг ўн тўртинчи хатбоши ва қарорга 9-илова.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар

мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 1996 йил 8 ноябрдаги 387-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1996 й., 11-сон, 31-модда).

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда) 1-илованинг 1-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари учун ягона ер солиғининг муваққат базавий ставкаларини тасдиқлаш тўғрисида» 1998 йил 26 декабрдаги 539-сон қарори.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2003 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2002 йил 30 декабрдаги 455-сон қарорига 26-илованинг 3-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Солиқлар ва бюджетга мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган солиқларни корхоналар ва ташкилотлар мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» 2003 йил 12 мартдаги 133-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 3-сон, 24-модда).

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Хўжалик юритувчи субъектларнинг харажатларини ҳисобга олиш ва молиявий натижаларини шакллантириш тартибини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 15 октябрдаги 444-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 10-сон, 96-модда) 1-илованинг II ва III бўлимлари.

13. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасининг 2005 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2004 йил 28 декабрдаги 610-сон қарорига 32-илованинг 4-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» 2006 йил 10 ноябрдаги 235-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2006 й., 11-сон, 86-модда) 1-илованинг 12-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРИНИНГ
БҮЙРУҒИ****116 Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш
қоидаларини тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913*

(2009 йил 10 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 12 июлдаги 267-сонли қарори билан тасдиқланган «Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қоида ва нормаларни қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқиш ва жорий этиш Дастури» (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 2000 й., 7-сон, 39-модда) ижросини таъминлаш мақсадида буюраман:

1. Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидалари иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий
муҳофаза қилиш вазири в.б.**

А. ХАЙТОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 2 февраль,
5/1-сон

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза
қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги
5/1-сонли буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш
ҚОИДАЛАРИ**

Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда) мувофиқ автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Қоидаларга биноан автоклавлар лабораторияларда ишлатиладиган шиша идишлар ва тиббий асбобларни барча микроблардан тозалаш ҳамда иш жараёнида ҳосил бўлган барча юқумли материалларни зарарсизлантиришда ишлатилади.

2. Мазкур Қоидалар мулкчилик шаклидан қатъи назар, соғлиқни сақлаш ва автоклавдан фойдаланадиган бошқа муассасаларда (бундан кейинги ўринларда муассасалар деб юритилади) автоклавларни ўрнатиш, техник кўрикдан ўтказиш, фойдаланиш ва тузатиш билан боғлиқ ишларни бажарувчи ходимлар (бундан кейинги ўринларда ходимлар деб юритилади) томонидан қўлланиши шарт.

3. Мазкур Қоидалар қонун ҳужжатлари, қурилиш меъёрлари ва қоидалари, санитария нормалари ва қоидалари, гигиена нормативлари, давлат стандартларининг тегишли қоидалари, шунингдек бошқа тармоқ норматив ҳужжатлари талаблари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, уларнинг бажарилиши шарт эканлигини истисно этмайди.

4. Мазкур Қоидаларнинг бажарилишини назорат қилиш муассасанинг хавфсизлик техникаси бўйича хизмати (муҳандиси) зиммасига юклатилади.

II. Хавфсизликнинг умумий талаблари

1-§. Меҳнатни муҳофаза қилиш ишларини ташкил этиш

5. Муассасаларда автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш борасидаги ишларни ташкил қилиш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ишларни ташкил этиш тўғрисида»ги намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 273) мувофиқ амалга оширилади.

6. Муассасаларда меҳнат фаолияти билан боғлиқ равишда содир бўлган бахтсиз ҳодисалар ва бошқа жароҳатланишларни ўрганиш ва ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1997 й., 6-сон, 21-модда) билан тасдиқланган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисида»ги низомга мувофиқ амалга оширилиши лозим.

7. Автоклавларда ишлашда ходимларнинг саломатлигини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937 — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2000 й., 12-сон) асосида амалга оширилиши лозим.

2-§. Ходимларга йўриқнома бериш, ўқитиш ва уларнинг билимларини текшириш ишларини ташкил этиш

8. Ходимлар ўз касблари ва иш турлари бўйича белгиланган тартибда ўқишлари, йўриқлар олишлари, билимларини текширувдан ўтказишлари ҳамда касбий-техник тайёргарликдан ўтган бўлишлари шарт.

9. Ходимларнинг хавфсизлик техникаси бўйича йўриқлардан ўтказиш, ўқитиш ва билимларини текшириш «Меҳнат муҳофазаси бўйича ўқишларни ташкил қилиш ва билимларни синаш тўғрисида»ги намунавий низомга (1996 йил 14 август, рўйхат рақами 272) мувофиқ амалга оширилиши лозим.

10. Ходимлар ваколатли идоралар ёки муассасанинг юқори турувчи органлари томонидан ташкил қилинган курсларда ўқитилади.

11. Янги ишга келган ходим ишга тушишидан олдин ва кейинчалик иш жараёнида ҳар 12 ойда бир марта ўқитилиб, бу ҳақда тегишли журналга қайд қилинади.

12. Ходимларнинг билим савияси ҳар 12 ойда камида бир марта муассасада ташкил этилган синов комиссияси томонидан текширилади. Синов натижалари бўйича ходимга белгиланган намунадаги гувоҳнома берилади.

13. Ходимлар учун автоклавлардан фойдаланиш ҳамда уларни хавфсиз ва тўғри ишлатилиши бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилади.

14. Автоклавларга техник хизмат кўрсатувчи ходим учун автоклавни ишлаб чиқарган заводнинг талабларидан келиб чиққан ҳолда автоклавларга техник хизмат кўрсатиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқилади.

3-§. Касбий танлов

15. Автоклавдан фойдаланувчи ходим:

автоклавдан фақат 18 ёшдан кичик бўлмаган, кўрсатилган ишларни бажариш учун саломатлиги, малакаси етарли бўлган, махсус ўқитилган, аттестациядан ўтган бўлиши;

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг 2000 йил 6 июндаги 300-сонли «Ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриқлардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғига (2000 йил 23 июнь, рўйхат рақами 937) асосан ишга киришдан олдин ва даврий равишда тиббий кўриқдан ўтган бўлиши;

махсус курсларда малака оширганлиги тўғрисида гувоҳномага эга бўлиши керак.

4-§. Автоклав хоналарига ўрнатилган талаблар

16. Автоклав алоҳида хоналарга (автоклав хонаси) ўрнатилиши керак.

17. Автоклав хоналари СанҚваН 0054-96 «Даволаш-профилактика муассасаларини лойиҳалаштириш, қуриш ва эксплуатация қилиш санитария қоида ва нормалари»га мувофиқ жиҳозланиши лозим.

18. Автоклавни бевосита даволаш ва муолажа хоналари, бўлинмаларнинг

устки ёки остки қаватида, шунингдек бошқа хоналар билан қўшилган ҳолда жойлаштириш мумкин эмас.

19. Автоклав жойлаштирилган хоналар табиий ёритилган, шунингдек хонанинг деразаси ёки дарчаси ҳамда шамоллатиш тизими бўлиши керак.

20. Автоклав хоналарининг эшиги ташқарига очилиши ва автоклав ишлаётганда қулфланмаслиги керак. Хоналарга ойнали эшикларнинг ўрнатилишига йўл қўйилмайди.

21. Автоклав хоналарида ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиниши лозим.

22. Автоклав хоналарида автоклавга хизмат кўрсатиш ёки уни таъмирлашга тааллуқли бўлмаган ишларни амалга ошириш тақиқланади.

23. Автоклав хоналарида ифлослантирувчи ёки ишга ҳалал берувчи бегона нарсаларни сақлаш тақиқланади.

24. Автоклав хоналарига уларга хизмат кўрсатувчи, шунингдек улардан фойдаланишни назорат қилувчи шахслардан бошқа шахсларнинг кириши тақиқланади.

III. Автоклавларга қўйиладиган умумий талаблар

1-§. Автоклавлар ўрнатилишига қўйиладиган талаблар

25. Автоклав хоналарининг поли электр токи ўтказмайдиган материалдан бўлиши ёки полга диэлектрик резинали гиламча тўшалган бўлиши лозим.

26. Автоклав ҳамма томондан хонанинг девор қисмига ёндош қилиб ўрнатилиши керак. Бунда девордан автоклавгача бўлган масофа камида 0,8 м ни ташкил қилиши лозим. Шкаф тузилишли автоклавни хона деворидан 1,5 м масофа узоқликда ўрнатилади.

27. Ҳар бир автоклав электр тармоғига алоҳида тармоқ орқали ёки автоматик ёқиб-ўчирувчи мослама орқали (АП-50 ёки шунга ўхшаш) уланиши керак. Автоклавни бевосита электр розеткага улаш қатъиян ман қилинади. Автоклавни ёқиб-ўчирувчи мослама хонанинг полидан 1,6 м баландликда ҳамда автоклавдан 1 м узоқликда ўрнатилади. Унга яна бошқа электр асбобларини улаш тақиқланади.

28. Автоклавдан фойдаланишда «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан техник фойдаланиш қоидалари» (2004 йил 9 июль, рўйхат рақами 1383 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 27-сон, 317-модда) ва «Истеъмолчиларнинг электр қурилмаларидан фойдаланишда техника хавфсизлиги қоидалари»да (2004 йил 20 август, рўйхат рақами 1400 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 33-сон, 379-модда) белгиланган хавфсизлик талабларига қатъий риоя қилиниши лозим.

29. Одамлар хавфсизлигини таъминлаш, чақмоқ ва бошқа ортиқча кучланишлардан сақлаш мақсадида автоклавнинг корпуси ерга уланиши шарт.

30. Ҳар бир автоклав автоклавни ишлаб чиқарган муассаса томонидан тақдим этилган паспортга эга бўлиши керак. Бу паспорт автоклавнинг тўғри ва хавфсиз ишлаши учун жавобгар шахс томонидан тўлдирилади ва сақланади.

31. Автоклав ўрнатилганидан кейин, унда қуйидаги кўрсаткичлар бўлиши керак:

автоклавни шаходатлаш ва буни журналда қайд қилиш;

автоклав ишлаши мумкин бўлган босим;

автоклавнинг кейинги ички кўриги ва гидравлик синов санаси.

2-§. Манометр ва хавфсизлик клапанларига қўйиладиган талаблар

32. Ҳар бир автоклав аниқ ва соз манометр ҳамда хавфсизлик клапанлари билан таъминланган бўлиши керак.

33. Автоклавга ишчи босимнинг юқори даражаси шкаланинг учдан икки қисмидан юқори бўладиган манометр ўрнатилади.

34. Автоклав манометрида ишчи босимнинг рухсат этилган меъёрини кўрсатувчи қизил чизиқ ёки кўрсаткичларга бўлинган маҳкамланган темир пластинка бўлиши керак.

35. Қуйидаги ҳолларда манометрни ишлатишга рухсат берилмайди:

тамға ёки муҳр бўлмаганда;

давлат текширувидан ўтказиш муддати тугаган бўлса;

ускуна ўчирилганда манометр кўрсаткичи нолга қайтмаса;

манометр ойнаси синган бўлса ёки бошқа носозликлар манометрнинг босимни тўғри кўрсатишига тўсқинлик қилса.

36. Манометрларни текшириб, уларга муҳр ёки тамға қўйилиши 1 йилда бир мартадан кам бўлмаган муддатда амалга оширилади. Бундан ташқари, техник хизмат кўрсатадиган муассасалар томонидан қўшимча равишда ҳар 6 ойда бир марта манометр кўрсаткичлари назорат манометрлари кўрсаткичлари билан, назорат манометрлари бўлмаганда давлат текширувидан ўтган бошқа ишчи манометр кўрсаткичлари билан солиштириб текширилади ва натижалари назорат дафтарига қайд қилинади.

37. Автоклавнинг хавфсизлик клапани рухсат этилган буғ босимига тўғриланган бўлиши керак. Клапанларнинг ишлаши мунтазам равишда автоклавнинг хавфсиз ишлатилиши бўйича йўриқномада кўрсатилган муддатларда текширилиб туриши керак.

IV. Автоклавни техник кўрик ва гидравлик синовдан ўтказишда қўйиладиган талаблар

1-§. Автоклавни техник кўриқдан ўтказиш

38. Техник кўрик натижасига кўра автоклавнинг ишлашига рухсат этилади ёки тақиқланади. Техник кўрик натижалари техник кўрикни ўтказган

шахс томонидан автоклавнинг паспортига ҳамда автоклавларни шаходатдан ўтказиш ва қайд қилиш журналига ёзилади.

39. Автоклав ички қисмларини техник кўриқдан ўтказиш санаси ва гидравлик синов ўтказиладиган сана ваколатли идора ёки муассаса (автоклав эгаси) раҳбарияти томонидан белгиланади.

40. Автоклав қуйидаги ҳолларда техник кўриқдан ўтказилади:

босим остида ишлайдиган автоклав қисмлари пайвандланганда ёки тўлиқ таъмирлангандан сўнг;

автоклавни ишга туширишдан олдин бир йилдан кўп вақт ишламаган бўлса, (омборда консервация қилиш бундан мустасно);

автоклавлар 3 йилдан кўп вақт сақланган бўлса;

автоклав ишлатилаётган жойидан кўчирилиб, янги жойга ўрнатилган бўлса;

назорат қилувчи шахс томонидан ёки автоклавнинг хавфсиз ишлаши учун жавобгар шахс томонидан автоклавни техник кўриқдан ўтказиш лозим деб топилганда.

41. Автоклавни техник кўриқдан ўтказиш муддати 3 ойдан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

2-§. Автоклав ички қисмларини техник кўриқдан ўтказиш

42. Автоклав ички қисмларини техник кўриқдан ўтказиш уни ишга туширишдан олдин ҳамда ҳар 2 йилда бир мартаба амалга оширилади. Автоклав темирининг занглашига олиб келувчи муҳитлар остида ишловчи автоклав эса камида 12 ойда бир марта техник кўриқдан ўтказилади.

Автоклав ички қисмлари техник кўриқдан ўтказилганда унинг мустақамлигига таъсир қилувчи носозликлар аниқланиши ва бартараф қилиниши керак.

43. Автоклав ички қисмларини техник кўриги қуйидаги тартибда ўтказилади:

автоклав ўчирилганидан кейин совутилиб, зарарсизлантирилаётган материаллардан бўшатилади;

автоклавнинг барча қисмларидан ҳимоя қопламалари ечилади;

автоклавнинг сувли, буғли, зарарсизлантириш камералари ва буғ қозони қурум ёки зангдан темиригача тозаланади ҳамда уларда занглаш, чиғаноқ бўлиши, букилиш ва бошқа камчиликлар борлиги текширилади;

автоклавнинг темири ечилади, қурумдан тозаланиб, таъмирланади, жўмрак ва клапанлар тозалаб арилади.

3-§. Автоклавни гидравлик синовдан ўтказиш

44. Автоклавнинг биринчи гидравлик синови автоклавни ишлаб чиқарган заводда ўтказилган синовдан кўпи билан 4 йилдан кейин, кейинчалик эса ҳар 2 йилда камида бир марта ўтказилади. Агарда автоклавни ташиш ва

ўрнатиш вақтида унга зарар етказилган бўлса, шунингдек муассаса томонидан автоклавни гидравлик синовдан ўтказиш лозим деб топилган тақдирда автоклав юқорида кўрсатиб ўтилган муддатлар тўлмасдан туриб ҳам гидравлик синовдан ўтказилиши мумкин.

45. Қўйидаги ҳолларда автоклав гидравлик синовдан ўтган ҳисобланади: автоклав деворларида ва бошқа қисмларида ёриқлар ҳосил бўлмаганда; гидравлик синовдан сўнг автоклав деворларининг шакли ва ҳолати бузилмаганда;

пайвандлаш йўли билан уланган қисмлардан сув оқиб чиқмаганда; автоклав темирида узилиш кузатилмаганда.

46. Агар пайвандланган чокларда, деворда сув томчилари ёки буғ пайдо бўлса, автоклав гидравлик синовдан ўтмаган ҳисобланади.

V. Автоклавни ишлатиш ва тузатиш ишларини бажаришда хавфсизлик қоидалари

1-§. Автоклавларни ишлатишда хавфсизлик қоидалари

47. Барча автоклавлар уларнинг эгаларида махсус журналда рўйхатга олинган бўлиши ва автоклавларнинг шаходатномалари тегишли ходимда сақланиши лозим.

48. Ходим автоклавлардан фойдаланганда уларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган химоя воситалари стандартлар ва бошқа техник ҳужжатлар талабларига жавоб бериши керак. Химоя воситалари белгиланган муддатларда ва тартибда кўриқдан ва синовдан ўтказилиши лозим.

49. Муассаса маъмурияти мазкур Қоидалар талабларига риоя қилган ҳолда автоклавларни тўғри ишлатиши ва хавфсизлигини таъминлаши керак.

50. Ходимлар:

автоклавни хавфсиз ишлатиш қоидаларига қатъий риоя қилиши ва арматура, назорат ўлчов асбоблари, сақловчи мосламаларнинг техник созливини ўз вақтида текшириб туриши;

Ўзбекистон Республикаси СанҚваН 0044-95 «Даволаш профилактика муассасаларида стерилизация ва дезинфекция ишларининг уюштирилганлигини текшириш бўйича қоида ва нормалари»нинг 8-жадвалида белгиланган зарарсизлантирувчи материалларнинг стерилизация тартибини назорат қилишлари шарт.

51. Ходимларнинг ёнида доимо автоклавда ишлаш ҳуқуқини берувчи гувоҳномаси бўлиши керак.

2-§. Автоклавларни таъмирлашда хавфсизлик қоидалари

52. Автоклавларни таъмирлаш ва монтаж ишлари муассаса билан таъмирлаш муассасаси ўртасида тузиладиган шартномага асосан амалга оширилади.

53. Автоклавни таъмирлаш ва унга техник хизмат кўрсатиш уни ишлаб чиқарган завод томонидан тақдим этилган паспорт ва тегишли йўриқнома асосида амалга оширилади.

54. Автоклав ишлаб турган вақтда уни ёки унинг ишчи қисмларини таъмирлаш тақиқланади.

VI. Меҳнат муҳофазаси қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик

55. Автоклавларда ишлашда мазкур Қоидаларга риоя қилиш учун жавобгарлик автоклавларда тегишли ишларни бажарувчи муассасалар зиммасига юклатилади.

56. Жавобгарликка инструктаж бўйича тегишли ўқитиш ва уни рўйхатга олиш амалга оширилганидан сўнг меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузган ҳамда ишларни хавфсиз олиб боришга доир бошқа талабларни бажармаган ходимлар ҳам тортилишлари мумкин.

57. Автоклавларда ишлаш давомида жабрланган ходимларга етказилган зарарлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

VII. Яқуний қоида

58. Ушбу Қоидалар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, «Ўздавэнерго-назорат» инспекцияси билан келишилган.

Соғлиқни сақлаш вазири

Ф. НАЗИРОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь*

*Қасаба уюшмалари
Федерацияси Кенгаши раиси*

Д. ЖАҲОНГИРОВА

*Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь*

*«Ўздавэнерго-назорат»
инспекцияси бошлиғи*

А. НИМАТУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 26 январь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

117 Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналари-
ни мониторинг қилиш тартибини ўз кучини йўқот-
ган деб топиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 473-1*

(2009 йил 14 мартдан кучга киради)

«Банкротлик тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ахборотномаси, 2003 й., № 5, 63-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 2 майдаги ПҚ–66-сонли қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 йил, 17-18-сон, 130-модда) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган «Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартиби» (1998 йил 14 август, рўйхат рақами 473) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киради.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва
тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль,
5-сон

Келишилган:

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль

*Иқтисодиёт вазири**Б. ХЎЖАЕВ**Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль**Давлат мулкани бошқариш
давлат қўмитаси раиси**Д. МУСАЕВ**Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль**Қишлоқ ва сув
хўжалиги вазири**С. ИСМОИЛОВ**Тошкент ш.,
2009 йил 16 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

118 «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қодаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1041-1*

(2009 йил 17 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Қимматли қоғозлар бозо-

ри фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ буюраман:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2001 йил 31 майда 2001-04-сонли «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги буйруғига (2001 йил 16 июнь, рўйхат рақами 1041 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2001 й., 12-сон) иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 9 февраль,
2009-10-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ,
РАҚОБАТ ВА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ДАВЛАТ
ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

119 **Акциядорлик жамиятларида аффилиланган шахслар,
уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни
ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ки-
ритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1*

(2009 йил 17 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги ва «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Дав-
лат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги ва Моно-
полиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат
қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қим-
матли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази, Молия вазирлиги ва Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривож-
лантириш давлат қўмитасининг 2002 йил 20 ноябрдаги 2002-14, 131, 7-сон
қарори билан тасдиқланган Акциядорлик жамиятларида аффилиланган шахс-
лар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тарти-
би тўғрисидаги низомга (2003 йил 29 январь, рўйхат рақами 1212 — Меъ-
ёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 1-2-сон) иловага* мувофиқ ўзгар-
тиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида дав-

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

лат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга
киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 февраль,
2009-15-сон

Молия вазири

Р. АЗИМОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 февраль,
26-сон

**Монополиядан чиқариш,
рақобат ва тадбиркорликни
қўллаб-қувватлаш
давлат қўмитаси раиси в.б.**

Б. УЛАШОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 26 февраль,
8-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ПАТЕНТ
ИДОРАСИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

120 Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1329-2

(2009 йил 17 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 30 июлдаги ЎРҚ–164-сонли «Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2004 йил 2 февралдаги 9-сон буйруғи билан тасдиқланган «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидалари»га (2004 йил 22 март, рўйхат рақами 1329 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 12-сон, 147-модда) иловага* мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилгандан кейин ўн кун ўтгач кучга киради.

**Давлат патент
идораси директори**

Б. АМОНОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 5 февраль,
23-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

121 Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1914

(2009 йил 17 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича маълумотларни тезкор равишда йиғиш, қайта ишлаш ва унинг асосида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги тезкор маълумотларни шакллантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Илова қилинган Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур Қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири

Тошкент ш.,
2009 йил 6 февраль,
18-сон

Р. АЗИМОВ

Марказий банк раиси

Тошкент ш.,
2009 йил 6 февраль,
2/8-сон

Ф. МУЛЛАЖОНОВ

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Тошкент ш.,
2009 йил 6 февраль,
2008-47-сон

Б. ПАРПИЕВ

Молия вазирлиги, Марказий банк
Бошқаруви ва Давлат солиқ қўмитасининг
2009 йил 6 февралдаги 18, 2/8,
2008-47-сонли қарори билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига
тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва
айирбошлаш тартиби ҳақида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Бюджет тизими тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, тижорат банклари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ўртасида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар (кейинги ўринларда — Давлат бюджетига тушумлар) бўйича маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш, шунингдек улар асосида тезкор маълумотларни шакллантириш ва қайта ишлаш тартибини белгилайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги тушунчалар ишлатилади:

Тарафлар — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (кейинги ўринларда — МБ), тижорат банклари (кейинги ўринларда — банклар), Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси (кейинги ўринларда — ДСК), шунингдек Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ахборот ҳисоблаш маркази (кейинги ўринларда — Молия вазирлигининг АҲМ).

Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумот — мазкур Низомда белгиланган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан, тижорат банкларидан баланс рақами 23402 «Республика бюджетининг маблағлари» банк ҳисобварағи бўйича Давлат бюджетига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тушуми ва қайтарилиши бўйича олинган электрон кўринишдаги маълумот;

Солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумот — мазкур Низомда белгиланган шакл бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисобварақларидан ҳисобланган суммалар миқдори, солиқ тўловчиларнинг идентификация рақами (СТИР), банк ва бошқа керакли реквизитлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига оладиган, солиқ тўловчилар тўғрисидаги электрон маълумот;

Молия вазирлиги АҲМ ахборот тизими (МВАҲМАТ) — Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ахборот-Ҳисоблаш маркази томонидан ишлатилган, Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумотларни тезкор

йиғиш, қайта ишлаш ва айирбошлашни амалга оширишни автоматизациялашган жараёни учун мўлжалланган воситалар мажмуи, шу жумладан аппарат ускуналар, дастурий таъминот ва бошқа техник воситалар;

Меъёрий ахборотлар маълумотномаси (МММ) — Ўзбекистон Республикаси Марказий банкидан, тижорат банкларидан ва Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасидан келиб тушган, Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумотларни қайта ишлашда ишлатиладиган, таркибида СТИР электрон маълумотномаси, банк кодлари, хуудлар, солиқ тўловчилар ва бошқа зарур кўрсаткичлардан фойдаланиладиган электрон ахборотлар маълумотномаси;

2. МБ, банклар ва ДСҚдан Давлат бюджетига тушумлар тўғрисида маълумотларни олиш, шунингдек қайта ишлаш ва айирбошлаш Молия вазирлигининг АХМ томонидан амалга оширилади.

3. Давлат бюджетига тушумлар бўйича маълумотлар миллий валюта — сўмда шакллантирилади.

II. ДСҚ томонидан Молия вазирлигининг АХМга солиқ тўловчилар тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим қилиниши

4. ДСҚ ўзининг ахборотлар базасидан ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига Молия вазирлигининг АХМга солиқ тўловчиларнинг СТИР тўғрисидаги маълумотни, шунингдек ҳисобот чорагидан (йилидан) кейинги ойнинг 30-санасига ҳисобланган суммалар, тўлов муддати кечиктирилган суммалар ва мақсадли схемалар (1-Н сонли шакл ҳисоботида киритилмаган ҳолда) бўйича ўтказилган суммалар тўғрисидаги маълумотни мазкур Низомнинг 1-сонли иловасига мувофиқ шаклда беради.

III. Банклар томонидан Молия вазирлигининг АХМга Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларнинг тақдим қилиниши

5. Банклар ҳар куни соат эрталабки 10⁰⁰ гача Марказий банкнинг Ахборотлаштириш Бош марказига (кейинги ўринларда — МБ АБМ) мазкур Низомнинг 2-сонли иловасида кўзда тутилган талабларга мувофиқ шартли ҳисобварақлар рақами (ШХР) кесимида баланс рақами 23402 «Республика бюджетининг маблағлари» ҳисобварақлардан, маълумотлар тақдим қилинадиган кундан олдинги, охирги амалиёт куни учун шахсий ҳисобварақлардан пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги кўчирмалардан маълумот берадилар, МБ АБМ эса мазкур маълумотларни эрталабки 11⁰⁰ гача Молия вазирлигининг АХМга юборади.

6. Ахборотларни қайта ишлаш натижасида олинган маълумотларнинг бир хиллигини таъминлаш учун МБ АБМ Молия вазирлигининг АХМга ШХР ва банк кодлари бўйича амалдаги маълумотномаларни, шунингдек ушбу маълумотномаларга киритиладиган кейинги ўзгартиришларни тақдим қилади.

IV. Молия вазирлигининг АХМ Ахборот тизимининг маълумотлар базаси

7. Молия вазирлигининг АХМ Ахборот тизимининг маълумотлар база-си Давлат бюджетига тушумлар тўғрисида оператив маълумотларни Молия вазирлиги ва ДСҚга тезкор тақдим этиш ва Давлат бюджетига тушумлар суммасини солиқ тўловчилар кесимида, уларнинг шахсий ҳисобварақлари-дан ҳисобланган суммалар ҳисобини юритиш мақсадида ДСҚ ва банклар-дан қабул қилинган маълумотларни жамлаш, қайта ишлаш ва айирбошлаш-ни таъминлайди.

8. Маълумотлар Тарафлар томонидан телекоммуникация тармоғи канал-лари орқали Молия вазирлиги АХМ кўрсатган манзилдаги электрон почта-га электрон шаклда (файл кўринишида) тақдим қилинади.

9. Телекоммуникация тармоғи каналлари орқали бериладиган барча маъ-лумотлар текст кўринишида (ASCII) бўлиши шарт ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибдаги алгоритм бўйича шифрланади. Ушбу мақсадда Тараф-лар келишувига кўра бир хилдаги махсус дастурлар ишлатилиши мумкин.

10. Молия вазирлигининг АХМ ахборотлар тизимининг маълумотлар базаси МАМ қўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) вазирлик, идора, ташкилот ва муассасалар маълумотномаси;
- б) шартли ҳисобварақлар рақами (ШХР);
- в) солиқ тўловчининг идентификацион рақами (СТИР);
- г) банк реквизитлари номи;
- д) бошқа ахборотлар электрон маълумотномаси.

V. Молия вазирлигининг АХМ томонидан Молия вазирлиги ва ДСҚга чиқадиган маълумотларни тақдим қилиниши

11. Молия вазирлигининг АХМ ДСҚдан олинadиган маълумотлар асо-сида МВАХМАТда МБ ва банклардан олинadиган маълумотларни қайта ишлайди ва таҳлил қилади ва кунлик асосда мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шакл бўйича Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги тезкор маълумотларни шакллантиради ҳамда Молия вазирлиги ва ДСҚга тақдим қилади.

12. Барча чиқадиган маълумотлар Молия вазирлигининг АХМ Ахборот тизимида мавжуд МАМ асосида шакллантирилади ва унинг тегишли кўрсат-кичларини ўз ичига олади.

VI. Яқунловчи қоидалар

13. Маълумотларни тақдим қилиш санаси дам олиш кунига тўғри кел-ган ҳолатларда, тақдим қилиш муддати ундан кейинги биринчи иш кунига кўчирилади.

14. Тақдим қилинган маълумотларда номувофиқликлар аниқланган ҳолатларда Тарафлар бир-бирларига номувофиқликлар аниқланганлиги тўғрисида ахборот берадилар ҳамда қонун ҳужжатларида ўрнатилган тартибда уларни бартараф қилиш учун зарур чоралар кўрадилар.

15. Тарафлар томонидан маълумотлар айирбошлаш бепул асосда амалга оширилади. Бунда тақдим қилинган маълумотлар Тарафлар томонидан хизмат мақсадларида фойдаланилади ва «Хизматда фойдаланиш учун» белгиси қўйилади.

16. Тарафлар айирбошлаш натижасида олинadиган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш учун жавобгардирлар.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги билан келишилган.

*Ўзбекистон алоқа ва
ахборотлаштириш агентлиги
бош директорининг
биринчи ўринбосари*

Х. МУҲИТДИНОВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 6 февраль*

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига
тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш
тартиби ҳақидаги низомга
1-ИЛОВА

ДСҚ томонидан Молия вазирлигига тақдим қилинадиган маълумот

**20__ й. _____ га солиқ тўловчилар тўғрисидаги
МАЪЛУМОТ***

Ташкилотлар бўйича т/р	Т/р	Солиқ тўловчиларнинг номи (вазирлик, идора ва бошқа тўловчилар)**	СТИР	___ чорак учун ҳисобланган суммалар***:	___ чорак учун муҳлат берилган суммалар	Мақсадли схемалар (1-Н сонли шакл ҳисоботида киритилмаган ҳолда) бўйича суммалар
а	б	в	1	2	3	4
1.	1.	«Ўзбекнефтегаз» МХК				
	1.1.	Қарашли ташкилот 1				
	1.2.	Қарашли ташкилот 2				
2.	2.	«Ўзбекэнерго» ДАК				
	2.1.	Қарашли ташкилот 1				
	2.2.	Қарашли ташкилот 2				
...	...	Бошқа солиқ тўловчилар****				

* Ойлик равишда ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-санасига жадвалнинг 1-устунини, шунингдек ҳисобот чораги (йили)дан кейинги ойнинг 30-санасига қўшимча равишда 2 — 4-устунлари тўлдирилган ҳолда тақдим қилинади;

** Давлат бюджетига тушумлар устидан мониторинг амалга ошириладиган барча вазирлик ва идоралар кўрсатилади;

*** Солиқ тўловчилардан тушумларнинг барча турлари бўйича умумлаштирилган солиқ тўловчиларнинг шахсий ҳисоб-варақларидаги ҳисобланган суммалар тўлиқ кўрсатилади;

**** Юқори кўрсатилган вазирлик ва идоралар категорияларига кирмайдиган бошқа солиқ тўловчилар.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига
тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш
тартиби ҳақидаги низомга
2-ИЛОВА

*Банклар томонидан Молия вазирлигига тақдим қилинадиган
маълумот*

**Банклар томонидан (кундалик равишда) тушган пул маблағлари юзасидан
23402 ҳисоб бўйича шахсий ҳисобварақдан кўчирмага
ТАЛАБЛАР**

Т/р	Номи	Реквизит тури	Максимал қиймати
1.	Солиқ тўловчининг номи	текст/символ	70
2.	Солиқ тўловчининг СТИР	Рақам	9
3.	Олувчи банкнинг номи	Текст	80
4.	Олувчи банкнинг МФО коди	Рақам	5
5.	Олувчи ДСҚ ҳисоб рақами номери	«	20
6.	Тўлов ҳужжати рақами	«	10
7.	Сумма	«	17
8.	Ҳужжат тури	«	2
9.	Тўлов мақсади	Текст/символ	175
10.	Сана	Date	10
11.	Олувчи солиқ инспекцияси СТИР (мавжуд бўлганда) ёки «000000000»	Рақам	9

Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига
тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш
тартиби ҳақидаги низомга
3-ИЛОВА

Молия вазирлигининг АХМ томонидан Молия вазирлигига ва
ДСҚ га тақдим қилинадиган маълумотлар шакли

20__й. «__» _____

**Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги
ТЕЗКОР МАЪЛУМОТЛАР**

(минг сўмда)

Ташкилотлар бўйича	Т/р	Солиқ тўловчилар номи (вазирлик, идоралар ва бошқа солиқ тўловчилар)	Ҳисобот куни учун тушган	Сумма													
				Биринчи чорак													чорак
				Жами		шу жумладан:						Ҳисобланган	Камомад (уст. 10 – уст. 3 – уст. 12 – уст. 13)	Муҳлат берилган	Мақсадли схемалар (1-Н сонли шакл ҳисоботига киритилмаган ҳолда) бўйича	...	
				прогноз	факт	январь	февраль	март	...								
2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12	13	...					
1	1	«Ўзбекнефтегаз» МХК (жами):															
	1.1.	Қарашли ташкилот 1															
	1.2	Қарашли ташкилот 2															
															
2	2	«Ўзбекэнерго» ДАК (жами):															
	2.1	Қарашли ташкилот 1															
	2.2	Қарашли ташкилот 2															
															
		ЖАМИ:															

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

**122 Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирок-
чисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга оши-
риладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, улар-
нинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низом-
ни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915*

(2009 йил 17 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-
ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами,
2008 йил, 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Мах-
камасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбе-
кистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғоз-
лар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғри-
сидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўпла-
ми, 1996 йил, 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қиммат-
ли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини
ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги
низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат
рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кири-
тилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
Бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 11 февраль,
2009-12-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сонли
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг
қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган
операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг
ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисида
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги, «Архивлар тўғрисида»ги қонунлари, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тартибини ўрнатади.

Мазкур Низом талаблари тижорат банклари ва суғурталовчиларга татбиқ қилинмайди.

I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

архив ҳужжатлари — мазкур Низом ва қонун ҳужжатлари билан назарда тутилган тегишли экспертиза асосида архив аҳамиятига молик деб топилган турли моддий ашёлардаги ҳужжатлар;

қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг архиви (кейинги ўринларда — архив) — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг архив ҳужжатларини қабул қилиш, сақлаш ва фойдаланишни амалга оширувчи таркибий бўлинма;

қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси (кейинги ўринларда — профессионал иштирокчи) — қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозорида операциялар ва битимларни ҳисобга олиш — қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олишни ташкил этиш ва юритиш;

қимматли қоғозлар бозори фаолиятини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази.

2. Профессional иштирокчи мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатла-

рида белгиланган тартибда назарда тутилган ҳолатлар бўйича қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларининг, шу жумладан иш юритиш, меҳнат муносабатлари, бухгалтерия фаолияти ва молиявий ҳисобот бўйича ҳужжатларнинг ҳисобини юритади, сақлаш, ҳимоя ва ҳужжатларнинг тикланишини таъминлайди.

II. Профессional иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларни ҳисобга олиш ва сақлаш

3. Профессional иштирокчи тасдиқланган номенклатурага мувофиқ ҳужжатларни ҳисобга олиш ва сақлашни ташкил этиш учун мазкур Низомга берилган иловага (кейинги ўринларда — Илова) мувофиқ шакл бўйича тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасига эга бўлиши шарт.

4. Профессional иштирокчи ҳар йили 15 декабрдан кечиктирмасдан келгуси йилдаги иш юритишни ташкил этиш учун йиғмажилдлар номенклатурасини тасдиқлайди.

5. Тасдиқланган номенклатурага мувофиқ профессионал иштирокчининг ҳужжатларини ҳисобга олиш профессионал иштирокчи томонидан қоғозли ва (ёки) электрон кўринишларда амалга оширилади.

6. Профессional иштирокчининг ҳужжатларини ҳисобга олиш қуйидаги махсус журналларда амалга оширилади:

келган ва кетган хат-хабарни ҳисобга олиш;

мижозлар билан тузилган шартномаларни рўйхатга олиш;

буюртмаларни рўйхатга олиш;

профессional иштирокчининг қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий нашрларини ҳисобга олиш;

профессional иштирокчининг алоҳида қимматли ҳужжатлари йўқотилган ёки яроқсизланган тақдирда ҳужжатларни тиклаш учун назарда тутилган захира нусхаларни ҳисобга олиш;

операциялар ва битимлар бўйича ҳужжатларни электрон шаклда ҳисобга олиш;

архивда ҳар қайси келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш учун келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш китоби;

йиғмажилдларни якка ва ялпи ҳисобга олиш бўйича йиғмажилдлар рўйхати.

7. Профессional иштирокчи қуйидаги операциялар ва битимлар бўйича тасдиқланган номенклатурада назарда тутилган ҳужжатларнинг захира нусхаларига эга бўлиши ва захира фонди ташкил этиши керак:

қонун ҳужжатларига мувофиқ йирик битимлар деб топилган битимлар;

битимлар тузишдан манфаатдорлик бўладиган битимлар;

профессional иштирокчининг хоҳишига кўра алоҳида муҳим деб топилган бошқа операциялар ва битимлар.

8. Профессional иштирокчи фаолиятида вужудга келадиган барча ҳуж-

жатлар Иловада кўрсатилган йиғмажилдлар номенклатурасига мувофиқ йиғмажилдларда шакллантирилиши шарт.

9. Профессионал иштирокчининг операциялар ва битимларини ҳисобга олишга талаблар унинг амалга ошираётган профессионал фаолиятига кўра қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

10. Профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларни архивда ҳисобга олиш ҳужжатлар сақланишини таъминлаш ва уларнинг мавжудлиги устидан назоратнинг воситаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

11. Архивда сақланаётган барча ҳужжатлар, шу жумладан рўйхатга олинмаган ва мазкур архив учун шакли мос келмайдиган алоҳида қимматли ҳужжатларнинг нусхалари ва йиғмажилдлар рўйхати ҳисобга олиниши керак.

12. Профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларни архивда ҳисобга олиш иш юритишдаги ҳужжатларни ҳисобга олган ҳолда марказлаштириш ва тааллуқлилиқ тамойилларига риоя этишга асосланади.

13. Профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларни архивда ҳисобга олиш қуйидаги ҳужжатлар бўйича юритилади:

архивда ҳар бир келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш учун келиб тушган ва чиқиб кетган ҳужжатларни ҳисобга олиш китоби;

шахсий таркиб бўйича йиғмажилдлар рўйхати;

доимий сақланадиган йиғмажилдлар рўйхати;

вақтинчалик сақланадиган йиғмажилдлар рўйхати.

14. Профессионал иштирокчининг мазкур Низомга мувофиқ иш юритишида электрон ва қоғозли кўринишларда эга бўлиши, ҳисобини юритиши ва сақлашни таъминлаши керак бўлган ҳужжатлар ва ахборотлар номенклатураси Иловада кўрсатилган.

III. Профессионал иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларни архивда сақлаш, тайёрлаш, танлаб олиш ва йўқ қилиш

15. Профессионал иштирокчи мазкур Низом ва қонун ҳужжатларига мувофиқ архив ҳужжатларининг ҳисобини юритиши ва сақлашни таъминлаши шарт.

16. Профессионал иштирокчининг ижроия органи раҳбари томонидан архив ишини ташкил қилиш учун ўз таркибида алоҳида бўлинма тузилади ёки масъул ходим тайинланади.

17. Профессионал иштирокчи архив фондининг ҳужжатлари унинг мулки ҳисобланади.

18. Профессионал иштирокчи архив ишини ташкил этиш учун ҳар

йилнинг 1 февралидан кечиктирмасдан фаолиятида вужудга келган архив ҳужжатларининг рўйхатини аниқлаш учун тегишли экспертиза ўтказишни ташкил этади.

19. Профессional иштирокчи ўз архив ҳужжатларини тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатурасида назарда тутилган муддатларга мувофиқ сақлашни таъминлайди.

20. Депозитар фаолиятининг тўхтатилиши билан professional иштирокчининг қайта ташкил этилган ёки у тугатилган ҳолда қоғоз шаклидаги қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат архивига сақлаш учун берилади, электрон шаклидагиси эса архивланади ва тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинганидан кейин беш иш куни мобайнида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига берилади.

21. Агар professional иштирокчининг алоҳида операциялар ва битимларига тегишли ҳужжатлар учун сақлаш муддати мазкур Низом ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган бўлса, мазкур ҳужжатларни бундай операциялар ва битимлар бўйича даъво муддатига тенг муддат давомида сақлаш таъминланади.

22. Ҳужжатларни архивда сақлашнинг оптимал шароитларини таъминлаш учун қуйидаги ишлар комплекси ўтказилиши керак:

ҳужжатларни сақлашнинг оптимал шароитларини яратиш;

ҳужжатларни сақлаш хоналарига жойлаштириш;

йиғмажилдларни архивдан бериш тартибига риоя этиш;

ҳужжатларни ҳисобга олиш, уларнинг борлиги ва аҳволини текшириш;

алоҳида қимматли ҳужжатлар таркибини аниқлаш ва уларга фондини яратиш;

ҳужжатларнинг физик-кимёвий сақланишини таъминлаш.

23. Professional иштирокчи томонидан 22-бандда назарда тутилган ишларни амалга ошириш имконсиз бўлган тақдирда ихтисослашган ташкилотни ёллаши шарт.

24. Ҳужжатларни сақлашнинг оптимал шароитлари қуйидагича таъминланади:

professional иштирокчи томонидан архив учун бино ажратиш ва биноларнинг режали-зарурий таъмирини ўтказиш;

архив биносини ўт ўчириш, қўриқлаш ва ёнғинга қарши сигнализация воситалари билан жиҳозлаш;

ҳужжатларни сақлаш учун махсус ускуналарни қўллаш;

архив биносида оптимал ҳарорат-намлик ва ёруғлик режимларини яратиш, санитар-гигиеник чора-тадбирларни ўтказиш.

25. Professional иштирокчининг архивига сақланаётган йиғмажилдлар ҳажми ва таркибига мувофиқ алоҳида бино тақдим этилади.

26. Архивнинг сақлаш хоналари ёнғиндан хавфсиз бўлиши, тошқиндан кафолатланиши ва эҳтиёт чиқиш жойларига эга бўлиши керак.

27. Архив биносининг ташқи эшиклари ишдан ташқари вақтда муҳрла-

надиган (тамғаланадиган) мустаҳкам қулфга эга металл табақлар билан қопланган бўлиши ва муҳр (тамға) калитлар билан архив ходимида сақланиши керак.

28. Архив биноти қўриқлаш сигнализацияси билан жиҳозланган бўлиши керак, жойлашиши ташқаридан кириш имконини берувчи деразаларга тамға билан муҳрланган қулфли табақали металл панжаларлар ўрнатилади.

29. Ҳужжатлар билан ишлаш учун сақлаш хоналари ёнғинга қарши сигнализация билан жиҳозланиши керак.

30. Профессional иштирокчи ҳар беш йилда камида бир марта қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда архив иши бўйича мутахассисларни жалб қилиб, архив ҳужжатларининг тегишли сақланиши ва борлиги юзасидан текшириш ўтказиши шарт.

31. Ҳужжатлар сақланиш муддатининг ҳисоби уларнинг иш юритиши тугалланган йилдан кейинги йилнинг 1 январидан амалга оширилади.

32. «Тижорат сири», «хизмат ахбороти», «махфий ахборот» устхатли ҳужжатлар сейфларда сақланиши керак.

33. Профессional иштирокчи ҳужжатининг асли йўқотилган ёки яроқсизланган тақдирда Иловага мувофиқ тасдиқланган профессионал иштирокчининг йиғмажилдлар номенклатурасида назарда тутилган ҳужжатларнинг нусхалари сақланади.

34. Тасдиқланган йиғмажилдлар номенклатураси бўйича ҳисобда турган йиғмажилдлар мавжуд бўлмаганлиги аниқланган тақдирда, профессионал иштирокчи 2 иш қунидан кечиктирмасдан бу тўғрида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига билдириши ва йиғмажилдларнинг қидируви бўйича чоралар кўриши керак.

35. Ҳужжатнинг асли йўқотилган ёки яроқсизланган тақдирда профессионал иштирокчи йўқотилиш ёки яроқсизланиш сабаблари кўрсатилган тегишли далолатнома тузиши керак.

36. Ҳужжатнинг асли йўқотилгани ёки яроқсизланганлиги тўғрисидаги далолатнома профессионал иштирокчининг бошқарув органи раҳбари томонидан, бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари йўқотилган ёки яроқсизланган тақдирда эса — шунингдек профессионал иштирокчининг бош ҳисобчиси томонидан тасдиқланади.

37. Сақланиши лозим бўлган ҳужжатлар уларни профессионал иштирокчининг архивига топширилгунига қадар профессионал иштирокчининг бошқарув органи жойлашган жойда иш хоналарида сақланиши керак.

38. Профессional иштирокчининг архивида сақланишда турган профессионал иштирокчининг ҳужжатлари уларнинг тўлиқ сақланишини таъминлайдиган, қуёш нури ва чангдан ҳужжатларни ҳимоялайдиган металл стеллажлар ва қулфланадиган шкафларга жойлаштирилиши керак.

39. Ҳужжатларни профессионал иштирокчининг ходимларига (профессional иштирокчи билан фуқаролик-ҳуқуқий ёки меҳнат муносабатларида бўлган шахсларга) бериш профессионал иштирокчининг бошқарув органи

рахбари ёки у томонидан ваколатланган шахс рухсати билан тилхат олиб амалга оширилади.

40. Хужжатлар профессионал иштирокчининг ходимларига бошқарув органи раҳбари тасдиқлаган рўйхат бўйича бир ойдан ошмаган муддатга вақтинчалик фойдаланиш учун берилади. Белгиланган муддат ўтганидан сўнг хужжат унинг сақланадиган жойига қайтарилиши керак.

41. Ҳар бир берилган хужжатга хужжатнинг тури (номи), унинг берилган санаси, хужжат берилган шахснинг фамилияси, исми, шарифи, унинг қайтарилган санаси кўрсатилган ўринбосар-карта юритилади, шунингдек хужжатни олиш ва қабул қилишга тилхатлар учун устун назарда тутилади.

42. Профессионал иштирокчининг фаолияти тўхтатилган тақдирда доимий муддатга сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича хужжатлар Давлат архивига топширилади.

43. Қўйдагилар профессионал иштирокчи архивининг бош вазифалари ҳисобланади:

архивнинг таркибини қонун хужжатларида назарда тутилган хужжатлар билан бутлаш;

архивда сақланаётган хужжатларнинг сақланиши, ҳисоби, ишлов бериш, танлаб олиниши ва фойдаланиш сифатини таъминлаш;

профессионал иштирокчининг иш юритишида хужжатларни ташкил этиш аҳволини текширишни амалга ошириш.

44. Профессионал иштирокчининг архиви ўзининг бош вазифаларини бажариш мақсадида қўйдаги вазифаларни амалга оширади:

профессионал иштирокчининг хужжатларини сақлашга қабул қилади; архивга қабул қилинган хужжатларнинг ҳисобини юритади ва сақланишини таъминлайди;

профессионал иштирокчининг раҳбарияти ва ходимларига архив хужжатларининг таркиби ва мазмуни тўғрисида ахборот беради;

профессионал иштирокчининг раҳбарияти топшириғи бўйича архивда сақланаётган хужжатларнинг инвентаризациясини амалга оширади;

архивда сақланаётган хужжатларнинг фойдаланиш ҳисобини юритади.

45. Иш юритишда тугалланган, доимий ва вақтинчалик сақланадиган йиғмажилдлар улар очилган календарь йили тугаганидан сўнг архивга топширишдан олдин Илова давомига мувофиқ рўйхатга олинади ва расмийлаштирилади.

46. Сақланиш муддатларидан келиб чиқиб, йиғмажилдларни тўлиқ ёки қисман расмийлаштириш ўтказилади. Йиғмажилдларни тўлиқ расмийлаштиришга расмийлаштириш бўйича қўйдаги ҳаракатларни назарда тутадиган доимий, вақтинчалик (10 йилдан ортиқ) сақланадиган ва шахсий таркиб бўйича йиғмажилдлар киради:

тикиш ёки муқовалаш;

варақларни рақамлаш;

тасдиқловчи устхатни тузиш;

зарур ҳолатларда ҳужжатларнинг ички рўйхатини тузиш.

47. Иш папкаларида сақланишига йўл қўйиладиган вақтинчалик (10 йилгача) сақланадиган йиғмажилдлар қисман расмийлаштирилади, варақлари рақамланмайди ва бу йиғмажилдлар бўйича ҳисоб устхати тузилмайди.

48. Профессional иштирокчи фаолиятида вужудга келган ҳужжатларнинг муҳимлик қиймати экспертизасини ўтказиш ва ташкил этиш, уларни кейинчалик сақлаш ёки йўқ қилишни амалга ошириш учун танлаб олиш учун эксперт комиссияси тузилади (кейинги ўринларда — ЭК).

49. Профессional иштирокчининг раҳбари эксперт комиссиясининг раиси бўлиб ҳисобланади.

50. ЭК қарорлари ва у томонидан кўриб чиқилган ҳужжатлар лойиҳалари фақат уларни профессионал иштирокчининг раҳбари тасдиқлаганидан сўнг кучга киради.

51. Ҳужжатларнинг муҳимлик қиймати экспертизасини ўтказилаётганда доимий ва узоқ муддатга сақланадиган йиғмажилдларни архивга топшириш учун, шунингдек профессионал иштирокчининг йиғмажилдлари номенклатурасига тегишли йилда профессионал иштирокчининг раҳбари томонидан тасдиқланган ва сақлаш муддати тугаган йиғмажилдларни йўқ қилишга ажратиш учун танлаб олиниши амалга оширилади.

52. Ҳужжатларни йўқ қилишга ажратиш тўғрисидаги далолатнома йиғмажилдлар рўйхатлари билан бирга профессионал иштирокчининг архивида сақланади.

IV. Профессional иштирокчининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимлари бўйича ҳужжатларини тиклаш

53. Ҳалокат юз берган тақдирда профессионал иштирокчининг ҳужжатларини қайта тиклаш профессионал иштирокчининг ахборот хавфсизлиги регламентини белгиловчи ҳужжатлар умумий пакетининг бир қисми бўлган махсус тиклаш режасини ишлаб чиқишни талаб қилади.

54. Махсус тиклаш режаси мазкур Низомга мувофиқ профессионал иштирокчининг ахборот хавфсизлиги тартиботига риоя этиш учун зарур бўлган ҳаракатларни белгилайди.

55. Авариялар ва ҳалокатлар ўзининг таъсир натижалари бўйича қуйидагича таснифланади:

глобал — профессионал иштирокчининг биносини бузувчи;

локал — бино ичидаги қисман бузилишларга олиб келадиган (алоқа узилиши, компьютерларнинг ишдан чиқиши, операторларнинг хатолари, электр таъминотининг узилиши ва бошқалар).

56. Профессional иштирокчи фаолиятининг бутунлай тўхтатиб қўйилишига олиб келган фалокат ёки ҳалокат юз берган тақдирда муайян тиклаш чора-тадбирларини ўтказиш зарур.

57. Тиклаш чора-тадбирларини муваффақиятли бажариш учун қуйида кўрсатилган бир қатор дастлабки ҳаракатларни бажариш талаб этилади:

профессионал иштирокчининг ахборот муҳити объектини захиравий нусхалаш;

узлуксиз электр таъминоти манбалари билан таъминлаш;

омборда ҳисоблаш техникаси воситалари захирасини шакллантириш.

58. Агар йўл қўйилган хатолар натижасида профессионал иштирокчи томонидан унинг мижозларига, солиқ ва бошқа органларга жарима тўлаш кўринишида зарар етказилса, айбдорлар меҳнат қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартиб ва миқдорда моддий жавобгар бўлади.

V. Яқунловчи қоидалар

59. Мазкур Низом талабларига риоя этиш устидан назоратни Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи амалга оширади.

60. Профессионал иштирокчининг раҳбари архив иши ва иш юритиш аҳволи устидан жавобгар бўлади.

61. Мазкур Низом талабларини бузишда айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 8-сон, 99-модда) ва Давлатлараро авиация қўмитасининг ҳужжатлари, ИКАОнинг халқаро стандартлари ва тавсия этилган амалиётига мувофиқ, авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини (бундан кейинги ўринларда АТ ТХК ташкилотлари деб юритилади) сертификатлаш тартибини белгилайди.

I. Қисқартиришлар ва тушунчалар

§ 1. Қисқартиришлар

1. Мазкур Қоидаларда қуйидаги қисқартиришлар қўлланилади:

АТ — авиация техникаси

ДАҚ — давлатлараро авиация қўмитаси

ЁКЎ — ёрдамчи куч ўрнатмаси

ИКАО — халқаро фуқаро авиацияси ташкилоти

ТХК — техник хизмат кўрсатиш

ФА — фуқаро авиацияси

ҲК — ҳаво кемаси

§ 2. Тушунчалар

2. Мазкур Қоидаларда қуйидаги тушунчалардан фойдаланилади:

авиация маъмурияти — ўз ваколатлари доирасида парвозлар хавфсизлигини таъминловчи ва ҳаво ҳаракатини тартибга солувчи давлат бошқаруви органи.

авиация техникаси — ҳаво кемалари ва уларнинг компонентлари (ҳаво кемаларининг ҳар қандай таркибий қисмлари, шу жумладан кучли ўрнатмалар, борт тизимлари, бутловчи қисмлар, йиғув бирликлари ва деталлар).

аризачи — «Дававианазорат» инспекциясига АТ ТХК ташкилотига сертификат бериш (амал қилиш муддатини узайтириш, ўзгартириш киритиш) учун ариза билан мурожаат қилган юридик шахс.

АТга мунтазам ТХК станцияси — Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уч ойдан кам бўлмаган муддатга ташкил этилган, аэропорт ҳудудининг ташқарисида жойлашган АТ ТХК ташкилотининг бўлинмаси.

АТга мунтазам ТХК бўйича ташқи станция — ҲК эксплуатанти томонидан ҲКларга ТХК учун ташкил этилган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг ташқарисида фаолият кўрсатувчи мунтазам ТХК станцияси.

АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш сертификати (бундан кейинги ўринларда сертификат деб юритилади) — сертификат эгаси томонидан АТ ТХК бўйича ишлари мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи ҳужжат.

АТ ТХК ташкилоти — АТ ТХК ишларини бажарувчи юридик шахс (юридик шахснинг алоҳида бўлинмаси).

АТ ТХК ташкилотларида инспекторлик текширувлари — ташки-

лотнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини аниқлаш мақсадида амалга оширилувчи АТ ТХК ташкилотларини баҳолаш ишлари.

АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланма — АТ ТХК ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланадиган ҳамда АТ ТХК ташкилотининг фаолият соҳаси ва унинг раҳбарияти, муҳандис-техник ходимлари, тузилмаси, ишлаб чиқариш базаси, ТХК тартиблари ва сифатни таъминлаш тизими тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўз ичига олувчи ҳужжат.

бошқа ташкилот — Авиация маъмурияти томонидан тасдиқланган, АТда ишларни бажариш учун жалб этиладиган, аммо мазкур АТ ТХК ташкилоти таркибига кирмайдиган ташкилот.

«Дававианазорат» инспекцияси — Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси.

даврий ТХК — мураккаблиги ва уларни бажариш шартларига қўйилган талаблар бўйича тезкор ТХК мезонларига жавоб бермайдиган ТХК ишлари.

инсон омили — АТни ишлаб чиқариш ва сертификатлаш, ходимларни тайёрлаш, парвоз ва ТХКларни амалга оширишда ҳамда инсон ва тизимнинг бошқа элементлари билан инсоннинг хусусиятларини ўрганиш ва ҳисобга олиш йўли билан ўзаро хавфсиз ҳаракатларга эришишга йўналтирилган принциплар.

инсон хусусиятлари — инсоннинг авиация соҳасидаги фаолиятнинг хавфсизлиги ва самарадорлигига таъсир кўрсатувчи имкониятлари ва чекланишлари.

муҳандис-техник ходимлар — ҲК ва/ёки унинг компонентларига ТХК ишларини бажариш учун гувоҳномага эга бўлган авиация ходимлари.

парвоз хавфсизлигини бошқариш тизими (бундан кейинги ўринларда ПХБТ деб юритилади) — парвоз хавфсизлигини бошқаришга тизим жиҳатидан ёндашиш, шу жумладан зарур бўлган ташкилий тузилма, жавобгарликнинг босқичма-босқичлиги, бошқарув принциплари ва тартиблари.

раҳбар ходимлар — ташкилотнинг таркибига кирадиган, ўзларига юкланган вазифаларга мувофиқ АТ ТХК бўйича барча ишларни захира ва ташкилий жиҳатдан таъминланишини амалга ошириш учун етарли бўлган ваколатларга эга масъул ходимлар.

сифат бўйича қўлланма — АТ ТХК ташкилотининг сифат тизимини таърифловчи ва сифат соҳасидаги сиёсатини баён қилувчи ҳужжат.

сифат тизими — сифат стандартларига мувофиқ, сифат бўйича маъмурий бошқариш учун зарур бўлган ташкилий тузилма, ҳужжатли услублар, жараёнлар ва захиралар мажмуи.

тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти — фаолияти «Дававианазорат» инспекцияси томонидан мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ ҲК ва/ёки унинг компонентларига ТХК учун сертификатланган ҳамда «Дававианазорат» инспекцияси назорати остида фаолият юритувчи ташкилот. Бундай ташкилот бир неча давлат томонидан тасдиқланиши мумкин.

тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати — сертификатнинг аж-

ралмас қисми бўлган иловаси бўлиб, унда мазкур ташкилот бажариши лозим бўлган фаолият соҳаси (ишларнинг турлари) кўрсатилади.

таъмирлаш — учишга яроқлилигининг тегишли меъёрлари билан аниқланувчи авиация техникасини тиклаш жараёни.

тезкор ТХК — ҲКни парвозга тайёрлаш бўйича бажариладиган ТХК ишлари. Тезкор ТХК ўз ичига қуйидагиларни олиши мумкин: тўхтаб қолиш сабабларини қидириш ва уларни бартараф қилиш, компонентларни алмаштириш; ТХК бўйича режали ишлар (шу жумладан, кўринарли шикастланишлар/бузилишларни аниқлаш учун кўп меҳнат талаб қилмайдиган, чуқур ўрганиладиган назоратни талаб қилмайдиган кўз билан қараб чиқиш ишлари). Шунингдек, у тузилманинг тез очилувчи панел/люклар орқали етса бўладиган жойлари мавжуд бўлган ички элементларида, борт тизимларида, двигателларда ва ЁКЎларда бажариладиган, қисмларга ажратиш бўйича катта иш ҳажмини талаб қилмайдиган ҳамда содда мосламалар ва асбоблар билан бажариладиган жорий таъмирлаш ва мураккаб бўлмаган ҳажмдаги модификация қилиш ишларини ўз ичига олиши мумкин.

ТХК тўғрисидаги гувоҳнома — ТХК ишларининг қоникарли даражада бажарилганлигини ва бу ишлар АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада баён этилган тартибларга мувофиқ амалга оширилганлигини тасдиқловчи маълумотларни ўз ичига олувчи тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг ҳужжати.

техник хизмат кўрсатиш — ҲКнинг учишга яроқлилигини сақлашни таъминлаш ишларини, шу жумладан нафақат алоҳида, балки биргаликда ҳам бажариладиган ҲК ва унинг компонентларига тезкор ва даврий ТХК, назорат-тиклаш ишлари, текширишлар, алмаштириш, нуқсонларни бартараф этиш, шунингдек модификациялаш ёки таъмирлашни амалий бажариш.

учишга яроқлилик — ҲКнинг тузилмасида ва учиш хусусиятларида назарда тутилган ва жорий қилинган, қутилаётган шароитларда ва белгиланган эксплуатация қилишда парвозларни хавфсизлик билан бажариш имконини берувчи принциплар орқали аниқланадиган хусусиятлар.

учишга яроқлилик даражасини ушлаб туриш — ҲКларнинг учишга яроқлиликка бўлган талабларга мувофиқлигини ва уларни эксплуатация қилиш муддати давомида хавфсизлик билан эксплуатация қилиниши учун зарур бўлган ҳолатда ушлаб турилишини таъминлайдиган тадбирлар мажмуи.

фойдаланишга рухсат берувчи ходим — ҲКга, унинг тизимлари ёки компонентларига ТХК ишлари бажарилганидан кейин улардан фойдаланишга рухсат бериш учун уларнинг учишга яроқлилигини тасдиқловчи авиация ходими.

эксплуатация қилиш ҳужжатлари — ҲК ва компонентларнинг парвоз ва техник эксплуатациясини, шу жумладан унга ТХК, эксплуатация қилиш бўйича чекловлар, тартиблар ва тавсияларни белгилайдиган ҳужжат.

ҲКни модификация қилиш — ҲКнинг компонентини тайёрлаш технологиясига ёки унинг тузилишига киритиладиган ҳар қандай ўзгартиришлар.

ҲК эксплуатанти — ҲКга мулк ҳуқуқи ёки бошқа ашёвий ҳуқуқ асо-

сида эгалик қилувчи, шу ҲҚдан фойдаланишни амалга ошириш қобилияти эксплуатант сертификати билан тасдиқланган юридик ёки жисмоний шахс.

1-тоифали номувофиқликлар — мазкур Қоидаларнинг ҲҚ учишга яроқлилиқ даражасини ушлаб туришни таъминлашга тўсқинлик қиладиган ҳар қандай жиддий номувофиқликлар.

1-тоифали номувофиқликлар сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилади.

2-тоифали номувофиқликлар — мазкур Қоидаларнинг ҲҚ учишга яроқлилиқ даражасини ушлаб туриш билан боғлиқ бўлмаган, аммо белгиланган талаблар ёки тартиблардан четга чиқишларни намоён этувчи ҳар қандай номувофиқликлар.

2-тоифали номувофиқликлар сертификатнинг берилишига тўсқинлик қилмайди.

II. Умумий қоидалар

3. АТ ТХК ва уни таъмирлаш ишларини бажариш тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти томонидан сертификат асосида, тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатига мувофиқ амалга оширилади. Сертификатга эга бўлмаган АТ ТХК ташкилоти АТ ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эга бўлмайди.

4. АТ ТХК ташкилотининг «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланиши лозим бўлган фаолият соҳасига қўйидагилар киради:

а) ҲҚ, авиадвигателлар ва уларнинг компонентларига ҲҚнинг ТХК дастурига (регламентига) мувофиқ, ТХҚнинг барча турлари (шакллари);

б) компонентларга ТХК;

в) махсус ишлар (зарар етказмайдиган назорат, АТни модификация қилиш, оғирлигини ва оғирлик марказини аниқлаш, двигателлар ҳолатига қўйиш ва бошқалар).

5. АТ ТХК ташкилоти ва фаолият соҳасини тасдиқлаш учун сертификатлаш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан мазкур Қоидаларнинг талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

6. Тасдиқланган фаолият соҳаси бўйича ишларга бутунлай ҲҚга ва унинг компонентларига алоҳида ёки турлича уйғунликда бажариладиган ТХК ишлари киради.

7. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти қўйидагича фаолият юритиши мумкин:

а) асосий фаолият тури АТ ТХК бўлган мустақил корхона сифатида;

б) ҲҚ эксплуатанти, авиакомпания ва аэропортнинг АТ ТХК ишларини бажаришга махсуслаштирилган бўлинмаси сифатида;

в) авиагаъмирлаш ёки авиасозлик заводининг асосий фаолият турига кирмайдиган АТ ТХК ишларини бажариш бўйича учиш-синов бўлинмаси сифатида;

г) АТ ТХК хизматларини тақдим этувчи бошқа ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхона сифатида.

8. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ХК эксплуатантга тегишли мулкнинг бир қисмини ташкил этмаса, у ҳолда ХК эксплуатанти ва АТ ТХК ташкилоти ўртасида ёзма шаклда расмийлаштирилган, томонларнинг ХКнинг учигишга яроқлилигини ушлаб туриш бўйича вазифалари ва мажбуриятлари белгиланган ТХК шартномаси тузилиши керак. Бу шартноманинг техник томонлари «Дававианазорат» инспекцияси билан келишиб олиниши лозим.

9. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ХКларга ТХК ишларини бажариш вақтида ТХК дастурида (регламентида) назарда тутилган баъзи турдаги ишларни ушбу фаолият турини бажариш учун «Дававианазорат» инспекцияси ва/ёки хорижий давлатларнинг авиация маъмурияти томонидан тасдиқланган АТ ТХК ишларини бажарувчи бошқа ташкилотларга шартнома асосида топшириши мумкин.

10. Хорижий давлатларнинг авиация маъмурияти томонидан АТ ТХК ташкилотига берилган ХКларга даврий ТХК ёки режали-назорат остида кўриб чиқиш ёхуд авиадвигатель ёки унинг модулини таъмирлаш ишларини бажаришга қўйилганлигини тасдиқловчи сертификат ёки унга эквивалент бўлган ҳужжат мазкур Қоидаларнинг VIII бобига мувофиқ, «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тан олинган бўлиши зарур.

11. АТ ТХК ташкилотига «Дававианазорат» инспекцияси бошлиғининг имзоси ва гербли муҳри билан тасдиқланган сертификатнинг асл нусхаси берилади, бу сертификатга тасдиқланган фаолият соҳасининг рўйхати илова қилинади ҳамда сертификатнинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади. Агар ташкилот бир ёки бир неча АТга мунтазам ТХК станцияси ёки АТга мунтазам ТХК бўйича ташқи станцияларига эга бўлса, бу ҳолда ташкилотнинг тасдиқланган фаолият соҳасининг рўйхати АТ ТХК асосий станциясига ва ҳар бир АТга мунтазам ТХК станцияси ёки АТга мунтазам ТХК бўйича ташқи станцияларига берилади. Тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини «Дававианазорат» инспекцияси томонидан ваколат берилган шахс тасдиқлайди.

12. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотларининг фаолияти бўйича инспекторлик текширувлари мазкур Қоидаларнинг VII бобига мувофиқ, «Дававианазорат» инспекцияси томонидан режали ва режадан ташқари кўринишларда, камида йилига бир марта ўтказилади.

III. АТ ТХК ташкилотининг фаолият соҳасини тасдиқлаш бўйича сертификатлаш

§ 1. Умумий қоидалар

13. АТ ТХК ташкилотини сертификатлаш жараёни қуйидаги босқичлардан иборат:

а) мазкур Қоидаларнинг I-иловада келтирилган шакл бўйича расмийлаштирилган ариза ва асословчи ҳужжатлар тўпламини қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш;

б) аризани дастлабки баҳолаш ва рад этилган тақдирда ёзма равишда хабар бериш;

в) аризани ва асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш ва аниқланган камчиликлар тўғрисида аризачини ёзма равишда хабардор қилиш;

г) аризачидан асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш вақтида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги ҳужжатларни олиш ҳамда уларнинг бартараф этилганлигини текшириш;

д) АТ ТХК ташкилоти мазкур Қоидаларнинг 2-иловада белгиланган талабларга мувофиқлигини текшириш бўйича инспекторлик текширувларини ўтказиш ва текширув натижалари бўйича аниқланган номувофиқликлар кўрсатилган ҳисобот тайёрлаш;

е) АТ ТХК ташкилотидан текшириш вақтида аниқланган камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳужжатларни олиш;

ж) текширув натижалари бўйича хулоса тайёрлаш ва сертификат бериш ёки бермаслик тўғрисида қарор қабул қилиш.

14. АТ ТХК ташкилотини сертификатлаш ва/ёки бу ташкилотда инспекторлик текширувларини ўтказиш жараёнида расмийлаштирилган барча ҳужжатларнинг асли «Дававианазорат» инспекциясида сақланади (сертификат ва унинг иловалари бундан мустасно).

§ 2. Ариза ва асословчи ҳужжатларни тақдим этиш

15. АТ ТХК ташкилотини сертификатлаш учун ариза «Дававианазорат» инспекциясига тақдим этилади. Аризани кўриб чиқиш муддати икки ой. Ариза келиб тушгандан кейин унинг амал қилиш муддати уч ойдир.

16. «Дававианазорат» инспекциясига тақдим этиладиган ариза ва барча ҳужжатлар асл ёки аризачи томонидан тасдиқланган нусхаларда топширилиши зарур. Нотўғри тўлдирилган ёки нотўғри расмийлаштирилган ариза кўриб чиқишга қабул қилинмайди.

17. Асословчи ҳужжатларнинг тўплами «Давианазорат» инспекцияси белгилаган шаклда ва мазмунда тақдим этилади.

18. Сертификат муддатини узайтиришга ёки сертификатга ўзгартиришлар киритиш учун ариза «Дававианазорат» инспекциясига сертификат муддатининг тугашидан ёки янги шароитларда режалаштирилган фаолиятнинг бошланишидан икки ой олдин топширилади.

19. Аризада ва асословчи ҳужжатларда баён этилган маълумотларнинг тўғрилиги учун аризачи жавобгар бўлади.

§ 3. Аризани дастлабки баҳолаш ва асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш

20. Ариза ва унга илова қилинган асословчи ҳужжатлар «Дававианазорат» инспекциясига келиб тушган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида уларни дастлабки баҳолаш ва экспертиза қилиш амалга оширилади.

21. Ариза ва асословчи ҳужжатларни дастлабки баҳолашда куйидагилар текширилади:

а) АТ ТХК ташкилотининг белгиланган талабларга мувофиқлиги тўғрисидаги ахборотларнинг етарлилиги;

б) асословчи ҳужжатларнинг тўлиқлиги.

22. Ариза билан бирга тақдим этилган ҳужжатларни дастлабки баҳолаш натижалари салбий бўлганда, ариза берувчига унинг аризаси рад этилганлигининг асосланган сабаблари кўрсатилган ҳолда хабарнома юборилади.

23. Асословчи ҳужжатларда камчиликлар мавжуд бўлган ҳолларда эса аризачи уларни АТ ТХК ташкилотида сертификатлаш текширувларининг бошланишига қадар бартараф этиши керак.

24. Ариза ва асословчи ҳужжатларни дастлабки баҳолашда ижобий натижалар бўлса, «Дававианазорат» инспекцияси асословчи ҳужжатларни экспертизадан ўтказди.

§ 4. Асословчи ҳужжатларни экспертиза қилиш

25. Аризачи томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиш натижалари бўйича куйидаги хулосалардан бири қабул қилинади:

а) аризачини инспекторлик текширувидан ўтказиш имконияти тўғрисида, бунда аризачи билан келишилган ҳолда инспекторлик текширувларини ўтказиш муддати аниқланади;

б) тақдим этилган ҳужжатларни меъёрига етказиш ва/ёки қўшимча аниқланган номувофиқликлар, зарур бўлса, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар баён этилган хат жўнатилади. Бу ҳолда АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш жараёни аниқланган камчиликлар бартараф (қўшимча ҳужжатлар тақдим) этилгунига қадар тўхтатиб турилади;

в) ташкилотнинг белгиланган талабларга номувофиқлиги аниқланган ҳолларда, АТ ТХК ташкилотини тасдиқлашни рад этиш. Бунда аризачига сабаблар кўрсатилган ҳолда АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисида хат жўнатилади ва аризачи томонидан тақдим этилган барча ҳужжатлар ҳамда ариза бу хатга илова қилинади.

26. Мазкур Қоидаларнинг 25-банди «б» кичик бандига мувофиқ аниқланган номувофиқликлар аризанинг амал қилиш муддатида бартараф қилинмаган ҳолларда, аризачига АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш рад этилганлиги тўғрисида хат жўнатилади.

27. Аризачига АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш рад этилганлиги ҳақида хат юборилган бўлса, хатни олган кундан бошлаб олти ой ўтгандан кейин АТ ТХК ташкилотини тасдиқлашга такроран ариза берилиши мумкин.

§ 5. Инспекторлик текширувларни ўтказиш

28. Аризачи тақдим этган ҳужжатлар ижобий баҳоланган ва инспекторлик текширувларини ўтказиш тўғрисида хулоса қабул қилинган ҳолларда, «Дававианазорат» инспекциясининг раҳбари томонидан кўрсатма чиқарилиб,

унда комиссия таркиби ҳамда инспекторлик текширувларини ўтказиш муддати белгиланади.

Комиссия таркибига бошқа идораларнинг раҳбарлари билан келишилган ҳолда уларнинг мутахассислари (экспертлари) киритилиши мумкин.

29. Инспекторлик текширувларининг дастури аниқ бир аризачининг хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда инспекторлик текширувларининг намунавий дастури асосида ишлаб чиқилади. Инспекторлик текширувларининг намунавий дастури «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиланади.

30. Инспекторлик текширувларининг бевосита ўтказилиши, комиссия аъзолари ўртасида вазифаларнинг тақсимланиши ва текширув натижаларининг расмийлаштирилиши учун жавобгарлик комиссия раиси зиммасига юкланади.

31. «Дававианазорат» инспекциясининг кўрсатмаси ва инспекторлик текширувларининг дастури инспекторлик текширувлари бошланишидан беш кун олдин аризачига юборилади ва комиссия аъзоларининг эътиборига етказилади.

32. Инспекторлик текширувларининг мақсади — аризачи ўрнатилган талабларга мувофиқлигини ҳамда ташкилотнинг ҳақиқий ҳолати ва аризада кўрсатилган ишларнинг барча турлари бўйича фаолияти ариза билан тақдим этилган ҳужжатларда тўғри акс этирилганлигини тасдиқлашдан иборат.

33. АТ ТХК ташкилотида инспекторлик текширувлари қуйидаги йўналишлар бўйича ўтказилади:

- а) ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши ва бошқарилиши;
- б) ахборот билан таъминланиши;
- в) ходимлар билан таъминланиши;
- г) ишлаб чиқариш базаси;
- д) ТХК жараёнларининг ташкил этилиши;
- е) АТ ТХКнинг сифат тизими;
- ж) ТХК жараёнларининг моддий-техник таъминланиши;
- з) ТХК жараёнларининг молиявий таъминланиши.

§ 6. Инспекторлик текширувларнинг натижаларини расмийлаштириш

34. Инспекторлик текширувларининг натижалари ҳар бир масала (текширув йўналиши) бўйича ҳисобот кўринишида расмийлаштирилади. Номувофиқликлар мавжуд бўлган тақдирда, ҳисобот аризачининг вакили томонидан имзоланиши шарт. Ҳисобот шакли ва уни расмийлаштириш тартиби «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиланади.

35. Инспекторлик текширувлари жараёнида аниқланган номувофиқликлар 1-тоифали ва 2-тоифали номувофиқликларга бўлинади.

36. Инспекторлик текширувлари тугагач, барча аниқланган номувофиқликлар текширувларнинг натижалари бўйича расмийлаштириладиган ҳисо-

ботга киритилади, ҳисоботларнинг нусхалари номувофикликларни бартараф этиш бўйича чоралар кўриш учун аризаچига тақдим этилади.

§ 7. Инспекторлик текширувларнинг натижалари бўйича қарор қабул қилиш

37. Хулоса инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича расмийлаштириладиган якуний ҳужжат ҳисобланиб, унда текширувларнинг якуни, комиссиянинг хулосалари ва бажарилиши мажбурий бўлган тавсиялар акс эттирилади. Хулосанинг нусхаси аризаچига юборилади.

38. Аризачи хулосанинг тавсияларини инобатга олган ҳолда «Дававианазорат» инспекциясига қуйидагиларни тақдим этиши зарур:

а) 1-тоифали номувофикликларнинг бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот (зарурат бўлганда, «Дававианазорат» инспекциясининг қарори бўйича, номувофикликларнинг ҳақиқатан бартараф этилганлигини текшириш мақсадида инспекторлик текширувлари ўтказилади);

б) 2-тоифали номувофикликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси. Бу режада инспекторлик текширувларида аниқланган номувофикликлар, уларнинг бартараф этилиши бўйича тадбирлар, бажарилиш муддати ва тадбирларнинг бажарилиши бўйича масъул шахслар кўрсатилади.

2-тоифали номувофикликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси АТ ТХК ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланган ва «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган бўлиши шарт.

39. 2-тоифали номувофикликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси АТ ТХК ташкилотининг раҳбари томонидан тасдиқланган ва «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган бўлиши шарт. «Дававианазорат» инспекцияси томонидан кўрсатилган камчиликлар аризачи томонидан инобатга олинган бўлиши ҳамда тадбирлар ёки уларни бажариш муддатлари тўғриланган бўлиши керак.

40. Инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича сертификат беришнинг имконияти мавжуд эмаслиги тўғрисида хулоса қабул қилинган тақдирда, АТ ТХК ташкилотини такроран тасдиқлаш учун ариза бериш инспекторлик текширувлари ўтказилгандан кейин олти ой ўтгач аризачи томонидан амалга оширилади.

IV. АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш сертификатларини бериш ва уларнинг муддатларини узайтириш

§ 1. Сертификат бериш

41. «Дававианазорат» инспекцияси ижобий хулоса берган ва бу хулосада кўрсатилган барча шартлар АТ ТХК ташкилоти томонидан бажарилган бўлса, сертификат расмийлаштирилади.

42. Сертификатнинг амал қилиш муддати уч йилгача бўлган муддатга белгиланади.

43. Сертификат мазкур Қоидаларнинг 3-иловасига мувофиқ, қатъий ҳисобда турадиган бланкаларда расмийлаштирилади ва «Дававианазорат» инспекциясида рўйхатга олинади. Сертификат инглиз ва рус тилларига таржима қилинган матнларга эга бўлиши мумкин.

44. АТ ТХК ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати мазкур Қоидаларнинг 4-иловасига мувофиқ, намунавий шаклда расмийлаштирилади.

45. Аризачига сертификатнинг ва тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатининг асли берилади, «Дававианазорат» инспекциясида эса мазкур ҳужжатларнинг нусхалари сақланади.

46. АТ ТХК ташкилоти янги сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини олгандан кейин, илгари берилган сертификат ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини «Дававианазорат» инспекциясига қайтариши шарт.

§ 2. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш

47. Сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш АТ ТХК ташкилотининг аризаси асосида мазкур Қоидаларнинг III бобига мувофиқ амалга оширилади.

48. Асословчи ҳужжатлар экспертизаси ва текширувлар ижобий натижаларга эга бўлган тақдирда ҳамда текширув натижалари бўйича барча тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан кейин сертификатнинг амал қилиш муддати узайтирилади.

V. Сертификатга ўзгартириш киритиш

§ 1. Умумий қоидалар

49. Сертификатга ўзгартириш киритиш учун тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти «Дававианазорат» инспекциясига ариза топширади.

50. Сертификатга қуйидаги ҳолларда ўзгартириш киритилади:

а) тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти қайта ташкил қилинганида, унинг реквизитлари (маъмурий бўйсунуши, мавқеи, номланиши, манзили ва ҳ. к.) ўзгарганда;

б) сертификатни расмийлаштиришда йўл қўйилган хатоликлар аниқланганда;

в) тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти фаолият соҳасининг ўзгариши (кенгайтирилиши, қисқартирилиши) ёки АТ ТХК ташкилоти тасдиқланиши ва сертификат берилишидаги АТ ТХК ишларининг ташкил этилиши ва таъминланишида бутунлай ёки фаолиятнинг алоҳида турларидаги ҳар қандай ўзгаришлар юз берганда.

Мазкур банднинг «а» ва «б» кичик бандларида назарда тутилган ҳолларда янги сертификат ва/ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати

берилади. Сертификат ва/ёки тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхати ариза келиб тушган кундан бошлаб ўн кун ичида берилади.

Мазкур банднинг «в» кичик бандида назарда тутилган ҳолат бўйича «Дававианазорат» инспекцияси ўзгаришларни киритиш юзасидан инспекторлик текширувларини ўтказиш заруриятини белгилайди. Инспекторлик текширувлари мазкур Қоидаларнинг VII боб I-параграфи талабларига мувофиқ ўтказилади.

51. Такдим этилган ариза кўриб чиқилгандан кейин ва агар текширувлар ўтказилган бўлса, инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича сертификатга ўзгартиришлар киритилади.

§ 2. Тасдиқланган фаолият соҳасини кенгайтириш

52. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг фаолият соҳасини кенгайтириш мазкур Қоидаларнинг III бобида назарда тутилган талабларга мувофиқ, «Дававианазорат» инспекциясига аризачи томонидан такдим этилган ариза асосида амалга оширилади.

53. Аризачи фақат янги киритилаётган фаолият соҳаси ва/ёки фаолият соҳасининг кенгайтириш туфайли ўзгартиришлар киритилган ҳужжатларни такдим этади.

54. Фаолият соҳасини кенгайтириш янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини бериш орқали амалга оширилади.

55. Янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатининг амал қилиш муддати сертификатнинг амал қилиш муддати доирасида белгиланади.

§ 3. Тасдиқланган фаолият соҳасини қисқартириш

56. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг фаолият соҳасини қисқартириш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) аризачининг фаолият соҳасини қисқартириш тўғрисидаги аризаси ёзма равишда такдим этилганда;

б) инспекторлик текширувлари жараёнида тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатидаги ишлар турини бажариш бўйича I-тоифали номувофиқликлар аниқланганда.

57. Фаолият соҳасини қисқартириш сертификатнинг амал қилиш муддатини тўхтатиб туриш ва янги тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатини расмийлаштириш орқали мазкур Қоидаларнинг VI бобига мувофиқ амалга оширилади.

VI. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва сертификатни бекор қилиш

58. Сертификатнинг амал қилишини тўхтатиб туриш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

а) Ўзбекистон Республикаси ФАда амал қилувчи, шунингдек тасдиқлан-

ган АТ ТХК ташкилоти томонидан белгиланган талабларнинг бузиш (уларга риюя қилмаслик) ҳоллари аниқланганда;

б) «Дававианазорат» инспекциясининг парвоз хавфсизлигига таҳдид солувчи ёки тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг умумий фаолиятига таъсир кўрсатувчи номувофикликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалари бажарилмаганда;

в) АТ ТХК ишларининг бажарилиш ҳажмини, даврийлигини ва тартибини ўрнатувчи ҳужжатларнинг талаблари бузилганда;

г) ТХК ишлари бажарилгандан кейин ХҚни, унинг тизимлари ва компонентларини эксплуатация қилиш гувоҳномасини расмийлаштириш бундай ҳужжатларни расмийлаштиришга рухсат берилмаган шахслар томонидан амалга оширилганда;

д) АТ ТХК турини бажариш учун амалдаги ҳужжатга эга бўлмаган шахсларга бу ишларни бажаришга рухсат берилганда;

е) парвоз хавфсизлигига таҳдид солувчи ва белгиланган тартибда текширилиши лозим бўлган ҳодисалар яширилганда;

ж) ХҚ ва/ёки компонентларининг учишга яроқлилигини талаб қилинган даражада ушлаб турилишини таъминловчи АТ ТХК ишларини бажариш имкониятини берувчи шартномалар бекор қилинганда ёки бу шартномаларнинг муддати тугаганда;

з) парвоз хавфсизлигига таъсир қилувчи бошқа омиллар аниқланганда.

59. Сертификатнинг амал қилишини тугатиш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан қўйдаги ҳолларда амалга оширилади:

а) тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг сертификат берилган фаолиятни тугатиш тўғрисидаги аризаси асосида;

б) сертификатнинг амал қилиш муддати тугаганда;

в) амал қилиши тўхтатилган сертификат белгиланган муддатда «Дававианазорат» инспекциясига қайтарилмаганда.

60. Сертификатнинг амал қилиниши фаолиятнинг бутунлай ёки алоҳида турлари бўйича тугатилиши ёки тўхтатиб турилиши мумкин.

61. Бир ойдан кўп, аммо уч ойдан ошмаган муддатга тўхтатиб турилган сертификат тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти томонидан тегишли ариза ва номувофикликлар бартараф этилганлиги тўғрисида ҳисобот тақдим этилгандан кейин сертификатнинг амал қилиш муддатини узайтириш тартиби бўйича қайта тикланади.

62. Бир ойгача бўлган муддатга тўхтатиб қўйилган сертификат бу сертификатнинг амал қилинишини тўхтатиб қўйишга сабаб бўлган номувофикликлар бартараф этилгандан кейин сертификатнинг аслини тасдиқланган АТ ТХК ташкилотига қайтариш орқали қайта тикланади.

63. Сертификатни бекор қилиш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан қўйдаги ҳолларда амалга оширилади:

а) сертификатни бекор қилиш тўғрисида ёзма равишда тақдим этилган ариза асосида;

б) юридик шахс тугатилганда — тугатилган вақтдан бошлаб ёки қайта

ташқил қилиниши натижасида унинг фаолияти тўхтатилганда — қайта ташқил қилинган вақтидан бошлаб;

в) тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг умумий фаолиятига таъсир кўрсатувчи 1-тоифали номувофикликлар аниқланганида.

64. Бекор қилинган сертификат қайта тикланмайди. Такроран сертификат олиш учун АТ ТХК ташкилоти мазкур Қоидаларнинг III бобига мувофик ариза беради.

65. Ўтказилган инспекторлик текширувларининг натижалари бўйича тузилган ҳисобот асосида «Дававианазорат» инспекцияси раҳбари томонидан сертификатни бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш бўйича қарор қабул қилинади ва имзоланган вақтдан бошлаб кучга киради.

66. Сертификатни бекор қилиш ёки унинг амал қилишини тўхтатиб қўйиш тўғрисида хабарнома олингандан кейин тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти қўйидагиларни бажариши шарт:

а) сертификатнинг тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатига киритилган ишларнинг бажарилишини зудлик билан тўхтатиш;

б) ўз буюртмачиларини бу ҳақда огоҳлантириш;

в) сертификатнинг аслини уч кунлик муддатда «Дававианазорат» инспекциясига қайтариш.

67. Номувофикликларнинг ҳақиқатан бартараф этилганлигини текшириш учун режадан ташқари инспекторлик текшируви ўтказилиши мумкин.

VII. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг фаолиятини назорат қилиш

§ 1. Умумий қоидалар

68. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг фаолиятини назорат қилиш «Дававианазорат» инспекцияси томонидан инспекторлик текширувлари орқали қўйидаги мақсадларда амалга оширилади:

а) тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг ўрнатилган талабларга мувофиклигини баҳолаш;

б) тасдиқланган АТ ТХК ташкилотининг фаолият жараёнида юзага келадиган, ташкилотнинг амалдаги ҳужжатларига киритилишини талаб қилувчи ўзгаришларни аниқлаш, бу ўзгаришларнинг ташкилот фаолиятига кўрсатадиган таъсирини баҳолаш;

в) тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатига кирадиган аниқ ишларнинг бажарилишини назорат қилиш.

69. Текширувлар қўйидаги турларга бўлинади:

а) режали текширувлар;

б) режадан ташқари текширувлар.

70. Режали текширувлар тасдиқланган АТ ТХК ташкилотларида «Дававианазорат» инспекциясининг инспекторлик текширувларини ўтказиш жадвалига мувофик амалга оширилади.

71. Режадан ташқари текширувлар тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти-

нинг мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқлигини, сертификатни бериш вақтида белгиланган шартлар ва чекловларнинг бажарилишини баҳолаш мақсадида ўтказилади.

72. Инспекторлик текширувларини ўтказиш тартиби мазкур Қоидаларнинг талабларига жавоб бериши зарур. Текширувларнинг материаллари асословчи ҳужжатлар билан бирга сақланади.

73. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотлари «Дававианазорат» инспекциясининг комиссияси учун барча иш шароитларини яратиб бериши шарт.

74. Комиссиянинг иш тартиби «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиланади.

75. Инспекторлик текширувлари натижалари бўйича ҳисобот расмийлаштирилади. Ҳисоботда текшириш жараёнида аниқланган номувофиқликлар, уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар ва текширилаётган АТ ТХК ташкилотининг фаолиятнинг текширилган йўналишлари бўйича белгиланган талабларга мувофиқлиги ёки номувофиқлиги тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Аниқланган номувофиқликлар рўйхати текширилаётган АТ ТХК ташкилотининг вакили томонидан имзоланган бўлиши зарур.

76. Сертификат эгаси аниқланган номувофиқликлар тўғрисида хабарнома олгач, номувофиқликларни бартараф этиш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқиши ва келишилган муддатда номувофиқликларнинг муваффақиятли даражада бартараф этилганлиги тўғрисида «Дававианазорат» инспекциясига ҳисобот бериши лозим.

§ 2. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари

77. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотида режадан ташқари инспекторлик текширувларини ўтказиш учун қуйидагилар асос бўлади:

а) АТ ТХК ишларини бажариш сифатининг даражаси пасайганлиги ва ҲКларнинг парвоз хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи жиддий бузилишлар тўғрисидаги маълумотлар;

б) белгиланган талабларга нисбатан тасдиқланган АТ ТХК ташкилотида унинг фаолияти давомида вужудга келган номувофиқликлар.

78. Режадан ташқари инспекторлик текширувлари «Дававианазорат» инспекциясининг топшириғи асосида ўтказилади. Топшириқ шакли ва уни бериш тартиби «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиланади.

79. Инспекторлик текширувларининг натижалари мазкур Қоидаларнинг 75-банди бўйича расмийлаштирилади.

VIII. Хорижий АТ ТХК ташкилотларининг сертификатларини тан олиш тартиби

80. Фақат ҲКни (унинг компонентларини) эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисида гувоҳнома бериш ҳуқуқига эга бўлган ва Ўзбекистон Республикасининг ҲК эксплуатантларининг ҲКларига ва/ёки унинг компонентларига техник хизмат кўрсатиш ишларини бажарадиган хорижий АТ

ТХК ташкилотларининг сертификатлари Ўзбекистон Республикасида тан олинади.

81. Хорижий АТ ТХК ташкилотлари сертификатларининг ҳақиқийлигини тан олиш тартиби Ўзбекистон Республикаси АТ ТХК ташкилотларини сертификатлаш тартибидан фарқ қилмайди ва мазкур Қоидаларда баён этилган сертификатлаш тизими хорижий АТ ТХК ташкилотларига нисбатан ҳам қўлланилади.

82. Хорижий АТ ТХК ташкилотларини тан олиш ва сертификатлаш учун комиссия тузилади. Комиссия қуйидагиларга ишонч ҳосил қилиши зарур:

а) хорижий АТ ТХК ташкилотига сертификат (гувоҳнома) берган органининг мақоми ва ваколатига, хорижий АТ ТХК ташкилотининг таъсис қилинган, ИКАОга аъзо бўлган мамлакатнинг авиация маъмурияти томонидан тан олинганлигига;

б) хорижий АТ ТХК ташкилотига қўйиладиган талаблар ИКАО томонидан белгиланган минимал стандартларга жавоб беришига ёки ундан юқори бўлишига.

83. Хорижий АТ ТХК ташкилотини тасдиқлаш сертификатининг ҳақиқийлигини тан олиш бутун ташкилотга, шу жумладан масъул раҳбарга нисбатан амалга оширилади. Ташкилотнинг масъул раҳбари сертификат берган авиация маъмурияти ва «Дававианазорат» инспекцияси олдида сертификатнинг шартлари ва чекловларини таъминлаш учун тўла жавобгардир.

84. Сертификатни тан олиш учун «Дававианазорат» инспекцияси Ўзбекистон Республикаси АТ ТХК ташкилотларини сертификатлашда инспекторлик текширувларини ўтказиш учун белгиланган тартибда хорижий АТ ТХК ташкилотида инспекторлик текширувларини ўтказиши мумкин бўлганлигини текширилади. Инспекторлик текширувларини ўтказиш дастури «Дававианазорат» инспекцияси томонидан хорижий АТ ТХК ташкилоти фаолият соҳасига мувофиқ белгиланади.

85. «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган АТ ТХК ташкилотларининг фаолияти бўйича қўлланмасида тегишли тартиблар мавжуд бўлган АТ ТХК ташкилотлари билан шартнома асосида ишларни бажарувчи хорижий АТ ТХК ташкилотларининг ҳамда бу ташкилотлар ходимларининг сертификатларини тан олиш талаб қилинмайди. АТ ТХК ташкилотларининг фаолияти бўйича қўлланмага киритилган тартиблар қуйидаги талабларга асосланган бўлиши шарт:

а) тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти шартнома бўйича топшириладиган ишларни бажариш бўйича асословчи ҳужжатларини олган ва субпудратчининг бу ишларни бажаришга муносиблигини баҳолашга лаёқатли бўлиши керак;

б) тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти шартнома бўйича топширилган ишлар тугатилгандан кейин сифат назорати ва фойдаланишга рухсат бериш, шу жумладан ХКнинг учишга яроқлилигини тегишли даражада ушлаб туришга бўлган талабларга тегишлича риоя қилиниши бўйича жавобгарликни ўзида сақлаб қолиши лозим;

в) тасдиқланган АТ ТХК ташкилотида шартнома бўйича топширилган ишларни бошқариш ва назорат қилиш, шу жумладан шартнома ташкилот

ходимларига талаблар, шунингдек бу фаолият турларини бошқариш топширилган кўрсатмалар бўйича зарур тартиблар асосида ишлаб чиқилган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)га
1-ИЛОВА

«Дававианазорат» инспекцияси раҳбарига

Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг тасдиқлаш сертификатини олиш (ўзгартириш, узайтириш) учун АРИЗА

1. Ташкилотнинг рўйхатга олинган номи _____
2. Ташкилотнинг қисқача номи _____
3. Ташкилотнинг жойлашган ери _____
4. Телефон рақами _____ Факс рақами _____
e-mail _____
5. Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК) бўйича тасдиқланиши лозим бўлган фаолият соҳаси:
аризанинг 2-саҳифасида келтирилган.
6. Ташкилотнинг тасдиқланаётган фаолият соҳаси бўйича ишларни бажариш жойи _____
(давлат, шаҳар, аэропортнинг номи)
7. Ташкилотнинг масъул раҳбари (аризачи)

(лавозими, Ф.И.О.)
8. Ташкилот масъул раҳбарининг имзоси _____
9. Ариза имзоланган сана _____
10. Иловалар: _____

М.Ў.

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қодалари (ЎЗР АҚ-145ТХК)нинг талабларига мувофиқлиги бўйича тасдиқланиши учун ариза қилинаётган _____ нинг фаолият соҳаси (АТ ТХК ташкилотининг номи)					
КЛАСС ҲАВО КЕМАЛАРИ	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДТХК	ТТХК
		A1:	Самолётлар (5700 кг дан ортиқ)	Боинг-767-300 (PW4000, GE-CF6)	X
	A2:	Самолётлар (5700 кг ва ундан кам)	АН-2ТП (АШ-62И 6-серия)	X	йўқ
ДВИГАТЕЛЛАР	B1:	ГТД	АН-25, ТА-6А 2-серия		
КОМПОНЕНТЛАР, ЙИГИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ЁКИ ЁРДАМЧИ ДВИГАТЕЛЬ (ЁКЎ) БУНДАН МУСТАСНО	C1:	ҲНТ ва БАТСТ	АТ ТХК ташкилоти фаолияти бўйича қўлланмада тасдиқланган бутловчи қисмлар рўйхати (capability list)га мувофиқ компонентлар		
	C2:	Автопилот			
	C5:	Электр токи билан таъминлаш			
	C6:	Жиҳозлар			
	C7:	Двигателлар - ЁКЎ			
	C16:	Ҳаво винтлари			
МАХСУС ИШЛАР	D1:	Путур етказилмасдан амалга ошириладиган назорат	Ультратовушли назорат Шиддатли ток оқими билан назорат Бороскопик назорат		

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қодалари (ЎЗР АҚ-145ТХК)га
2-ИЛОВА

АТ ТХК ташкилотига қўйиладиган талаблар

§ 1. Умумий қодалар

1. АТ ТХК ташкилоти қўйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

а) ишлаб чиқариш масалаларининг самарали ҳал қилинишини таъминловчи ташкилий тузилмасига ва ўзининг фаолиятини бошқариш тизимига эга бўлиши;

б) қайд қилинган фаолият соҳаларига мувофиқ ташкилотга ва ишларнинг бажарилишига қўйиладиган талабларни аниқлайдиган, амалдаги ва белгиланган тартибда ҳисобга олинган эксплуатация қилиш ҳужжатларига эга бўлиши;

в) ҲК дастури (регламенти), учишга яроқлилик бўйича директивалар, «Дававианазорат» инспекциясининг буйруқ ва кўрсатмалари, парвозларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича маълумотлар, ҲК ишлаб чиқувчи (тайёрловчи)нинг бюллетенлари бўйича ҲК ва унинг компонентларига ТХК ишларининг бажарилишини таъминлаш;

г) Ўзбекистон Республикаси ФА фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ва уларнинг талабларини ҳамда ташкилотнинг ички ҳужжатларини (шу жумладан, киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни) ўз вақтида ўрганиш ва бажариш мақсадида ходимлар диққатига етказиш тартибига эга бўлиш;

д) ишларни бажариш ва ходимлар учун талаб қилинадиган шароитларни яратиш учун тасарруфида биноларга, қурилмаларга, энергиянинг зарур турларига, ишлаб чиқариш, омборхоналар, майший хоналарга эга бўлиш;

е) зарур бўлган жиҳозларга ва асбобларга, шунингдек уларни яроқли ҳолда тутиш тизимига эга бўлиш;

ж) ишларни бажариш учун зарур бўлган компонентлар, эҳтиёт қисмлар ва харажат материалларига эга бўлиш;

з) ташкилот штатида режалаштирилган ишларнинг бажарилишини таъминлаш учун зарур бўлган малакадаги ва тегишли микдордаги ходимларга эга бўлиш;

и) ходимларнинг малакасини қўллаш (ошириш), тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимига эга бўлиш;

к) АТ ТХК, модификация қилиш, таъмирлаш ва бошқа ишларнинг тўла ҳажмда ва ТХК (таъмирлаш, модификация қилиш) дастурига мувофиқ бажарилганлиги тўғрисидаги маълумотларнинг рўйхатга олиниши ва сақланишини таъминлаш;

л) ТХК бўйича барча ишларнинг тегишлича бажарилишини кафолатлайдиган сифатни таъминлаш тизимига эга бўлиш;

м) АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмага ва АТ ТХК сифати бўйича қўлланмага эга бўлиш;

н) парвозлар хавфсизлигини бошқариш тизими (ПХБТ)га эга бўлиш.

§ 2. Ишлаб чиқаришнинг қувватига талаблар

2. АТ ТХК ташкилоти қуйидаги шартларга риоя қилинишини таъминлаши зарур:

а) хусусан, об-ҳавонинг ноқулай шароитларидан ҳимоялашни таъминловчи барча режалаштириладиган ишларни бажариш учун ишлаб чиқариш қувватининг мавжудлиги. Бир-биридан ажратилган, атроф-муҳитнинг ифлосланишидан ва таъсирдан ҳимоялашни таъминлайдиган цех ва ангарларнинг мавжудлиги. Бу цех ва ангарлар қуйидагиларни бажаришда керак:

ХКга даврий ТХК ишларида — агар бошқа шароитлар «Дававианазорат» инспекцияси томонидан рухсат этилмаган бўлса, даврий ТХК ишларининг ҳажмига биноан, ХКларнинг сони ва ўлчами бўйича етарли бўлган ангарлар;

компонентларга ТХК ишларида — режалаштирилаётган компонентларга ТХК ишлари ҳажмининг бажарилишини таъминлаш учун етарлича кенгликдаги цех (тажрибахона, участка)лар;

б) юқоридаги «а» кичик бандида кўрсатилган барча режалаштирилган ишларнинг бошқарилишини таъминлаш, шунингдек ТХК стандартларида

белгиланган вазифаларни муваффақиятли бажаришга шароит яратиш мақсадида фойдаланишга рухсат берувчи ходимларни жойлаштириш учун иш (идора) биноларининг мавжудлиги;

в) иш шароитларининг, шу жумладан ХК ангарлари, ишлаш учун жиҳозланган цех (тажрибахона, участка)лар ва идора хоналари шу жойларда бажариладиган ишларга, шу жумладан бўлиши мумкин бўлган махсус талаблар ҳисобга олинган ҳолда мос бўлиши. Махсус ишларни алоҳида шароитларда бажариш ҳолатлари истисно бўлиб, шароитлар ходимларнинг самарали ишлашига салбий таъсир кўрсатмаслиги зарур, бунда:

харорат режими ходимларнинг берилган топшириқларни бажаришларида уларга ортиқча ноқулайликлар етказилмайдиган даражада тутилиши керак;

чанг ва ҳавонинг бошқа ифлосланишлари бўлмаслиги зарур, иш ҳудудида ХК ва/ёки компонент юзасида кўринарли чанг қоплами пайдо бўлишидек ифлосланишга йўл қўйилмайди. Юзаларда чанг ёки чанг кўринишидаги бошқа ифлосланишлар пайдо бўлган ҳолларда қулай иш шароитлари тиклангунига қадар тизимнинг барча ифлосланишга сезгир жойлари герметик ҳолатда беркитилади;

ёруғлик барча текширишлар, кўриб чиқиш ва ТХК бўйича бошқа ишларнинг самарали ўтказилишини таъминлаши зарур;

шовқин ходимларга ишларни бажаришларида ҳалақит бермаслиги керак. Шовқин манбасини ростлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда кўрсатилган ходимлар ишларни бажаришда ортиқча шовқиннинг салбий таъсирини истисно қилувчи шовқиндан шахсий ҳимояланиш воситалари билан таъминланган бўлиши шарт;

ТХК бўйича аниқ ишлар юқорида кўрсатиб ўтилган шароитлардан фарқли ўларок, алоҳида ишлаб чиқариш муҳитининг яратилишини талаб қилган ҳолларда, бундай шароитлар албатта яратилиши зарур. Бундай шароитлар ТХК ишларининг ҳужжатларида кўрсатилади;

тезкор ТХК ишларини бажариш шароитлари ишларни ортиқча зўриқиш ва чарчаш ҳолатларисиз бажарилишини таъминлаши лозим. Шу сабабли иш шароитларининг ҳарорат, намлик, туман, муз, қор, шамол, ёруғлик, чанг ёки ҳавонинг бошқа ифлосланиш жиҳатидан тўғри келмайдиган даражагача ёмонлашган ҳолларда, аниқ иш ёки ТХК тури қулай иш шароитлари тиклангунига қадар тўхтатиб турилади;

г) компонентлар, жиҳозлар, асбоблар ва материалларни сақлаш учун хавфсизлик воситалари билан жиҳозланган омборхоналарнинг мавжудлиги. Сақлаш шароитлари яроқли ҳамда яроқсиз компонентлар ва материалларни ҳамда барча компонентлар, материаллар, жиҳозлар ва асбобларни алоҳида сақлаш имкониятини таъминлаши зарур. Сақлаш шароитлари АТни ишлаб чиқарувчиларнинг кўрсатмаларига жавоб бериши, бу хоналарга кириш эса чегараланган ҳамда фақат жавобгар ходимларгагина рухсат берилган бўлиши зарур.

§ 3. Ходимларга талаблар

3. АТ ТХК ташкилотида буюртмачи ишларининг талабларига мувофиқ барча ТХК ишларининг ўз вақтида бажарилиши ва маблағ ажратилиши бўйича жавобгарлик юкланган масъул раҳбар тайинланган бўлиши зарур.

Масъул раҳбарнинг мажбуриятлари қуйидагилардан иборат:

а) мазкур Талабларнинг 46-бандига мувофиқ, ТХК ишларини бажариш учун барча зарур бўлган захираларнинг мавжудлигини таъминлаш. Бу ташкилотни тасдиқлашнинг ҳақиқийлигини сақлаб қолиш учун зарур бўлган омилдир;

б) мазкур Талабларнинг 45-бандига мувофиқ парвоз хавфсизлиги ва АТ ТХК сифати соҳасидаги сиёсатни ишлаб чиқиш ва жорий қилиш;

в) мазкур Қоидаларнинг асосий тартибларини тушунишини кўрсатиш.

4. АТ ТХК ташкилотида ташкилотнинг мазкур Қоидаларнинг талабларига доимо мувофиқ бўлиши бўйича жавобгарлик юкланган раҳбар ходимлар тайинланган бўлиши зарур. Мазкур шахс бевосита ташкилотнинг масъул раҳбарига бўйсунди, шу билан бирга:

а) бир ёки ваколатли шахслар гуруҳи (раҳбар ходимлар) ўзида ушбу ташкилотдаги ТХКни бошқариш тузилмасини намоён қилади ва мазкур Қоидаларда назарда тутилган барча вазифаларнинг бажарилиши юзасидан жавобгар бўлади;

б) кўрсатилган масъул ходимлар вакилларининг шахсий маълумотлари, шунингдек қайси таълим муассасасини тугатганлиги ҳамда иш стажи тўғрисидаги маълумотлари белгиланган шаклда ва тартибда «Дававианазорат» инспекциясига юборилади;

в) раҳбар ходимлар ҲК ёки компонентларга ТХК кўрсатиш учун зарур бўлган тегишли маълумотларга, иш стажи ва кўникмаларига эгаллигини кўрсата олишга лаёқатли бўлиши шарт, шунингдек мазкур Қоидаларнинг асосий тартиблари бўйича билимини кўрсатиши керак;

г) кўрсатилган масъул раҳбарларнинг ҳар бирини узоқ вақт давомида ишда бўлмаган даврда алмаштириш бўйича аниқ тартиблар мавжуд бўлиши керак.

5. Масъул раҳбар мазкур Талабларнинг 3-бандига кўра сифат тизимига, жумладан мазкур Талабларнинг 47-бандига асосан қайтадиган алоқа тизимига жавобгар шахсни тайинлаши зарур. Раҳбар ходимга сифат ва талабларга мувофиқлик масалалари тўғрисида ахборот берилишини таъминлаш мақсадида бу тайинлаган шахс учун раҳбар ходимнинг олдига йўл очик бўлиши лозим.

6. Ташкилотда тасдиқланиш соҳасига мувофиқ ишлаб чиқаришни режалаштириш, ишларни бажариш ва бошқариш ҳамда ташкилотда ишларни бажариш сифатини назорат қилиш учун етарли ўз ходимларига эгаллигини тасдиқловчи иш билан таъминланганлик режаси бўлиши зарур. Бундан ташқари, ташкилот ўз штатидаги ҳақиқий ходимларнинг сони аниқ иш сменасига ёки иш даврига режалаштирилган ишларни бажариш учун етарли бўлмаган ҳолларда, бажаришга қабул қилинган ишларни тезкорлик билан қайта режалаштириш тартибига эга бўлиши шарт.

7. АТ ТХК ташкилоти «Дававианазорат» инспекцияси билан келишил-

ган тартибларга мувофиқ, ТХКни бажаришда, бошқаришда ёки сифатни назорат қилишда иштирок этувчи ходимнинг ваколатлилиқ даражасини белгилаши ва назорат қилиши керак. Зарур бўлган, аниқ меҳнат вазифаларига қўлланилувчи иш стажидан ташқари, ваколатлилиқ даражаси ўзида мазкур шахснинг ташкилотга тегишли вазифалари билан боғлиқ бўлган инсон омили ва инсон хусусиятлари каби масалалар тушунчасини мужассам қилиши зарур.

8. Ташкилот учишга яроқлилиқни қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ бўлган ХК ва/ёки компонентларини путур етказмасдан назорат қилиш каби махсус ишлар турини бажарувчи ёки назорат қилувчи ходимлар ХК ва/ёки компонентларини ишлаб чиқарувчиларнинг меъёрий талабларига мувофиқ бўлган тегишли малакага эга бўлишини таъминлаши зарур.

9. Сифат тизими бўйича жавобгар шахс, шунингдек ишларни бажариш учун рухсатномалар берувчи ходимларга АТ ТХК ташкилоти номидан рухсатномаларнинг берилиши учун ҳам жавобгар бўлиши зарур. Бундай шахс бошқа шахсга АТ ТХК сифати бўйича қўлланмада кўрсатилган тартибга мувофиқ юқорида кўрсатилган рухсатномаларни бериш ёки қайтариб олишни амалий расмийлаштириш бўйича ваколатларни беришга ҳақли.

10. Ташкилот барча муҳандис-техник ходимларнинг рўйхатини юритиши лозим. Ходимлар рўйхатида қуйидагилар кўрсатилиши зарур:

а) ТХК бўйича мутахассисларнинг «Ўзбекистон Республикаси фуқаро авиацияси сертификатларини бериш ва авиация ходимларининг турлари» (ЎЗР АҚ-61) Ўзбекистон Республикасининг авиация қоидалари (2004 йил 7 май, рўйхат рақами 1349 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 18-сон, 212-модда)га мувофиқ берилган гувоҳномалари тўғрисидаги маълумотлар;

б) ходимларнинг барча ўтган тайёргарликлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) берилган рухсатномаларнинг соҳалари;

г) чегараланган ёки бир марталик рухсатномаларга эга бўлган ходимлар бўйича маълумотлар.

11. АТ ТХК ташкилоти рўйхатидаги маълумотларни бу ташкилотнинг ходимлари муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаган ёки рухсатноманинг бекор қилинган кундан бошлаб камида икки йил давомида сақлаши шарт. Бундан ташқари, муҳандис-техник ходимлар таркибидан ишдан бўшаётган ходимнинг мурожаати бўйича АТ ТХК ташкилоти унга юқорида кўрсатилган рўйхатдан кўчирма бериши зарур.

12. Муҳандис-техник ходимлар таркибидаги шахснинг сўровига кўра унга юқорида кўрсатилган рўйхатнинг шахсий маълумотларини олишга рухсат берилиши зарур.

13. Рухсат берувчи ходимларга АТни парвозга қўйиш ҳуқуқини берувчи рухсатнома ТХКдан кейин АТ ТХК ташкилоти томонидан қозғода ёки электрон кўринишида берилади.

14. Рухсат берувчи ходим ваколатли шахсга ўзининг ишларни бажаришга берилган рухсатномасини 24 соат ичида тақдим этиши зарур.

§ 4. Жиҳозлар, асбоблар ва материалларга талаблар

15. АТ ТХК ташкилоти фаолиятнинг тасдиқланган соҳасига биноан ТХК ишларини бажариши учун зарур бўлган жиҳозлар, асбоблар ва материалларга эга бўлиши лозим.

Агар АТни ишлаб чиқарувчи кўрсатмаси бўйича аниқ белгилаган жиҳозлар ёки асбоблардан фойдаланиш белгиланган бўлса, АТ ТХК ташкилоти айнан шу жиҳозлар ёки асбоблардан фойдаланиши лозим. АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада жиҳозлар ёки асбобларнинг ўхшаш турларидан фойдаланиш бўйича тартиб баён этилган ҳоллар бундан мустасно.

Жиҳозлар ва асбоблар АТ ТХК ташкилотининг доимий тасарруфида бўлиши лозим. Жиҳозлар ва асбоблар жуда кам вақтларда керак бўлиб, улар доимий тасарруфда мавжуд бўлиши зарур бўлмаган ҳоллар бундан мустасно. Бундай ҳолатлар АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада батафсил баён этилган бўлиши зарур.

Даврий ТХКни бажариш учун тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ХКни текшириш ва кўриб чиқиш ишларининг пухта равишда бажарилиши учун зарур бўлган барча платформалар (ёки бунга эквивалент бўлган жиҳозлар) ва бошқа воситалар билан жиҳозланган бўлиши лозим.

16. АТ ТХК ташкилоти барча жиҳозлар ва асбобларнинг, айниқса назорат қилиш воситаларининг ҳисобга олинишини ҳамда ишлаш лаёқатини ва аниқликни таъминлаш даврийлигида метрологик назоратдан ўтказилишини таъминлаши зарур. Ташкилот бундай метрологик назоратни ва бу ҳолларда фойдаланиладиган стандартларни ҳисобга олиш ҳужжатларининг юритилишини таъминлаши лозим.

§ 5. Компонентларни қабул қилиш

17. Барча компонентлар қуйидагича тоифаланган ва турларга ажратилган бўлиши зарур:

а) қоникарли ҳолатда бўлган (масалан, FAA 8130-3 ва EASA Form 1 шакли) ёки бунга эквивалент ҳужжатлар билан фойдаланишга йўл қўйилган ҳамда қўлланилувчи талабларга мувофиқ белги қўйилган компонентлар;

б) ишга яроқсиз, мазкур параграфнинг талабларига мувофиқ ТХК ишлари бажарилиши зарур бўлган компонентлар;

в) мазкур Талабларнинг 20-бандига мувофиқ тоифаланадиган, тиклаб бўлмайдиган компонентлар;

г) ишлаб чиқарувчи томонидан асосий қисмларнинг рангли каталогда ва/ёки ТХК бўйича ҳужжатларда кўрсатилган, ХКда, двигателда, ҳаво винтида ёки ХКнинг бошқа компонентида фойдаланиладиган стандартли маҳсулотлар;

д) ТХК жараёнида фойдаланиладиган харажат материаллари ва хом ашёлар. Барча материалларнинг аниқ маркаси учун расмийлаштирилган, талабларга (спецификацияларга) мувофиқлиги тўғрисидаги маълумотларга,

шунингдек ишлаб чиқарувчи ҳамда етказиб берувчи кўрсатилган келиб чиқиш манбаига эга бўлган кузатиш ҳужжатлари мавжуд бўлиши лозим.

18. Компонентни ХКга ўрнатишдан олдин АТ ТХК ташкилоти турли модификация ва/ёки учишга яроқлилик бўйича кўрсатмаларнинг қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда аниқ компонент ўрнатилишининг ҳаққонийлигини текшириши зарур. АТ ТХК ташкилоти ХК ва/ёки компонент турига берилган сертификат эгаларига, «Дававианазорат» инспекциясига ТХК жараёнида аниқланган, яроқсиз (тасдиқланмаган) бутловчи қисмлар, стандартли маҳсулотлар ёки компонентлар ва уларнинг кузатиш ҳужжатлари тўғрисида ҳаққоний ва тўла маълумот бериши зарур.

19. Агар тегишли тартиблар ва технологиялар АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида кўрсатилган бўлса, ташкилот ТХК ишларини бажаришда ўз ишлаб чиқаришида фойдаланиш учун таркибий қисмлар регламентининг чегараланган номенклатурасини ишлаб чиқаришга ҳақли.

20. Ўрнатилган ресурс ёки хизмат муддатини ўтаган ёхуд таъмирлаб бўлмайдиган бузилиш (шикастланиш)ларга эга компонентлар тикланмайдиган деб тавсифланади ва компонентларнинг айланма тизимига қайтариб қўйилмайди, компонентнинг ресурси (хизмат муддати) узайтирилган ёки уни таъмирлаш ҳужжатлари ишлаб чиқилган ва тасдиқланган ҳоллар бундан мустасно.

§ 6. ТХК ҳужжатларига талаблар

21. АТ ТХК ташкилоти ўз тасарруфида ТХК, шу жумладан модификациялаш ва таъмирлаш ишларини бажаришда қўлланиладиган ТХК ҳужжатларига эга бўлиши ва улардан фойдаланиши зарур.

22. Мазкур Талабларнинг мақсадлари учун қўлланиладиган ТХК ҳужжатлари қуйидагиларни билдиради:

а) ХК ёки компонент бўйича назоратни амалга оширувчи «Дававианазорат» инспекцияси томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай талаблар, технологиялар ва эксплуатация бўйича кўрсатмалар ёки бошқа маълумотлар;

б) ХК ёки компонент бўйича назоратни амалга оширувчи «Дававианазорат» инспекцияси томонидан чиқарилган ва қўлланиладиган ҳар қандай учиш яроқлилиги бўйича директивалар;

в) ДАҚ авиация қоидаларининг 21-қисми «Авиация техникасини сертификатлаш тартиби»га мувофиқ, АТ турига берилган сертификат эгалари томонидан чиқарилган учишга яроқлиликни талаб қилинган даражада ушлаб туриш бўйича қўлланиладиган кўрсатмалар ва уларнинг қўшимчалари, шунингдек бундай кўрсатмаларни чиқарувчи бошқа ташкилотларнинг кўрсатмалари, хорижий ХК ёки компонентлар учун эса — ХК ёки компонентларни назорат қилувчи авиация маъмурияти томонидан ишлаб чиқилган мажбурий маълумотлар;

г) мазкур Талабларнинг 24-бандига мувофиқ чиқарилган ҳар қандай қўлланиладиган ҳужжатлар ва маълумотлар.

23. Ишлаб чиқариш ходимлари томонидан фойдаланиладиган ТХК ҳужжатларида тўлиқ бўлмаган ёки нотўғри тартиблар ёки технологиялар, маълумотлар ёки кўрсатмалар аниқланган тақдирда, АТ ТХК ташкилоти ТХК ҳужжатларидаги бундай маълумотларнинг ва муаллиф хабарномасининг рўйхатга олинишини таъминловчи тартибларни ўрнатиши шарт.

24. Ташкилот ТХК бўйича кўрсатмаларга фақат АТ ТХК ташкилотининг сифат бўйича қўлланмасида белгиланган тартибдагина ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга. Бу ўзгартиришларга нисбатан ташкилот ТХК бўйича кўрсатмаларга тенг ёки янада юқорироқ стандартларнинг таъминланишини намоян қилиши ҳамда ХК турига берилган сертификат эгасини бундай ўзгартиришлар тўғрисида хабардор қилиши зарур.

25. Ташкилот ўз фаолиятида қўллаш учун ишчи технологик карталарини ишлаб чиқиш бўйича умумий тизимни яратиши шарт. Бундан ташқари, ташкилот мазкур Қоидаларнинг 22 ва 24-бандлари билан назарда тутилган ТХК бўйича ҳужжатлардан бу ишчи технологик карталарга тўла ва аниқ маълумотларни киритиши лозим ёки ишчи технологик карталардаги ТХК бўйича ҳужжатларда кўрсатилган ТХК ишларини бажариш бўйича аниқ кўрсатмаларга аниқ ҳаволалар берилиши зарур. Ишчи технологик карталарни компьютердан фойдаланган ҳолда шакллантиришга ва маълумотлар базасини рухсатсиз ўзгартиришлардан тўғри ҳимоялаш шароитларини яратиш шarti билан электрон базасида сақлашга йўл қўйилади. Бунда асосий маълумотлар базасига ҳар қандай ўзгартириш киритилган вақтдан бошлаб 24 соатдан кўп бўлмаган муддатда янгиланиши лозим. ТХК бўйича мураккаб ишларнинг бажарилишини ҳисобга олиш учун уларнинг технологиялари ишларнинг аниқ ва тушунарли босқичларига тақсимланган ҳолда ишчи технологик карталарга киритилиши керак.

Агар ташкилот ўзининг ишчи технологик карталаридаги шахсий тизимларидан фойдаланишни талаб қилган ХК эксплуатантга ТХК хизматларини тақдим этса, унда эксплуатантнинг бундай карталар тизимидан фойдаланишга йўл қўйилади. Бу ҳолда ташкилот ХК эксплуатантининг ишчи технологик карталари тўғри бажарилишини таъминлайдиган тартибларни қабул қилиши шарт.

26. АТ ТХК ташкилоти ўз ходимларининг ТХК бўйича ҳужжатлардан тўсиқсиз фойдаланиш имкониятини таъминлаши зарур.

27. АТ ТХК ташкилоти ўз вақтида янгиланишини таъминлайдиган ТХК ҳужжатларининг ҳолатини назорат қилиш тартибларини ўрнатиши зарур. Агар ҳужжатлар ҳолатининг назоратини эксплуатант ва/ёки буюртмачининг ўзи амалга ошириб, ўзи ТХК ҳужжатларини тақдим этса, АТ ТХК ташкилоти эксплуатант ва/ёки буюртмачининг хатини тақдим этиш йўли билан тасдиқлаши лозим. Бунда, ХК эксплуатанти ва/ёки буюртмачи ТХК ҳужжатларига барча зарур ўзгартиришлар киритилганлигини тасдиқлаши керак ёки АТ ТХК ташкилоти ХК эксплуатанти ва/ёки буюртмачи тақдим этган ТХК ҳужжатларидан фойдаланиши лозим бўлган мавқени аниқлайдиган

шартномани ёхуд ТХК ҳужжатларининг ўзгартириш киритилган варағини тақдим этиши зарур.

§ 7. Ишлаб чиқаришни режалаштириш

28. АТ ТХК ташкилоти ТХК ишларини хавфсиз бажариш учун зарур бўлган, бажариладиган ишларнинг ҳажми ва мураккаблигига жавоб берадиган ишлаб чиқаришни ҳамда режалаштиришда фойдаланиладиган ходимлар, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, ТХК ҳужжатлари ва ишлаб чиқариш хоналаридан иборат бўлган барча захираларни режалаштириш тизимига эга бўлиши шарт.

29. ТХК ишларини режалаштириш ва сменали ишларни ташкил этиш инсоннинг руҳий-жисмоний чекловларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур.

30. Смена алмашиш ёки бажарувчилар таркибининг ўзгариши сабабли ТХК ишларини давом эттириш ёки тугатиш бошқа шахсларга топширилиш зарурати туғилганда, тегишли маълумотлар ишни топширувчидан янги келётган ходимларга тегишлича топширилиши лозим.

§ 8. ТХК тўғрисидаги гувоҳномани расмийлаштириш

31. ТХК тўғрисидаги гувоҳнома мазкур Талабларнинг 6-параграфида кўрсатилган ТХК ҳужжатларининг мавжудлиги ва улардан фойдаланишни ҳисобга олган шартномага мувофиқ, мазкур бобнинг 12-параграфида назарда тутилган тартиблар орқали АТ ТХК ташкилотининг ТХК бўйича барча ишларини тўла ва сифатли бажариши текширилгач, шунингдек парвозларнинг хавфсизлигига катта таъсир кўрсатувчи номувофиқликларнинг йўқлиги тасдиқлангач, АТ ТХК ташкилоти номидан ишларни бажаришга тегишлича рухсатномага эга бўлган рухсат берувчи ходимлар ва муҳандис-техник ходимлар томонидан ТХК тўғрисида гувоҳнома расмийлаштирилади.

32. Ҳар қандай ТХК ишлари тугатилганидан кейин парвозлар тиклангунига қадар ТХК тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши зарур.

33. Бажарилган ТХК жараёнида аниқланган янги номувофиқликлар — тўхтаб қолишлар ва шикастланишлар ёки тугатилмаган ишларни шартнома асосида бартараф этишга розилик олиш учун бу тўхтаб қолишлар ва шикастланишлар ёки тугатилмаган ишлар тўғрисида эксплуатантга хабар берилиши зарур. ҲК эксплуатанти мазкур бандда кўрсатилган ишларнинг бажарилишига розилик бермаган ҳолларда, мазкур талабларнинг 36-банди бўйича ҳаракат қилинади.

34. ҲК бортидан демонтаж қилинган ҳар қандай компонентда ТХК ишлари тугатилганидан кейин ТХК тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилиши зарур. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида ишлаб чиқарилган компонентнинг формуляри (паспорти, ёрлиғи)да қўйилган белги ёки хорижий компонентлар учун 1-шакл бўйича расмийлаштирилган ёрлиқ компонентда ТХК бажарилганлиги тўғрисидаги белги бўлиб ҳисобланади.

35. Мазкур Талабларнинг 31-бандини истисно қилган ҳолда, ташкилот томонидан шартномада назарда тутилган барча ТХК ишлари тўла-тўқис тугатилишининг имкони бўлмаган ҳолларда, ташкилот берилган ХК учун тасдиқланган чекловлар доирасида ТХК тўғрисидаги гувоҳномани беришга ҳақли. АТ ТХК ташкилоти бундай гувоҳномани имзолашдан олдин ушбу ҳолат ҳақида ХК ТХК тўғрисидаги гувоҳномада умумий равишда акс эттириши лозим.

36. Мазкур Талабларнинг 5-параграфи ва 31-бандини истисно қилган ҳолда, тегишлича расмийлаштирилган ТХК тўғрисидаги гувоҳноманинг йўқлиги туфайли, ХК асосий базаси бўлмаган ёки мунтазам ТХК бўйича ташқи станцияси бўлмаган жойда мажбуран туриб қолганда, ТХК тўғрисидаги гувоҳнома тегишлича расмийлаштирилмаган компонентларни вақтинча, қайси муддатнинг олдин келишидан қатъи назар: кўпи билан 30 соат учиш вақтига тенг бўлган муддатга ёхуд асосий базаси ёки мунтазам ТХК бўйича ташқи станцияга дастлабки қайтишгача бўлган вақтга ўрнатишга рухсат берилди. Бундай шарт ХК эксплуатантининг кўрсатилган компонент қўйилишига розилиги ҳамда ушбу компонент эксплуатацияга қўйилиши тўғрисида қўлланиладиган ҳужжат мавжуд бўлган ҳолда қўлланилиши мумкин. Ушбу шартларга риоя қилинмаган ҳолларда, ТХКга қўлланилувчи барча талабларга ва эксплуатация қоидаларига риоя қилиниши лозим бўлади. Бундай компонентлар юқорида кўрсатиб ўтилган вақт чекловлари бўйича муддатлар тугаганидан кейин ХК бортидан демонтаж қилиниши лозим, мазкур Талабларнинг 31-банди ва 5-параграфига мувофиқ ТХК тўғрисидаги гувоҳнома расмийлаштирилган ҳоллар бундан мустасно.

§ 9. ТХК ишлари тўғрисида ҳисобга олиш маълумотлари

37. АТ ТХК ташкилоти бажарилган ишлар бўйича барча маълумотларни ҳисобга олиши зарур. АТ ТХК ташкилоти ТХК тўғрисидаги гувоҳномага нисбатан барча талабларга риоя қилинганлигини тасдиқлаш учун зарур бўлган ҳисобга олиш маълумотларини, шу жумладан субпудратчи (бошқа ташкилот)лар томонидан расмийлаштирилайдиган АТни эксплуатация қилишга рухсат бериш тўғрисидаги ҳужжатларни сақлашга мажбур.

38. АТ ТХК ташкилоти ХК эксплуатантга ташкилот расмийлаштирган ТХК тўғрисидаги гувоҳномани, шунингдек таъмирлаш ёки шаклини ўзгартириш ишларини бажаришда фойдаланилган ҳар қандай таъмирлашга ёки шаклини ўзгартиришга доир ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши зарур.

39. АТ ТХК ташкилоти ТХК ишлари тўғрисидаги ҳисобга олиш маълумотларини ва ТХК ишлари билан боғлиқ бўлган ҳужжатларни бу ишлар бажарилган аниқ ХК ёки компонентнинг ташкилотдан чиқарилган санадан бошлаб икки йил давомида қўйидагича сақлаши лозим:

а) мазкур бандда назарда тутилган маълумотларни бузилишдан ва йўқ қилинишидан ҳимоялашни таъминлаш;

б) маълумотларни архивлаштириш ва захира сифатида сақлаш учун фойдаланиладиган барча компьютер жихозлари маълумотларнинг ишчи нус-

халари киритилган жиҳозлардан алоҳида ҳамда бу жиҳозлар ва архив маълумотларини яхши ҳолатда сақлашни таъминловчи шароитларда жойлаштирилиши зарур;

в) мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган ташкилот ўз фаолиятини тугатган тақдирда, охириги икки йил давомида бажарилган ТХК ишлари тўғрисидаги барча сақланган ҳисобга олиш маълумотлари охириги буюртмачига ёки тегишли ХК ёки компонент эгасига топширилиши ёки «Дававианазорат» инспекциясининг кўрсатмаларига биноан уларнинг сақлалиши таъминлиниши зарур.

§ 10. Учишга яроқлилиқдаги бузилишлар бўйича ҳисобот юритиш

40. АТ ТХК ташкилоти «Дававианазорат» инспекциясига, ХКни рўйхатдан ўтказиш давлати ва ХКнинг тузилиш тури ёки тузилиш турининг модификация қилиниши учун жавобгар бўлган ташкилотга, зарурат туғилганида, эксплуатант давлатига мазкур ташкилот томонидан аниқланган ХК ёки компонентнинг парвоз хавфсизлигига катта таъсир кўрсатувчи ёки бундай таъсир кўрсатилишига олиб келиши мумкин бўлган учишга яроқлилиқ меъёрларининг ҳар қандай бузилиш ҳоллари тўғрисида ҳисобот юбориши шарт.

41. АТ ТХК ташкилоти учишга яроқлилиқ меъёрларининг ҳар қандай бузилиш ҳоллари бўйича ички ҳисобот тизимини яратиши ва АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида баён этиши зарур. Бу тизим ҳисобот маълумотларини, шу жумладан мазкур Талабларнинг 40-бандига биноан ҳисобот юритилиши лозим бўлган ҳолатларни баҳолаш натижаларини йиғиш ва баҳолашни таъминлайди. Кўрсатилган тартиблар камчиликларни бартараф этиш учун тузатиш ишларини ташкил этиш бўйича бажарилган салбий ҳаракатларни, шунингдек текширилаётган ҳодисалар бўйича барча мавжуд маълумотларни таҳлил қилиш тартиби ҳамда зарурат бўлганда, бу маълумотларни тарқатиш услубларини аниқлаши керак.

42. АТ ТХК ташкилоти «Дававианазорат» инспекцияси томонидан белгиланган ҳолларда ва шаклларда «Дававианазорат» инспекциясига ҳисобот юбориши керак бўлиб, бу ҳисоботлар ташкилот томонидан аниқланган барча бузилишлар, уларни аниқлаш шароитлари ва таҳлил қилиш натижалари тўғрисида барча маълумотларни ўз ичига олиши зарур.

43. Агар АТ ТХК ташкилоти ХК учишга яроқлилигини талаб қилинган даражада тутишни унинг тижорат эксплуатанти билан тузилган шартнома асосида амалга ошираётган бўлса, у ҳолда бу ташкилот, шунингдек ХК эксплуатантга ҳам ушбу эксплуатантга қарашли ХК ёки компонентнинг учишга яроқлилиқ меъёрларига таъсир кўрсатувчи ҳар қандай ҳодиса тўғрисида ҳисобот юбориши зарур.

44. Ташкилот ҳисобот қилиниши мажбурий бўлган ҳодисалар аниқланган вақтдан бошлаб имкони борича қисқа муддатда, аммо 72 соатдан кечиктирмасдан ҳисобот тайёрлаши ва жўнатиши шарт.

§ 11. АТ ТХК хавфсизлиги ва сифати соҳасидаги сиёсат, сифат тизими ва қўлланиладиган ТХК технологиялари

45. АТ ТХК ташкилоти АТ ТХК хавфсизлиги ва сифати соҳасида ўзининг сиёсатини ўрнатиши лозим ҳамда мазкур Талабларнинг 12-параграфига мувофиқ АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасига тегишли қоидалар киритиши зарур.

46. АТ ТХК ташкилоти мазкур Талабларга мувофиқ «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган ҳолда ТХК ишларининг тўғри бажарилишини таъминловчи тартиблар ва технологияларни белгилаши шарт. Бу тартиблар инсон омилининг аспекти ва инсоннинг руҳий-жисмоний хусусиятларини ҳисобга олиши ҳамда мазкур Талабларнинг 8-параграфига мувофиқ, ХК ёки компонентларнинг эксплуатацияга қўйилишини таъминлаш билан ишларни бажариш учун аниқ буюртма ёки шартнома мавжуд бўлишини назарда тутиши керак.

Мазкур параграфнинг талабларига мувофиқ ташкилот томонидан ўрнатилган ёки ўрнатилиши лозим бўлган тартиблар ва технологиялар ТХК ишларини бажаришнинг барча аспекти ва шу жумладан махсус хизматларнинг жалб қилиниши ва бажарилишини назорат қилишни ўз ичига олиши лозим, шунингдек ташкилот ўзи қайси тартибга мувофиқ ишлашни хоҳласа, шундай тартибларни ўрнатиши лозим.

АТ ТХК ташкилоти ХКни тезкор ва даврий ТХК ишларига нисбатан кўп сонли хатоликларни камайтирувчи ўта масъулиятли функционал тизимлардаги ишларда хато ҳаракатларнинг олдини олувчи тартиб ўрнатиши зарур. Ўрнатилган тартиблар аниқ тур (ҳажм)даги ТХК ишларини бажаришда бир турдаги ХКнинг биттадан кўп функционал тизимида ўрнатилган бир неча бир турли компонентларни қисмларга ажратиш ва йиғишни талаб қиладиган ишларни ва текширишларни бажариш битта одамга рухсат берилмаслигини кафолатлаши лозим. Аммо ташкилотда кўрсатилган ишларни бажарадиган шахс битта бўлса, унда ташкилотнинг ишчи технологик карталарига барча бир турли ишлар тугатилгандан кейин бу шахс томонидан ишларнинг бажарилиши бўйича қўшимча назорат қилиш операцияси киритилиши шарт.

«Дававианазорат» инспекцияси ёки ХКни ишлаб чиқарувчи томонидан тасдиқланган ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда шикастланишларни баҳолаш ҳамда шаклни ўзгартириш ва таъмирлаш ишларининг бажарилишини таъминловчи ТХК тартиблари ва технологиялари ўрнатилган бўлиши шарт.

47. Ташкилот қуйидаги элементларни ўз ичига олган сифат тизимини яратиши лозим:

а) ХК ва/ёки компонентларга нисбатан ўрнатилган талабларнинг мувофиқлигини, тартиблар ва технологияларнинг тўғрилигини (улар бўйича ТХК ишларининг тўғри бажарилишини таъминлаш учун) ва учишга яроқлилик ҳолатида бўлган АТдан фойдаланилишини назорат қилиш учун мустақил аудиторлик текширувлари. Энг кичик ташкилотларда сифат тизимининг аудиторлик текширувларини ўтказиш бўлими мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган бошқа ташкилот билан ёки ҳужжат билан

тасдиқланувчи аудиторлик текширувларини ўтказиш бўйича тегишли билимларга ва қоникарли тажрибага эга бўлган бошқа жисмоний шахс билан тузилган шартнома асосида тузилиши мумкин;

б) мазкур Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсга ёки шахслар гуруҳига, шунингдек мазкур банднинг «а» кичик банди талабларига мувофиқ ўтказилган мустақил аудиторлик текширувларининг натижалари бўйича тузилган ҳисоботлар асосида тузатиш чораларининг ўз вақтида кўрилишини таъминловчи масъул раҳбарга тақдим этиладиган сифат соҳасидаги ҳисобот маълумотлари бўйича қайтадиган алоқа тизими.

§ 12. АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланма

48. АТ ТХК ташкилоти «Дававианазорат» инспекциясига қуйидаги маълумотлардан иборат бўлган АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасини (бундан кейинги ўринларда фаолият бўйича қўлланма деб юритилди) тақдим этиши зарур:

а) масъул раҳбар имзолаган, фаолият бўйича қўлланманинг қоидаларига биноан фаолиятни амалга оширганда ташкилотнинг мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқлиги тўғрисида декларация ва унда кўрсатилган барча қўлланмалар, шунингдек бу мувофиқликни талаб қилинган даражада мунтазам равишда ушлаб туриш мажбурияти. Агар масъул раҳбар ташкилотда биринчи шахс бўлмаса, бу шахс ҳам мазкур декларацияни имзолаши зарур;

б) мазкур Талабларнинг 11-параграфига биноан ташкилотнинг парвоз хавфсизлиги ва сифат соҳасидаги сиёсати;

в) мазкур Талабларнинг 4-бандига биноан тайинланган шахсларнинг исм-шарифлари ва лавозимларининг рўйхати, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг бўйсунуши кўрсатилган ҳолда ташкилотни бошқариш тузилмаси, шу жумладан АТ ТХК ташкилоти номидан тўғридан-тўғри «Дававианазорат» инспекциясига мурожаат қилиш ҳуқуқига эга бўлган масалалар;

г) муҳандис-техник ходимларнинг рўйхати;

д) ташкилот ходимлари таркибининг умумий тавсифи;

е) ташкилотнинг аризасида кўрсатилган ҳар бир манзилда жойлашган ишлаб чиқариш қувватларининг умумий тавсифи;

ж) сўралаётган тасдиқлаш соҳасига мувофиқ ташкилотдаги фаолият соҳасининг тавсифи;

з) мазкур Талабларнинг 15-параграфига биноан ташкилотдаги ўзгаришлар тўғрисида хабар бериш тартиби;

и) фаолият бўйича қўлланмага ўзгартиришлар киритиш тартиби;

к) мазкур Талабларга биноан ташкилотда ўрнатилган ва фаолият бўйича қўлланмада баён этилган сифат тартиблари ва тизими;

л) ташкилот ТХК хизматларини тақдим этадиган ХК эксплуатантлари ва/ёки АТ ТХК ташкилотлари билан ўзаро алоқа тартиби (агар шундайлар бўлса);

м) АТ ТХК ишларини бажаришга жалб қилинган субпудрат ташкилотлар билан ўзаро алоқа тартиби (агар шундай ташкилотлар бўлса);

н) АТга мунтазам ТХК станцияси ва/ёки АТга мунтазам ТХК бўйича ташқи станциялар билан ўзаро алоқа тартиби (агар шундай станциялар бўлса).

49. Фаолият бўйича қўлланма тасдиқланиши лозим бўлган фаолият соҳасини белгилаши керак (мазкур Талабларнинг иловасида фаолият турлари бўйича синфлар ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатлар тизимининг жадвали келтирилган).

50. АТ ТХК ташкилотининг жорий ҳолатини акс эттирувчи ўзгартиришлар ўз вақтида фаолият бўйича қўлланмага киритилиши керак. Фаолият бўйича қўлланма ва унга киритиладиган барча ўзгартиришлар «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилиши зарур.

51. Мазкур Талабларнинг 50-бандига риоя қилишни истисно қилмаган ҳолда, фаолият бўйича қўлланмага киритилган иккиламчи ўзгартиришларнинг тасдиқланиши қўлланманинг ташкилот томонидан ўрнатилган тартибларни бажариш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

§ 13. АТ ТХК ташкилотининг ҳуқуқлари

52. Фаолият бўйича қўлланмага мувофиқ АТ ТХК ташкилоти қуйидаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга:

а) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҲК ва/ёки компонентларга сертификатда кўрсатилган жойлашиш манзилида ва фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган АТ ТХК ишларини бажариш;

б) биринчи ташкилотнинг сифат тизими соҳаларида ишлайдиган, тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҲК ва/ёки компонентларга бошқа ташкилотда ТХК ишларининг бажарилишини ташкил этиш. Фаолиятнинг бу соҳаси мазкур Қоидаларга биноан бундай ТХК ишларини бажариш бўйича тасдиқлашларга эга бўлмаган ҳамда мазкур Талабларнинг 49-бандига мувофиқ чегараланган фаолият соҳасидаги ташкилотлар томонидан ишларнинг бажарилишига оиддир. Фаолиятининг бу соҳасига ҲКга даврий ТХК ёки двигатель ёхуд унинг модулини режали назорат кўригидан ўтказиш ёки таъмирлаш ишларининг тўла ҳажмини киритишга йўл қўйилмайди;

в) тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҲК ва/ёки компонентларга ТХК зарур бўлган ёки аниқланган тўхтаб қолишлар ва шикастланишларни бартараф этиш ёхуд тезкор ТХКни бажариш вақтидаги кутилмаганда юзага келган заруриятни таъминлаш учун бу ишларни ҳар қандай жойларда фаолият бўйича қўлланманинг қоидаларига риоя қилган ҳолда бажариш;

г) фақат мураккаб бўлмаган ТХК турларини бажариш имкони бўлган тезкор ТХК пункти деб белгиланган жойларда тасдиқлаш сертификати берилган ҳар қандай ҲК ва/ёки компонентларга ТХКни бажариш, бунда фаолият бўйича қўлланма бундай жойларнинг рўйхатини ўз ичига олган бўлиши ва у жойларда кўрсатилган ишларни бажариш имконини бериши шарт;

д) мазкур Талабларнинг 8-параграфига биноан ТХК тугатилганидан сўнг ТХК тўғрисида гувоҳномани расмийлаштириш.

§ 14. АТ ТХК ташкилотининг ишлар тури бўйича чекловлар

53. АТ ТХК ташкилоти фақатгина ТХК ишларини бажариш учун ТХК ҳужжатлари, ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар, асбоблар ва рухсат берувчи ходимлар мавжуд бўлгандагина тасдиқлаш сертификати берилган ХК ва/ёки компонентларга ТХК ишларини бажариши мумкин.

§ 15. Тасдиқланган АТ ТХК ташкилотида ўзгаришлар

54. «Дававианазорат» инспекцияси мазкур Қоидаларнинг талабларига доимий мувофиқликни ўрната олиши ва зарурат бўлганида тасдиқлаш сертификатида ўзгартиришлар кирита олиши учун, АТ ТХК бўйича тасдиқланган ташкилот барча режалаштирилаётган қўйидаги ўзгартиришлар тўғрисида, улар киритилмасидан олдин хабар бериши зарур (рахбариятга штатларда бўладиган ўзгартиришлар олдиндан номаълум бўлган ҳоллар бундан истисно бўлиб, бу ўзгартиришлар тўғрисида имкони борича қисқа муддатда хабарнома юборилади):

- а) ташкилотнинг номи;
- б) ташкилотнинг жойлашган ери;
- в) масъул раҳбар;
- г) мазкур Талабларнинг 4-бандига мувофиқ тайинланган ҳар қандай шахс;
- д) тасдиқлашга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш бинолари, жиҳозлар, асбоблар, материаллар, иш тартиблари, технологиялари ва рухсат берувчи ходимлар.

АТ ТХК ташкилотига
қўйиладиган талабларга
ИЛОВА

АТ ТХК ташкилотларининг фаолият турлари бўйича синфлари ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатлар тизими

1. Мазкур Қоидаларнинг чегараларида фойдаланиладиган ишларнинг турлари бўйича стандартлаштирилган АТ синфлари ва ишларни бажаришга бериладиган рухсатларнинг тўла рўйхати «АТ ТХК ташкилотларига фаолият турлари бўйича бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими» (бундан буён — Рухсатлар тизими)нинг иловасида келтирилган.

АТ ТХК ташкилоти тегишли чекловлар билан тасдиқланган рухсатларни олиши керак (бир синфда битта рухсат билан барча синфларда ҳамма рухсатларгача бўлган ораликда бўлиши мумкин).

2. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилотлари «АТ ТХК ташкилотларига фаолият турлари бўйича берилди-

ган рухсатларни таснифлаш тизими» жадвалидаги рухсатларга қўшимча тариқасида фаолият соҳасини АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмада мазкур Рухсатлар тизимининг 11-банди ҳисобга олинган ҳолда кўрсатиши шарт.

3. «Дававианазорат» инспекцияси томонидан тасдиқланган ишларнинг турлари бўйича синфлар ва рухсатлар чегараларида АТ ТХК ташкилотининг фаолияти бўйича қўлланмасида кўрсатилган фаолият соҳаси тасдиқлашнинг аниқ чегараларини аниқлайди. Шунинг учун ҳам ишларнинг синфлар ва бериладиган рухсатлар ҳамда АТ ТХК ташкилотининг фаолият соҳаси бири бири билан уйғунлашган бўлиши лозим.

4. «А» тоифали рухсат синфи мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти фақат ХК бортидан компонентлар демонтаж қилинмаган ҳолда ХК ва компонентларига (шу жумладан двигатель ва/ёки куч ўрнатмаларига) ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Агар бундай демонтаж «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган фаолият бўйича қўлланмада назорат тартиблари кўрсатилган бўлса ва ТХКнинг бажарилиш имконини таъминлаш мақсадида ХКни эксплуатация қилиш ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри рухсат этилган бўлса, ТХК вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш ҳоллари бундан мустасно. Чекловлар бўлими ТХК бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди.

5. «В» тоифали рухсат синфи мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти демонтаж қилинган двигатель ва/ёки ЁКЎларга фақат двигатель ва/ёки ЁКЎлардан компонентлар демонтаж қилинмаган ҳолда ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Агар бундай демонтаж ТХКнинг бажарилиш имконини таъминлаш мақсадида двигателларни ва/ёки ЁКЎни эксплуатация қилиш ҳужжатлари билан тўғридан-тўғри рухсат этилган бўлса, ТХК вақтида компонентларни вақтинча демонтаж қилиш ҳоллари бундан мустасно. Чекловлар бўлими ТХК бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти шунингдек, назорат бўйича тегишли тартиблар фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган бўлса, тезкор ва даврий ТХК вақтида ХКга ўрнатилган двигатель ва/ёки ЁКЎларга ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги АТ ТХК ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳаси «Дававианазорат» инспекцияси томонидан рухсат берилган фаолият турларини акс эттириши лозим.

6. «С» тоифали рухсат синфи мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ХК бортидан демонтаж қилинган ва ХКга ўрнатиш учун мўлжалланган компонентларга ёки двигатель ва/ёки ЁКЎларга ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эгалигини билдиради. Чекловлар бўлими ТХК бўйича бундай ишларнинг баёнини ўз ичига олади ва бу тасдиқлашнинг амал қилиш доирасини белгилайди. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган «С» тоифали рухсат синфидаги тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти шунингдек, назорат бўйича тегишли тартиблар

фаолият бўйича қўлланмада кўрсатилган бўлса, тезкор ва даврий ТХК вақтида ХКга ўрнатилган компонентларга ёки двигатель ва/ёки ЁКЎларга ТХК ишларини бажариш базасида ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эга. Фаолият бўйича қўлланмадаги АТ ТХК ташкилотининг тасдиқланган фаолият соҳаси «Дававианазорат» инспекцияси томонидан рухсат берилган фаолият турларини акс эттириши лозим.

7. «D» тоифали рухсат синфи тавсифларни талаб қилмайди ва аниқ бир ХК, двигатель ёки компонент билан боғлиқ бўлиши шарт эмас. «D1» тоифали рухсат синфи — путур етказилмайдиган назорат (Non-Destructive Testing — NDT) фақат мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган, бошқа ташкилотга хизмат кўрсатишда путур етказмасдан амалга ошириладиган назоратни қўллайдиган АТ ТХК ташкилоти учун зарурдир. «А», «В» ёки «С» тоифали рухсат синфларига эга бўлган, мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ўзининг фаолият бўйича қўлланмасида путур етказилмайдиган назоратнинг тегишли тартиблари ва технологиялари мавжуд бўлса, «D1» тоифали рухсат синфини олмасдан туриб, путур етказилмайдиган назорат услубларини қўллаган ҳолда АТ ТХК ишларини бажариш ҳуқуқига эга.

8. «А» тоифали рухсат синфлари «Тезкор ТХК — ТТХК» ёки «Даврий ТХК — ДТХК»ларга бўлинади. Мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти даврий ТХК бўйича, тезкор ТХК бўйича ёки иккала тоифа бўйича ҳам тасдиқланган бўлиши мумкин. Шунини қайд қилиш лозимки, асосий база ҳудудида жойлашган тезкор ТХК хизмати тезкор ТХК тоифаси бўйича тасдиқланиши талаб қилинади.

9. «Чекловлар» бўлими аниқ бир ташкилотнинг тасдиқланишини шакллантиришда «Дававианазорат» инспекциясининг янада кўпроқ ён босиб ҳаракат қилиши учун мўлжалланган. «АТ ТХК ташкилотларига фаолият турлари бўйича бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими» жадвали кўйилиши мумкин бўлган чекловларнинг турларини белгилайди, бунда ТХК ишларининг турлари ҳар бир рухсат синфида охириги навбатда ёзилади, шунинг учун аниқ бир АТ ТХК ташкилоти учун зарур бўлса, ХК ёки двигательни ишлаб чиқарувчи ёки турига эмас, балки айнан ТХК ишларига урғу кўйиш мумкин.

10. Чекловлар бўлимининг «АТ ТХК ташкилотларига фаолият турлари бўйича бериладиган рухсатларни таснифлаш тизими» жадвалида «А» ва «В» тоифали рухсат синфлари учун туркум (серия), тури ва гуруҳи бўйича ҳаволалардан иборат. «Туркум» сўзи бир хил турдаги ХК ва/ёки двигательларнинг мажмуини билдиради, масалан, Airbus-300, Airbus-310, Airbus-319 ёки Boeing 737-300 ёхуд RB211-524 ва ҳ. к. «Тур» сўзи Airbus 310-240 ёки RB 211-524В4 ва ҳоказолардек аниқ бир тур ёки моделни билдиради. Бундай туркумлар ёки турларнинг ҳар қандай сони кўрсатилиши мумкин. «Гуруҳ» эса, масалан, бир двигательли поршенли Cessna самолётлари ёки турбинасига ҳаво оқими пуфланмайдиган Lycoming поршенли двигательлар ва ҳоказоларни билдиради.

11. Тез-тез ўзгартиришлар киритилмайдиган ишлаб чиқариш имкониятла-

рининг кенгайтирилган рўйхатида бундай ўзгартиришлар «Дававианазорат» инспекцияси билан келишилган ва фаолият бўйича қўлланмада акс эттирилган тартибларга мувофиқ киритилиши зарур. Ушбу тартиблар ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхати (capability list)ни олиб бориш, ўзгартиришларни киритишни назорат қилиш ва булар учун зарур бўлган ҳаракатлар бўйича жавобгар шахсни аниқлаши лозим. Бу ҳаракатлар рўйхатга киритиладиган маҳсулотлар ва ишлар турига қўлланилувчи мазкур Қоидаларнинг мувофиқлигининг таъминланишини ўз ичига олади.

12. Барча ТХК ишларини режалаштириш ва бажариш учун фақат битта ходимни ёллайдиган, мазкур Қоидаларнинг талабларига мувофиқ тасдиқланган АТ ТХК ташкилоти ишлар тури бўйича чегараланган рухсатлар сонига эга бўлиши мумкин. Рухсат берилувчи чегаралар қуйидагилардан иборат:

Синф: Ҳаво кемаси	A2 рухсати — самолётлар	Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан кўп бўлмаган поршенли самолётлар ДТХК ва ТТХК
Синф: Ҳаво кемаси	A2 рухсати — самолётлар	Газ турбинали двигателлар ўрнатилган, учиб чиқиш вазни 5700 кг дан кўп бўлмаган самолётлар ТТХК
Синф: Ҳаво кемаси	A3 рухсати — вертолётлар	Учиб чиқиш вазни 3175 кг дан кўп бўлмаган, бир двигателли вертолётлар ДТХК ва ТТХК
Синф: Ҳаво кемаси	A4 рухсати — A1, A2 ВА A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҲКлар	Чекланмаган
Синф: Ҳаво кемаси	B2 рухсати — поршенли двигателлар	Қуввати 450 л. с. дан паст
Синф: компонентлар, йиғилган ҳолдаги асосий авиация двигатели ва ЁКЎ бундан мустасно	C1 ...C20 рухсатлари	Ишлаб чиқариш имкониятларининг рўйхати бўйича
Синф: Махсус ишлар	D1 рухсати — путур етказилмасдан амалга ошириладиган назорат	Путур етказилмасдан амалга ошириладиган назоратнинг услублари кўрсатилади

Берилган АТ ТХК ташкилотининг ишлаб чиқариш имкониятларидан келиб чиққан ҳолда бундай ташкилотга «Дававианазорат» инспекциясининг тасдиқланган фаолият соҳаси жиҳатидан қўшимча чекловлари қўйилиши мумкин.

АТ ТХК ташкилотларининг фаолият турлари
бўйича синфлари ва ишларни бажаришга
бериладиган рухсатлар тизимига
ИЛОВА

**АТ ТХК ташкилотларига фаолият турлари бўйича
бериладиган рухсатларни таснифлаш
ТИЗИМИ**

КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДТХК	ГТХК
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши			
ҲАВО КЕМАЛАРИ	A1	Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлган самолётлар	ҲК туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
	A2	Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлмаган самолётлар	ҲК ни ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
	A3	Вертолётлар	ҲК ни ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
	A3	A1, A2 ва A3 тоифаларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кемалари	ҲК нинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ	B1	Газотурбинали двигателлар (ГТД)	ГТД нинг туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
	B2	Поршенли двигателлар (ПД)	ПД ни ишлаб чиқувчилар, туркуми, тури ёки гуруҳи ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		
	B2	Ёрдамчи куч ўрнатмалари (ЁКЎ)	ЁКЎ ни ишлаб чиқувчилар, туркуми ёки тури ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади		

КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	АТА / ГОСТ 18675 бўйича код
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши		
ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНГАН КОМПОНЕНТЛАР, ЙИҒИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ВА ЁКЎ БУНДАН МУСТАСНО	C1	Кабина ҳавосини намлаш ва босимини тартибга солиш тизимлари	ҲК ва/ёки компонентлар ёхуд аниқ компонентлар ва/ёки ташкилотнинг фаолият бўйича қўлланмасида ишлаб чиқариш имкониятлари рўйхати ва қайтарма ҳаволалар ва/ёки бажариладиган ТХК турлари кўрсатилади	021
	C2	Автопилотлар	Худди шундай	022
	C3	Алоқа ва навигация жиҳозлари	Худди шундай	023, 034
	C4	Эшиклар ва люклар	Худди шундай	052
	C5	Электр токи билан таъминлаш тизимлари	Худди шундай	024
	C6	Маиший ва махсус жиҳозлар	Худди шундай	025, 038, 045
	C7	Двигатель ва ЁКЎ тизимлари	Худди шундай	049, 071 дан 083 гача
	C8	ҲК ни бошқариш тизимлари	Худди шундай	027, 055, 057.40 дан 057.70 гача

КЛАСС	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	АТА / ГОСТ 18675 бўйича код
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши		
	C9	Ёнилги-платнер тизими	Худди шундай	028
	C10	Вертолётларнинг асосий винглари	Худди шундай	062, 064, 066, 067
	C11	Вертолётларнинг трансмиссиялари	Худди шундай	063, 065
	C12	Гидротизимлар	Худди шундай	029
	C13	Асбоб-жиҳозлар	Худди шундай	031
	C14	Шасси	Худди шундай	032
	C15	Кислород жиҳозлари	Худди шундай	035
	C16	Ҳаво винглари	Худди шундай	061
	C17	Пневмотизимлар	Худди шундай	036, 037
	C18	Музлашга қарши ва ёнгинга қарши тизимлар	Худди шундай	026, 030
	C19	Деразалар	Худди шундай	056
	C20	Планернинг конструкцияси	Худди шундай	053, 054, 057.10, 057.20, 57.30
МАХСУС ИШЛАР ТУРИ	D1	Путур етказилмасдан амалга оширилувчи назорат	Аниқ ишлар ёки иш ва хизматлар тури кўрсатилади	

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация
техникасига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотларини сертификатлаш» авиация
қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)га
3-ИЛОВА

**Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотини тасдиқлаш
СЕРТИФИКАТИ**

Ўзбекистон Республикаси Герби

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАРВОЗЛАР ХАВФСИЗЛИГИНИ
НАЗОРАТ ҚИЛИШ ДАВЛАТ ИНСПЕКЦИЯСИ**

ТАСДИҚЛАШ СЕРТИФИКАТИ

РАҚАМИ: ЎзР АҚ-145ТХК.ХХ

Ўзбекистон Республикасининг фуқаро авиацияси соҳасидаги қонунчилигига ва қуйида
келтирилган шартларга мувофиқ

**[ЮРИДИК ШАХСНИНГ НОМИ],
[ЮРИДИК ШАХСНИНГ ЖОЙЛАШГАН ЕРИ]**

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК) талабларига биноан
авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти сифатида тасдиқланади ва илова
қилинаётган тасдиқланган фаолият соҳалари рўйхатида кўрсатилган авиация техникаси
маҳсулотларига техник хизмат кўрсатиш ҳамда юқорида кўрсатилган тасдиқлаш сертификати
рақамини кўрсатган ҳолда техник хизмат кўрсатилганлиги тўғрисида гувоҳнома бериш
ҳуқуқига эга.

ШАРТЛАР:	
<p>1. Ушбу тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК) талаблари бўйича тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмасига мувофиқ тасдиқланган фаолият соҳаларида чегараланган.</p> <p>2. Ушбу тасдиқлаш Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК) талаблари бўйича тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмасига мувофиқ тасдиқланган тартиблар ва технологияларга риоя қилинган ҳоллардагина ҳақиқийдир.</p> <p>3. Ушбу тасдиқлаш тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилоти томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)нинг барча талабларига риоя қилинган ҳоллардагина ҳақиқийдир.</p> <p>4. Юқорида кўрсатилган шартларга риоя қилинган ҳолларда ушбу тасдиқлаш сертификати тўхтатиб қўйилганича ёки бекор қилинганунча ўз кучини сақлаб қолади.</p>	
Берилиш санаси:	йил/сана/ой
Амал қилиш муддати:	йил/сана/ой (дан) йил/сана/ой (гача)
М.Ў.	
Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлиғи _____ Имзо, Ф.И.О.	

Ўзбекистон Республикасининг «Авиация
техникасига техник хизмат кўрсатиш
ташкилотларини сертификатлаш» авиация
қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)га
4-ИЛОВА

ТАСДИҚЛАНГАН ФАОЛИЯТ СОҲАЛАРИ РЎЙХАТИ					
Ташкилотнинг номи: АВИАЦИЯ ТЕХНИКАСИГА ТЕХНИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАШКИЛОТИ [ЮРИДИК ШАХСНИНГ НОМИ]					
Сертификатнинг рақами: ЎзР АҚ -145ТХК.ХХ					
СИНФ	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДТХК	ТТХК
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши			
ҲАВО КЕМАЛАРИ	A1	Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлган самолётлар			
	A2	Учиб чиқиш вазни 5700 кг дан юқори бўлмаган самолётлар			
	A3	Вертолётлар			
	A3	A1, A2 ва A3 тоифа- ларига тааллуқли бўлмаган ҳаво кема- лари			

СИНФ	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	ДТХК	ТТХК
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши			
АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛЛАРИ	B1	Газотурбинали двигателлар (ГТД)			
	B2	Поршенли двигателлар (ПД)			
	B2	Ёрдамчи куч ўрнатмалари (ЁКЎ)			
СИНФ	БЕРИЛГАН РУХСАТ		ЧЕКЛОВЛАР	АТА / ГОСТ 18675 бўйича код	
	Тоифа	АТ тури ёки ишларнинг кўриниши			
ДЕМОНТАЖ ҚИЛИНГАН ҚОМПОНЕНТЛАР, ЙИГИЛГАН ҲОЛДАГИ АСОСИЙ АВИАЦИЯ ДВИГАТЕЛИ ВА ЁКЎ БУНДАН МУСТАСНО	C1	Кабина ҳавосини намлаш ва босимини тартибга солиш тизимлари			
	C2	Автопилотлар			
	C3	Алоқа ва навигация жиҳозлари			
	C4	Эшиклар ва люклар			
	C5	Электр токи билан таъминлаш тизимлари			
	C6	Маиший ва махсус жиҳозлар			
	C7	Двигатель ва ЁКЎ тизимлари			
МАХСУС ИШЛАР ТУРИ	C8	ҲК ни бошқариш тизимлари			
	C9	Ёнилғи-планер тизими			
	C10	Вертолётларнинг асосий винтлари			
	C11	Вертолётларнинг трансмиссиялари			
	C12	Гидротизимлар			
	C13	Асбоб-жиҳозлар			
	C14	Шасси			
	C15	Кислород жиҳозлари			
	C16	Ҳаво винтлари			
	C17	Пневмотизимлар			
	C18	Музлашга қарши ва ёнғинга қарши тизимлар			
	C19	Деразалар			
	C20	Планернинг конструкцияси			
D1	Путур етказмасдан амалга оширилувчи назорат				

Ушбу тасдиқланган фаолият соҳалари ишларни бажариш жойида (жойнинг номи) амал қилади ва Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қондаларининг (ЎзР АҚ-145ТХК) талаблари бўйича тасдиқланган авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмасининг тегишли бўлимида кўрсатилган маҳсулотлар ва ишларнинг турлари билан чегараланган.

Ҳавола. Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотининг фаолият бўйича қўлланмаси:

Тасдиқлаш санаси: _____ Охирги ўзгартириш рақами _____

Берилган сана: _____ йил/сана/ой

Амал қилиш муддати: _____ йил/сана/ой (гача)

М.Ў.

«Дававианазорат» инспекцияси
масъул шахсининг лавозими

имзо, Ф.И.О.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ҲУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

126 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919*

(2009 йил 19 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»-ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда) ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга (Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорлари тўплами, 1996 й., 3-сон, 11-модда) мувофиқ **буюраман:**

1. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 4 март,
2009-18-сон

Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини
мувофиқлаштириш ва назорат қилиш
маркази Бош директорининг
2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сон
буйруғи билан
ТАСДИҚЛАНГАН

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисида НИЗОМ

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 278-модда), бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида амалга оширилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш, ҳамда уларнинг қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари томонидан рўйхатга олиниши тартибини белгилайди.

Мазкур Низомнинг талаблари акциялар, корпоратив облигациялар ва қимматли қоғозларнинг ҳосилалари билан биржадан ташқари битимларга татбиқ этилади.

І. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

қимматли қоғозларнинг гарови (кейинги ўринда — гаров) — бир шахснинг бошқа шахсга қимматли қоғозларни ёки уларга бўлган ҳуқуқларни мажбуриятларни таъминлаш учун бериши;

гаровга олувчи — гаров билан таъминланган мажбурият бўйича кредитор;

гаровга қўювчи — гаровга берилган қимматли қоғозларнинг эгаси;

уюлмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозори — фонд биржалари, бошқа биржаларнинг фондли бўлимлари ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиларининг савдо тизими (савдо майдончаси)дан ташқарида қимматли қоғозларни жойлаштириш ва уларнинг муомалада бўлиш доираси, шунингдек қимматли қоғозларнинг гарови;

қимматли қоғозларни бегоналаштирувчи (кейинги ўринда — бегоналаштирувчи) — қимматли қоғозларнинг эгаси бўлган ҳолда қимматли қоғозлар билан уларнинг эгаси алмашинувига олиб келадиган биржадан ташқари битимларни тузган юридик ёки жисмоний шахс, мерос қилиб берувчи, ҳадя берувчи, шунингдек ўз қимматли қоғозларини уларнинг биринчи эгаларига бегоналаштириш юзасидан биржадан ташқари битимларни тузган акциядорлик жамияти;

қимматли қоғозларни олувчи (кейинги ўринда — олувчи) — бего-

налаштирувчидан қимматли қоғозларни олган юридик ёки жисмоний шахс, шунингдек меросхўр, ҳада олувчи;

рўйхатга олувчи — қонун ҳужжатларига мувофиқ уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорига тузилган қимматли қоғозлар билан битимлар (кейинги ўринда — қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар)нинг рўйхатга олиншини амалга оширувчи депозитарий;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим томони — қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимни тузаётган ёки тузган шахс.

трансфер-агент — қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни ҳисобга олиш тизимига тааллуқли ҳужжатларни қабул қилиш, уларга ишлов бериш ва уларни топшириш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахс;

қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;

бегоналаштирувчининг, олувчининг, гаровга қўювчининг ваколатли вакили (кейинги ўринда — ваколатли вакил) — юридик шахснинг мансабдор шахси, жисмоний ёки юридик шахснинг ваколатли шахси, инвестиция активларини ишончли бошқарувчисининг мансабдор шахси;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри — рўйхатга олувчи томонидан барча рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган қоғоз ва электрон шаклдаги журнали.

2. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар ёзма шаклда тузилади ва қуйидаги ҳолларда ушбу Низомда белгиланган тартибда рўйхатга олинishi лозим:

қимматли қоғозлар олди-сотди шартномаларини тузиш йўли билан биринчи эгаларига бегоналаштирилганда;

акциядорлик жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олинганда;

қимматли қоғозларни юридик шахсларнинг устав фондига киритилганда;

айирбошланганда;

ҳада берилганда;

мерос қилиб берилганда;

гаровга қўйилганда;

эгасининг алмашинувига олиб келадиган бошқа қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузилганда.

II. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари тузиладиган битимларга нисбатан қўйиладиган талаблар

3. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузиш ва уларнинг рўйхатга олинishiга қуйидаги ҳолларда йўл қўйилмайди:

чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатга олин-

маган ёхуд бекор қилинган, амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган;

уларни тузиш вақтида бегоналаштирувчининг ихтиёрида мавжуд бўлмаган;

уларни тузиш вақтида жойлаштирилиши ёки муомаласи тўхтатиб турилган;

гаров ёки бошқа мажбуриятлар юклатилган (агарда шартномада бошқача қоида белгиланмаган бўлса);

қонун ҳужжатларига мувофиқ жойлаштирилиши ва муомалада бўлишига чекловлар қўйилган;

улар депозитарийга берилгунга қадар бланк ва сертификат шаклида чиқарилган;

уларнинг тўлиқ тўловига қадар улар эгалари депо ҳисобварағида мавжуд бўлган;

иккиламчи уюшмаган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида очик акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдиси бўйича, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

4. Фонд биржалари ва қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдолар ташкилотчиларининг савдо тизимларидан ташқарида иккиламчи бозорда тузилган очик акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотди битимлари ҳақиқий эмас деб топилади, акциядорлик жамиятлари томонидан ўз акцияларини сотиб олиш бўйича битимлар бундан мустасно.

5. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим томонларининг мажбуриятлари бажарилиши фақат уни мазкур Низомда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан кейингина амалга оширилади.

III. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш

6. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш ушбу қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларни тасдиқлашни ва уларнинг ҳисобини юритишни амалга оширувчи рўйхатга олувчи томонидан бажарилади.

7. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш у тузилган вақтда амалга оширилади (давлатга тегишли бўлган қимматли қоғозлар кўринишидаги давлат активларини бегоналаштириш бўйича қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар, нотариал тасдиқланган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар, ҳужжатлари трансфер-агент томонидан етказиб бериладиган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар, шунингдек гаровга қўйилиши бундан мустасно).

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни тузган томонлари ёхуд уларнинг ваколатли вакиллари, трансфер-агенти томонидан, қимматли қоғозлар кўринишидаги давлат активларини

бегоналаштириш бўйича қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар рўйхатга олинган ҳолда эса — қимматли қоғозлар кўринишидаги давлат активларини бошқариш бўйича давлат ваколат берган юридик шахснинг (кейинги ўринда — давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахс) тегишли тузилмавий бўлинмаси раҳбари томонидан берилиши мумкин.

Ваколат берилган вакилларнинг ваколоти қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тегишли равишда расмийлаштирилган бўлиши лозим.

8. Нотариал тасдиқланган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш, унинг нотариус томонидан тасдиқланган кундан бошлаб беш иш кунидан кеч бўлмаган муддатда амалга оширилади (тегишли ҳужжатлар рўйхатга олувчига тақдим этилган вақтда рўйхатга олиниши амалга ошириладиган мерос қилиб бериш бўйича қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар бундан мустасно).

9. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни у тузилган вақтда рўйхатга олинишини амалга ошириш учун рўйхатга олувчи қуйидаги ҳаракатларни амалга ошириши:

бегоналаштирувчи ва олувчининг ёки уларнинг ваколатли вакили (вакиллари) шахсининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томони ҳисобланган, ёхуд қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томони ҳисобланган юридик шахснинг ваколат берилган вакили бўлган жисмоний шахсни тасдиқлаш, қуйидаги ҳужжатлардан бири бўйича амалга оширилади: паспорти, ҳарбий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан берилган шахсий гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ички ишлар органлари томонидан истиқомат учун берилган гувоҳномаси. Вояга етмаган шахсини тасдиқлаш унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва унинг ота-онаси ёки васийлари паспорти бўйича амалга оширилади;

бегоналаштирувчи ва олувчининг ваколат берилган вакилининг ваколатини текшириши;

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатда кўрсатилган тегишли турдаги бегоналаштирилаётган қимматли қоғозларнинг зарур бўлган сонининг бегоналаштирувчида мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши;

ушбу Низомнинг 3-бандида назарда тутилган талабларга риоя этилишини текшириши лозим.

10. Рўйхатга олувчи томонидан қимматли қоғозлар билан тузилган биржадан ташқари битимларнинг ушбу Низомнинг 9-банди талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, рўйхатга олувчи бегоналаштирувчининг депо ҳисобварағида мавжуд бўлган бегоналаштирилаётган қимматли қоғозларни блокировка қилади.

Бегоналаштирувчи ва олувчи ёки уларнинг ваколатли вакиллари рўйхатга олувчи иштирокида қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартномани ёки бошқа ҳужжатни

имзолайдилар, бунда юридик шахс ваколатли вакилининг имзоси у ифода-лаётган юридик шахснинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Бегоналаштирувчи ва олувчи (ёки уларнинг ваколатли вакиллари) томонидан рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган шартнома ёки бошқа ҳужжат имзоланганидан кейин рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига тегишли ёзув киритиш орқали қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олинишини амалга оширади.

11. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонлари (томони)нинг хоҳиш-истакларини тасдиқловчи шартнома ёки бошқа ҳужжатнинг барча нусхаларига рўйхатга олувчининг қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ваколатли ходими, рўйхатга олувчининг қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш санаси ва жойи тўғрисида қайд этадиган рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) штампни босмасини қўйиб чиқади, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри бўйича тартиб рақамини кўрсатади ва рўйхатга олувчининг асосий муҳри билан тасдиқланадиган имзосини қўяди.

Рўйхатга олувчи рўйхатга олинган ҳужжатнинг бир нусхасини ўзида қолдиради, қолган нусхаларини қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонларига беради.

12. Депозитарийларга қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг тузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида уларни рўйхатдан ўтказмасдан туриб (агарда ушбу Низомга мувофиқ уларни рўйхатдан ўтказиш талаб этилса), депо ҳисобварақлари бўйича қимматли қоғозларнинг ўтказилишини амалга ошириш тақиқланади.

13. Рўйхатга олувчининг кўрсатилган хизмати тўловлари қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг тузилганлик фактини мустаҳкамловчи ҳужжатларда олдиндан келишилган тартибда ва муддатларда, ёхуд алоҳида тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Мерос қилиб бериш бўйича нотариал тасдиқланган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олиниши учун тўловлар ундирилмайди.

14. Агарда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим ушбу Низом ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартиби бузилган ҳолда тузилган бўлса, рўйхатга олувчи дарҳол рад этиш сабаблари (ушбу битим томони ёки томонларининг талабига биноан ёзма шаклда ҳам) тушунтирилган ҳолда қимматли қоғозлар билан тузилган биржадан ташқари битимларни рўйхатга олишни рад этиши ва уч кун муддатда қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини ёзма шаклда хабардор қилиши шарт.

15. Рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимнинг шартлари улар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилгунига қадар ўзгарган ҳолда, ушбу битим томонлари қўшимча келишувни имзолайдилар.

Олдинги рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимга қўшимча келишувнинг рўйхатга олинishi умумий жорий қилинган тартибда амалга оширилади.

Рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимнинг шартлари улар бўйича мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилгунига қадар ўзгарганда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистридаги ёзув, мажбурий тартибда олдинги рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим рақамига асослантиришни ўз ичига олиши лозим.

IV. Трансфер-агентни жалб этиш орқали тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиншининг ўзига хос хусусиятлари

16. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатдан ўтказилиши учун ҳужжатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда трансфер-агент томонидан етказиб берилиши мумкин.

Трансфер-агент қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатларни қабул қилишни, ҳисобини юритишни, сақланишини ҳамда қабул қилиб олинган ҳужжатларни рўйхатга олувчига етказилишини таъминлайди.

17. Трансфер-агент қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун кўзда тутилган ҳужжатларни қабул қилиш учун қўйидаги ҳаракатларни амалга ошириши:

бегоналаштирувчининг, олувчининг, гаровга қўювчининг ёки уларнинг ваколатли вакили (вакиллари) шахсининг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиши. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томони ҳисобланган, ёхуд қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томони ҳисобланган юридик шахсининг ваколат берилган вакили бўлган жисмоний шахсни тасдиқлаш, қўйидаги ҳужжатлардан бири бўйича амалга оширилади: паспорти, ҳарбий гувоҳномаси ёки Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан берилган шахсий гувоҳномаси, фуқаролиги бўлмаган шахсларга ички ишлар органлари томонидан истиқомат учун берилган гувоҳномаси. Вояга етмаган шахсини тасдиқлаш унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ва унинг ота-онаси ёки васийлари паспорти бўйича амалга оширилади;

бегоналаштирувчи, олувчи, гаровга қўювчи ваколатли вакилининг ваколатини текшириши;

бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) депозитарийсига бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) ҳисобварағидаги «Қимматли қоғозларни биржадан ташқари битимларни тузиш учун блокировка қилиш тўғрисида»-ги топшириқни юбориши лозим.

18. Бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) депозитарийси тегишли турдаги бегоналаштириладиган (гаровга қўйиладиган) қимматли қоғозлар-

нинг зарур бўлган сонининг бегоналаштирувчида (гаровга қўювчида) мавжудлигини, ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган талабларга риоя этилишини текширганидан сўнг бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) депо ҳисобварағидаги бегоналаштирилаётган (гаровга қўйилаётган) қимматли қоғозларни блокировка қилади ва «Биржадан ташқари битимларни амалга ошириш учун қимматли қоғозларни блокировка қилиш тўғрисида»ги топшириқнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни трансфер-агентга юборади.

19. Трансфер-агентнинг «Биржадан ташқари битимларни амалга ошириш учун қимматли қоғозларни блокировка қилиш тўғрисида»ги топширигини бажаришнинг имкони бўлмаган ҳолда бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) депозитарийси шартномада белгиланган муддатларда топшириқни бажаришни асосланган рад этиш жавобини трансфер-агентга юборади.

20. Трансфер-агент томонидан биржадан ташқари битимларни тузиш учун қимматли қоғозларни блокировка қилиш тўғрисидаги топшириқнинг бажарилиши ҳақидаги тасдиқ олинганидан кейин қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонлари қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни амалга ошириш учун трансфер-агент иштирокида шартномани ёки бошқа ҳужжатни имзолайдилар, бунда юридик шахс ваколатли вакилининг имзоси у ифодаляётган юридик шахснинг асосий муҳри билан тасдиқланган бўлиши лозим.

21. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томони (томонлари)нинг хоши-истакларини тасдиқловчи имзоланган ҳужжатнинг барча нусхаларига трансфер-агентнинг қимматли қоғозлар бозори мутахассиси малака гувоҳномасига эга бўлган ваколатли ходими, трансфер-агентнинг бегоналаштирувчи ва олувчининг имзолари ва ваколатларининг ҳақиқийлиги кафолати тўғрисида қайд этадиган рўйхатга олиш (ҳисобга олиш) штамп босмасини қўйиб чиқади ва трансфер-агентнинг асосий муҳри билан тасдиқланадиган имзосини қўяди.

22. Бегоналаштирувчининг (гаровга қўювчининг) депозитарийсидан «Биржадан ташқари битимларни тузиш учун қимматли қоғозларни блокировка қилиш тўғрисида»ги топшириқни бажаришни рад этиш жавоби олинган ҳолда трансфер-агент ушбу битимларни тузиш бўйича ҳужжатларни қабул қилишни рад этиш тўғрисидаги далолатномани тузади. Трансфер-агент томонидан тасдиқланган ушбу далолатноманинг нусхаси мазкур битимлар томонларига уларнинг расмий талабига кўра берилиши мумкин.

23. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун трансфер-агент томонидан ҳужжатлар етказиб берилганидан кейин рўйхатга олувчи ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган талабларга риоя этилишини текширишни амалга оширади.

24. Рўйхатга олувчи томонидан трансфер-агентни жалб қилган ҳолда қимматли қоғозлар билан тузилган биржадан ташқари битимларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига тегишли ёзув киритиш орқали бундан битимларнинг рўйхатга

олинишини амалга оширади ҳамда ушбу Низомнинг 11-бандига мувофиқ ҳаракатларни бажаради.

V. Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслари томонидан тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олинишининг ўзига хос хусусиятлари

25. Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслар қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузадилар.

26. Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслар томонидан тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш, улар тузилганидан кейин икки иш куни давомида амалга оширилади.

27. Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахслар ўзлари томонидан қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тузилган томонларнинг имзолари аслилигини ва ваколатларининг ҳақиқийлигига жавобгар бўладилар.

28. Давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахс томонидан қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар етказиб берилганидан кейин рўйхатга олувчи ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган талабларга риоя этилишини текширишни амалга оширади.

29. Рўйхатга олувчи томонидан давлат активларини бошқариш бўйича ваколатли шахс томонидан тузилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ушбу Низом талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига тегишли ёзув киритиш орқали бундай битимларнинг рўйхатга олинишини амалга оширади ҳамда ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳаракатларни бажаради.

VI. Гаров битимларини рўйхатга олинишининг ўзига хос хусусиятлари

30. Гаров битимлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

31. Гаров битимларини рўйхатга олиш улар тузилганидан кейин икки иш куни давомида амалга оширилади.

32. Гаров битимларини рўйхатдан ўтказиш учун ҳужжатлар гаровга қўювчи ёки унинг ваколат берилган вакили томонидан етказиб берилади.

33. Гаров битими томони (томонлари) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда трансфер-агентни жалб этишга ҳақлидирлар.

34. Рўйхатга олувчи гаров битимини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги гаровга олувчи ва гаровга қўювчининг имзолари ва

муҳрларининг (юридик шахслар учун) гаровга олувчи ва гаровга қўювчининг депо ҳисобварағи варақаларидаги имзолари ва муҳрлари намунаси билан мувофиқлигини текширади.

35. Гаров битимини рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатлардаги гаровга олувчи ва гаровга қўювчининг имзолари ва муҳрларининг мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, рўйхатга олувчи ушбу Низомнинг 3-бандида белгиланган талабларга риоя этилишини текширишни амалга оширади.

36. Рўйхатга олувчи томонидан тузилган гаров битимининг мазкур Низом талабларига мувофиқлигига ишонч ҳосил қилинган тақдирда, рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига тегишли ёзув киритиш орқали ушбу битимнинг рўйхатга олинишини амалга оширади ҳамда ушбу Низомнинг 11-бандида назарда тутилган ҳаракатларни бажаради.

37. Гаров битими бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўтган ҳолда бундай битимнинг рўйхатга олиниши гаров битимларини рўйхатдан ўтказиш учун ушбу Низомнинг III-бўлимида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Гаров битимига оид мажбуриятлар бажарилмаганда суд қарорига кўра қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқларнинг олувчига ўтиши ҳолатида ушбу қимматли қоғозлар эгаси алмашувига олиб келадиган ҳаракатлар рўйхатга олинмайди.

38. Гаров битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги сабабли қимматли қоғозларга бўлган ҳуқуқлар ўтганда қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистридаги ёзув, мажбурий тартибда олдинги рўйхатга олинган гаров битими рақамига асослантиришни ўз ичига олиши лозим.

VII. Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш битим (шартнома)лари рўйхатга олинишининг ўзига хос хусусиятлари

39. Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш битими (шартномаси) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

40. Қимматли қоғозларни ишончли бошқариш битими (шартномаси) ушбу Низомнинг III — VI-бўлимларида белгиланган тартибда рўйхатга олинади.

VIII. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритишга қўйиладиган талаблар

41. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олиниши;

рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тўғрисидаги қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини хронологик тартибда ушбу Низомнинг иловасига мувофиқ қоғоз ва электрон шаклларда юритилиши;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига ёзувлар киритилиши учун асос бўлган ҳужжатларнинг сақланиши ва ҳисобининг юритилиши;

ушбу Низомнинг 47 ва 48-бандларида белгиланган тартибда рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар бўйича ахборотнинг унинг томонларига, шунингдек қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига тақдим этилиши.

42. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш тизими қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олинишини, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига ёзувлар киритилиши учун асос бўлган келиб тушган ҳужжатларнинг сақланиши ва ҳисобининг юритилишини таъминлаши лозим.

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрига ёзув киритилиши учун асос бўлган ҳужжатлар рўйхатга олувчида улар келиб тушган вақтдан эътиборан камида уч йил сақланади.

Юритилиши қоғоз шаклида амалга ошириладиган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар ҳисоб регистрининг ҳар бир варағи рўйхатга олувчининг раҳбари ёхуд ваколатли ходими томонидан имзоланган бўлиши лозим.

43. Рўйхатга олувчи қуйидагиларга мажбур:

ушбу Низомда белгиланган талабларга мувофиқ қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритилишини таъминлаши;

қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатдан ўтказишнинг ички тартибига эга бўлиши;

фонд биржасида, уюшган биржадан ташқари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлган қимматли қоғозларнинг котировкалари тўғрисидаги маълумотларга мунтазам равишда қара олиши;

чиқарилиши Ўзбекистон Республикаси ҳудудида рўйхатга олинган қимматли қоғозлар, уларнинг эмиссион қимматли қоғозлар чиқарилишининг Ягона давлат реестрига киритилган реквизитлари тўғрисидаги жорий маълумотларга эга бўлиши;

чиқарилиши қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатиб турилган, бекор қилинган, амалга ошмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган қимматли қоғозлар тўғрисидаги жорий маълумотларга эга бўлиши;

электрон шаклдаги қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини хронологик тартибда юритиш, ўзи томонидан рўйхатдан ўтказилган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тўғрисидаги электрон маълумотлар базасининг шаклланиши ва сақланиши учун зарур бўлган дастурий ва техник воситаларига эга бўлиши.

44. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрга қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тўғрисидаги маълумотни хронологик тартибда киритади ва уларни рўйхатдан ўтказишни амалга оширади.

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри қоғоз ва электрон шаклларда юритилади.

Қоғоз шаклидаги қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тикилган, унинг саҳифалари эса рўйхатга олувчи томонидан рақамланган бўлиши лозим.

Электрон шаклда сақланаётган ва тақдим этиладиган ахборотлар қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар ҳисоб регистрининг қоғоз шаклида акс эттирилган барча ахборотларда ўз ифодасини топиши лозим.

45. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрларини рўйхатга олади ва уларнинг ҳисобини юритади.

46. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олиниши рўйхатга олувчининг иш кундаги операция кунининг охиригача амалга оширилади.

Рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар бўйича якунлар рўйхатга олувчи томонидан ҳар куни унинг операция кунни ёпилганидан кейин чиқарилади.

47. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрдан кўчирмани қоғоз ва электрон шаклда ҳар ўн иш кунда, бироқ олдинги ҳисобот чораги охириги иш кунининг якунидан кечиктирмасдан тақдим этишга мажбур.

48. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонларидан бирининг расмий талабига кўра қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрдан тегишли кўчирмани бериши шарт.

49. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг рўйхатга олиниши, қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритилиши ва сақланиши бўйича ҳуқуқлари ва ваколатларини бошқа шахсга беришга ҳақли эмас.

50. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри ахборотларининг махфий сақланишини таъминлаши шарт. Ахборотлар ошкор қилиб юборилган ҳолда, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллардан ташқари, рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битим томонларига келтирилган барча зарарларни қоплайди.

51. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистрини юритиш тизимига тааллуқли бўлган маълумотлар ва (ёки) ҳужжатлар йўқотиб қўйилган ҳолда рўйхатга олувчи:

ҳужжатлар йўқотиб қўйилганлиги тўғрисида қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини ёзма равишда йўқол-

ганлиги билиб қолинган вақтдан эътиборан икки кун муддатда хабардор қилишга;

йўқотиб қўйилган маълумотларни (тегишли ҳужжатлар йўқотиб қўйилганда) тиклаш мақсадида ҳужжатлар тақдим этилиши зарурлиги тўғрисидаги хабарни манфаатдор шахсларга беш кун мобайнида етказишга;

рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар бўйича йўқотиб қўйилган маълумотлар ва ҳужжатларни улар йўқотиб қўйилган вақтдан бошлаб бир ой муддатда тиклашга мажбурдир.

IX. Яқуний қоидалар

52. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи рўйхатга олувчи томонидан қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар ҳисоб регистрининг юритилишини назорат қилади.

53. Рўйхатга олувчи қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни рўйхатга олиш тартибининг бузилганлиги учун, ўзи томонидан рўйхатга олинган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар тўғрисидаги ахборотларни тақдим этмаганлик ёки тўлиқсиз тақдим этганлик учун, шунингдек бузиб кўрсатганлик учун жавобгар бўлади.

54. Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимлар томонлари қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларни тузиш вақтида қонун ҳужжатлари талабларига амал қилиниши учун жавобгар бўладилар.

55. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари
битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг
ҲИСОБ РЕГИСТРИ**

Регистрга ёзув киритилиш тартиб рақами (битим рўйхатга олинган рақами)	Регистрга ёзув киритилган санаси (битим рўйхатга олинган сана)	Тузилган битимнинг рақами	Битим тузилган санаси	БЕГОНАЛАШТИРИВЧИ (ГАРОВГА ҚЎЮВЧИ)							
				Битим тузиш учун жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси номи	Ф.И.Ш. ёки номи	Депонентларнинг Ягона базасида рўйхатга олинган шахснинг коди	СТИР	Паспорт (шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг) серияси, рақами	Паспорт (шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) берилган санаси	Турар жойи манзили ёки юридик манзили	Мақоми (фуқаролиги/ юрисдикция)
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗ											Тўлов шакли (нақд / нақдсиз / пластик картаси, комбинацияланган)	Битим тури	Рўйхатдан ўтказиш учун тақдим этилган ҳужжатнинг номи
Қимматли қоғозлар Марказий депозитарийсининг кодификацияси бўйича қимматли қоғознинг коди	Эмитентнинг номи	Эмитент жойлашган ҳудуд	Марказий депозитарийсининг кодификацияси бўйича эмитентнинг тармоғи	Депонентларнинг Ягона базасида эмитентга берилган рўйхатга олинган шахснинг коди	Қимматли қоғозларнинг тури	Битим предмети ҳисобланган қимматли қоғозларнинг сони	Эмитентнинг устав фондига нисбатан фоизи (акциялар учун) ёки чиқарилишнинг ҳажмига нисбатан фоизи (бошқа қимматли қоғозлар учун)	Қимматли қоғознинг номинали, сўмда	Қимматли қоғозларнинг курс қиймати, донаси учун сўмда	23			
13	14	15	16	17	18	19	20	21	22	23	24	25	

Битимнинг қиймати, сўмда	Жойлаштириш ёки муомалада бўлиши	ОЛУВЧИ (ИШОНЧЛИ БОШҚАРУВЧИ, ГАРОВГА ОЛУВЧИ)									Изоҳ
		Битим тузиш учун жалб қилинган қимматли қоғозлар бозорининг профессионал иштирокчиси номи	Ф.И.Ш. ёки номи	Депонентларнинг Ягона базасида рўйхатга олинган шахснинг коди	СТИР	Паспорт (шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг) серияси, рақами	Паспорт (шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжат) берилган санаси	Турар жойи манзили ёки юридик манзили	Мақоми (фуқаролиги/ юрисдикция)	36	
26	27	28	29	30	31	32	33	34	35	36	

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ
ХУЗУРИДАГИ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ
ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

127 Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил
9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1258-2*

(2009 йил 19 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 мартдаги 126-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази тўғрисидаги низомга ва Идоравий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш ва уларни қабул қилиш қоидаларининг 84-бандига (2000 йил 16 октябрь, рўйхат рақами 979) мувофиқ **буюраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2003 йил 26 майдаги 2003-08-сонли «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (2003 йил 17 июль, рўйхат рақами 1258 — Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат қўмиталари ва идораларининг меъёрий ҳужжатлари ахборотномаси, 2003 й., 13-14-сон);

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2004 йил 3 июндаги 2004-11-сонли «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги буйруғи (2004 йил 30 июнь, рўйхат рақами 1258-1 — Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й., 26-сон, 308-модда).

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга киритилсин.

3. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» Агентлиги билан келишилган.

**Қимматли қоғозлар бозори
фаолиятини мувофиқлаштириш ва
назорат қилиш маркази
бош директори**

К. ТОЛИПОВ

Тошкент ш.,
2009 йил 3 март,
2009-17-сон

Келишилган:

*Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
«Ўзархив» агентлиги
Бош директори*

А. АБДУЛЛАЕВ

*Тошкент ш.,
2009 йил 3 март*

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2009 йил 28 февралдан 13 мартгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Автоклавларда ишлашда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 2 февралдаги 5/1-сонли буйруғи.*

2009 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1913 (2009 йил 10 мартдан кучга киради).

2. «Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартибини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 16 февралдаги 5-сонли қарори.*

2009 йил 4 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 473-1 (2009 йил 14 мартдан кучга киради).

3. «Марказий депозитарий ва иккинчи босқичдаги депозитарийлар, фонд биржалари, биржадан ташқари қимматли қоғозлар савдоси тизими ҳамда ҳисоб-китоб-клиринг ташкилотларининг дастурий-техник комплексларидан фойдаланиш (ишлатиш) қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»*ги буйруғига ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 9 февралдаги 2009-10-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1041-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

4. «Акциядорлик жамиятларида аффилланган шахслар, уларнинг ҳисобини олиб бориш ва ахборотларни ошкор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2009 йил 26 февралдаги 2009-15, 26, 8-сонли қарори.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1212-1 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

5. «Ихтирога Ўзбекистон Республикасининг патентини бериш учун талабномаларни тузиш, топшириш ва кўриб чиқиш қоидаларига ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат патент идораси директорининг 2009 йил 5 февралдаги 23-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1329-2 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига тушумлар тўғрисидаги маълумотларни йиғиш ва айирбошлаш тартиби ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк Бошқаруви, Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 6 февралдаги 18, 2/8, 2008-47-сонли қарори.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1914 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

7. «Қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчисининг қимматли қоғозлар бозорида амалга ошириладиган операциялар ва битимларини ҳисобга олиш, уларнинг ҳисоби бўйича ҳужжатларни сақлаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 11 февралдаги 2009-12-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1915 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

8. «Гўшт-сут ишлаб чиқариши ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 7/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1916 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

9. «Паррандачилик соҳаси ходимлари учун махсус кийим, махсус пойабзал ва бошқа якка тартибда ҳимояланиш воситаларини бепул беришнинг Намунавий меъёрларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг 2009 йил 13 февралдаги 6/Б-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1917 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

10. «Ўзбекистон Республикасининг «Авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш ташкилотларини сертификатлаш» авиация қоидалари (ЎзР АҚ-145ТХК)ни тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси бошлигининг 2009 йил 2 февралдаги 8-сонли буйруғи.*

2009 йил 7 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1918 (2009 йил 17 мартдан кучга киради).

11. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 4 мартдаги 2009-18-сонли буйруғи.*

2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1919 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).

12. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги буйруқни, шунингдек унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директорининг 2009 йил 3 мартдаги 2009-17-сонли буйруғи.*

2009 йил 9 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1258-2 (2009 йил 19 мартдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Санацияга тортилган қишлоқ хўжалик корхоналарини мониторинг қилиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси қошидаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 473, 1998 йил 14 август).*

Адлия вазирининг 2009 йил 4 мартдаги 57-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. «Қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари битимларнинг ҳисоб регистри тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази бош директори томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1258, 2003 йил 17 июль), (рўйхат рақами 1258-1, 2004 йил 30 июнь).*

Адлия вазирининг 2009 йил 9 мартдаги 67-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
МАЪЛУМОТЛАРИ
МИЛЛИЙ БАЗАСИ



ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАРКАЗИ

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасининг ахборот излаш тизими (ҚХММБ LexUz) аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражасини кўтариш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан юридик ва жисмоний шахсларнинг кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, жамиятни ҳуқуқий ахборотлаштириш тизимини такомиллаштириш мақсадида яратилган.

LexUZ фойдаланувчиларга ҚХММБда Интернет орқали фойдаланиш имкониятини таъминлайди ва бунда:

норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни таркибий қисмлари ва реквизитлари, шунингдек, юридик таҳлил карточкаларидаги маълумотлари асосида, яъни:

— *Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тармоқлари умумҳуқуқий классификатори бўйича;*

— *қонунчиликнинг мавзули маълумотномаси бўйича;*

— *тушунча ва терминлар маълумотномаси бўйича;*

— *алфавит-предметли кўрсаткич бўйича кўпмезонли, кенгқамровли қидириш имконини беради.*

излаш натижалари жадвал қаторлари кўринишида акс эттирилади ва улар билан ишлашнинг қуйидаги имкониятлари мавжуд:

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича саралаш;*

— *танланган ҳужжатларнинг реквизитлари бўйича гуруҳлаш;*

— *ҳужжатлар билан ишлаш учун натижавий жадвалда уларни танлаш;*

— *излаш натижасида танланган ҳужжатларга оид барча маълумотларни олиш;*

— *ҳужжатларга киритилган қўшимча ва ўзгартиришларнинг хронологик тарихини кўриш;*

— *ҳужжат матнини алоҳида ойнада очиш;*

— *ҳужжат матнининг фойдаланувчи танлаган санадаги ҳолатини кўрсатиш;*

— *«Ҳаволалар харитаси» — танланган ҳужжатга нисбатан корреспондент /*

респондент ҳужжатлар рўйхати;

— *ҳужжат таркибида расмий матн қаторида норасмий ахборотларни (тушунтириш ва изоҳлар каби) акс эттириш;*

— *ҳужжат таркибида матн, жадвал, расмлар ва графикларни акс эттириш;*

фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини автоматик тарзда тизимда сақлаб қолиш ва бунда:

— *танланган ҳужжатлар рўйхатини сақлаб қолиш;*

— *излаш шартларини сақлаб қолиш;*

— *фойдаланувчи ишлаган ҳужжатлар тарихини тизимда сақлаш;*

фойдаланувчи маълумотларини ва интерфейсини ўзбек ва рус тилларида олиб бориш; базага киритилган ҳужжатлар ҳақида электрон почта орқали хабар йўллаш.

WWW.LEX.UZ

сайтига марҳамат қилинг

